Insonga naf keltirish — oliy baxt!

Ishonch

Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqa boshlagan

O‘zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasining nashri ● 2014-yil 4-oktabr, shanba № 121-122 (3471)

Инсонлар ўртасида ўзаро ҳурмат ва меҳр-оқибат муҳити, улар қайси тилда сўзлашишидан қатъи назар, Ўзбекистон деб аталган умумий уйимизда ҳукм сураётган тинчлик, барқарорлик ва осойишталикнинг энг муҳим асоси ва гарови бўлиб хизмат қилмоқда.

Ислом КАРИМОВ

САМИМИЙ ҚУТЛОВЛАР

Муборак Қурбон ҳайити муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов номига қатор хорижий мамлакат ва халқаро ташкилотлар раҳбарлари номидан самимий қутловлар келмоқда. Уларда давлатимиз раҳбарига мустаҳкам соғлиқ, муваффақиятлар, Ўзбекистон халқига тинчлик, хотиржамлик, тараққиёт ҳамда фаровонлик тилаб, эзгу ва самимий истаклар билдирилган.

Жумладан:

Икки муқаддас масжид ходими, Саудия Арабистони Подшоҳи **Абдулла бин Абдулазиз Ол Сауд;**

Саудия Арабистони Подшоҳлиги Валиаҳди, Вазирлар Маҳкамаси раисининг ўринбосари, мудофаа вазири **Салмон бин Абдулазиз Ол Сауд;**

Иордания Подшоҳи **Абдуллоҳ Иккинчи бин ал-Ҳусайн;**

Бирлашган Араб Амирликлари Президенти **Шайх Халифа бин Зоид Ол Наҳаён;**

Бирлашган Араб Амирликлари Вице-президенти, Бош вазири, Дубай Амирлиги ҳокими **Шайх Муҳаммад бин Рошид Ол Мактум;**

Бирлашган Араб Амирликлари Бош вазири ўринбосари, ички ишлар вазири **Шайх Сайф бин Зоид Ол Наҳаён**;

Миср Араб Республикаси Президенти **Абдулфаттоҳ Саид Ҳусайн Ас-Сиси;**

Туркия Республикаси Президенти **Ражаб Таййиб Эрдўғон;**

Қатар Давлати Амири **Шайх Тамим бин Ҳамад Ол Соний;**

Қатар Давлати Бош вазири, ички ишлар вазири **Шайх Абдулла бин Носир бин Халифа Ол Соний;**

Тожикистон Республикаси Президенти **Имомали Раҳмон;**

Фаластин Давлати Президенти, Фаластин озодлик ташкилоти Ижроия қўмитаси раиси **Маҳмуд Аббос;**

Ислом ҳамкорлиги ташкилоти Бош котиби **Ийяд бин Амин Маданий;**

МДҲ динлараро Кенгаши ҳамраиси, Кавказ мусулмонлари бошқармаси раиси **Шайх ул-ислом Оллоҳшукур Пошшозода** ўз табрикларини йўлладилар.

Қутловлар келиши давом этмоқда.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Ассалому алайкум ва раҳматуллоҳи ва баракотуҳу,

Муҳтарам Президент Жаноби Олийлари!

Сизни ва гўзал юртимизнинг барча фуқароларини қутлуғ айём — Қурбон ҳайити муносабати билан муборак заминда ҳаж ибодатини чин ихлос, имон-эътиқод ила адо этаётган ҳожиларимиз номидан самимий муборакбод этамиз.

Биз, ўзбекистонлик ҳожилар она диёримизнинг келажаги буюк ва ёруғ, халқимиз ҳаёти янада фаровон, Сизнинг раҳнамолигингизда амалга оширилаётган барча хайрли ишлар бардавом ва баракотли бўлишини Аллоҳ таолодан сўраб дуода бўлмоқдамиз.

Истиқлол туфайли, Сизнинг ташаббусингиз билан дунё илм-фани, маданияти, хусусан, муқаддас ислом таълимоти ривожига бемисл ҳисса қўшган буюк аждодларимизнинг муборак номлари қайта тикланиб, бой илмий мерослари ўрганилмоқда, қадамжолари халқимиз ардоғидаги табаррук манзилларга айлантирилмоқда. Ҳар йили минглаб фуқароларимизнинг ҳаж ва умра ибодатларини юксак савияда, қулай шароитларда адо этаётганлари, ҳеч шубҳасиз, мамлакатимизда виждон эркинлигини кафолатлаш, миллий-диний қадриятларимизни асраш ва улуғлаш борасида амалга оширилаётган кенг кўламли ишларнинг ёрқин ифодасидир.

Комил ишонч билан таъкидлаймизки, Ватанимизнинг янада обод бўлиб, равнақ топишида, ўз олдимизга қўйган юксак мақсад ва марраларни эгаллашимизда энг катта мезон, аввало, юртимизда ҳукм сураётган тинчлик, барқарорлик ва ҳамкорлик, ўзаро ҳурмат ва меҳр-оқибат муҳитининг яратилганидадир.

Ушбу баракотли онларда Сиз, муҳтарам Президент Жанобларига мустаҳкам саломатлик, бахт-саодат, она Ватан тараққиёти, халқимиз тинчлиги ва фаровонлиги йўлидаги хайрли ишларингизда Яратганнинг Ўзи мададкор бўлишини сўраб дуолар қилиб қоламиз.

Ўзбекистон ҳожилари номидан
муфтий Усмонхон АЛИМОВ

Макка шаҳри, Арафот водийси,
2014 йил 3 октябр.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ БМТ ЖАҲОН САЙЁҲЛИК ТАШКИЛОТИ ИЖРОИЯ КЕНГАШИ 99-СЕССИЯСИНИНГ ОЧИЛИШ МАРОСИМИДАГИ НУТҚИ

Муҳтарам жаноб Талеб Рифаи!

Ҳурматли форум иштирокчилари!

Хонимлар ва жаноблар!

Сиз, муҳтарам меҳмонларимизни — Жаҳон сайёҳлик ташкилоти Ижроия кенгаши раҳбарлари ва аъзоларини, туризмни ривожлантириш масалалари бўйича вазирлик ва идоралар, сайёҳлик ташкилотлари бошлиқларини, олимлар ва мутахассислар, жаҳон туризм саноати вакилларини қутлаб, барчангизга ўзимнинг юксак ҳурмат-эҳтиромимни билдириш, Ижроия кенгашнинг 99-сессиясига самарали ва муваффақиятли иш олиб боришни тилаш менга катта мамнуният бағишлайди.

Авваламбор, Ўзбекистон Президентини мана шундай қарсаклар билан, очиқ юз билан, кўтаринки кайфиятда кутиб олганингиз учун сизларга катта раҳмат айтмоқчиман. Бунга жавобан мен ҳам сизларни айнан Самарқандда, Ўзбекистонда кўриб турганимдан чин дилдан хурсанд эканимни яна бир бор таъкидламоқчиман.

Сизлар бизнинг заминимизга ташрифингиздан мамнун ва рози бўлсангиз — бу менинг энг катта тилагим, десам, айни кўнглимдаги гапни айтган бўламан.

Бугун бу залда 150 дан ортиқ туризм саноати вакиллари ҳозир бўлганидан хабардорман. Бу анжуманда, шунингдек, бизнинг дўстларимиз — Ўзбекистонда аккредитациядан ўтган хорижий дипломатлар ҳам иштирок этмоқда. Улар бизнинг меҳмонларимиз билан биргаликда барча муҳим анжуман ва тантанали маросимларимизда доимо қатнашиб келишади.

Жаҳон сайёҳлик ташкилоти Бош котиби жаноб Талеб Рифаи ва кенгашнинг барча аъзоларига мазкур кенгашнинг навбатдаги сессияси мажлиси ўтказиладиган жой сифатида турли маданиятлар чорраҳаси ва жаҳон цивилизацияси дурдонаси бўлмиш қадимий ва ҳамиша навқирон Самарқанд шаҳрини танлагани учун самимий миннатдорлик билдираман.

Самарқанд шаҳрининг тарихий аҳамияти, унинг беқиёс гўзаллиги ҳақида албатта кўп гапириш мумкин.

Салкам уч минг йиллик ғоят бой тарихга эга бўлган бу азим шаҳар ўзининг улуғвор меъморий ёдгорликлари, мовий гумбазлари, бетакрор шарқона қиёфаси ва руҳи билан саёҳатчилар, туристлар ва меҳмонлар эътиборини тортиб келади.

Бу дилбар шаҳар ҳар қандай инсонни ўзига мафтун этади. Уни бир бор кўрган одам ҳеч қачон эсидан чиқармайди.

Яқинда Американинг халқаро доираларда тан олинган ва катта нуфузга эга бўлган «Хаффингтон пост» интернет нашри Самарқандни инсон ўз умри давомида ҳеч бўлмаганда бир марта бориб кўриши албатта зарур бўлган дунёдаги 50 та шаҳарнинг бири сифатида эътироф этди ва ана шу шаҳарлар рўйхатига киритди.

Ўзида энг қадимги даврлар ва бугунги ҳаётни узвий равишда уйғунлаштирган ушбу шаҳарда туғилиб вояга етган инсон сифатида сиз, азиз меҳмонларимизни мана шу меҳмондўст заминда кўриш ва бутун Самарқанд аҳли номидан, шахсан ўз номимдан «Самарқандга хуш келибсиз!» деб айтиш менга алоҳида мамнуният бағишлайди.

Қадрли дўстлар!

Жаҳон сайёҳлик ташкилоти Ижроия кенгашининг бугунги сессияси мажлисининг асосий кун тартиби ғоят муҳим масалага — «Буюк Ипак йўли — халқаро туризмни ривожлантиришнинг янги истиқболлари» мавзусига бағишланган.

Туризм қадим замонлардан бошлаб сайёрамиз халқлари ўртасида дўстлик ришталарини мустаҳкамлашга хизмат қилган. Одамлар янги ўлкаларни кашф этиш, дунёни кўриш ва билиш, савдо-сотиқни ривожлантириш, маданий ва дипломатик алоқаларни ўрнатиш мақсадида саёҳатга чиққанлар. Савдо карвонлари йўллари кесишган, маданиятлар ва цивилизациялар туташган чорраҳада жойлашгани учун Марказий Осиё минтақаси бу жараёнда муҳим ўрин тутган.

Нуфузли олимларнинг фикрига кўра, Ўзбекистон давлатчилигининг шаклланиш тарихи милоддан аввалги икки мингинчи йиллардан бошланган ва 3,5 минг йилдан зиёд даврни қамраб олади. Кўҳна Рим ва Бобилнинг тенгдоши ҳисобланган, ўрта асрлар илм-фани, санъати ва маданиятининг йирик марказлари сифатида дунёга донг таратган ва ЮНЕСКОнинг Бутунжаҳон мероси рўйхатига киритилган Самарқанд, Бухоро, Хива, Шаҳрисабз шаҳарлари бу заминда қадимги давлатчиликнинг шаклланиш ва ривожланиш марказлари бўлиб келган.

Шу ўринда биз кейинги йилларда жаҳон ҳамжамияти билан биргаликда Самарқанд шаҳрининг 2750 йиллигини, Шаҳрисабзнинг 2700 йиллигини, Бухоро ва Хива шаҳарларининг 2500 йиллигини, Тошкент шаҳрининг 2200 йиллигини кенг нишонлаганимизни айтиб ўтиш жоиздир.

Қадимий маданиятлар бешиги бўлган бу шаҳарларда илк ва кейинги ўрта асрлардаёқ илм-фан, таълим-тарбия соҳалари, ҳунармандлик ва савдо-сотиқ кенг ривожланган, муҳташам саройлар, масжид ва мадрасалар барпо этилган. Бундай гўзал шаҳарларни бунёд этиш учун нафақат моҳир уста ва қурувчилар, балки математика, астрономия, физика, архитектура, геометрия, геодезия, сейсмология ва кимё каби фундаментал фанларни чуқур биладиган олимларнинг билим ва тажрибаси ҳам керак бўлган.

Жаҳон тарихидаги энг муҳим маданий ва ижтимоий-иқтисодий аҳамиятга эга бўлган ўта ноёб ҳодиса — Буюк Ипак йўли айнан ана шу шаҳарлар ва маданиятлар марказлари орқали ўтган. Милоддан олдинги III-II минг йилликлардаёқ вужудга келган коммуникация тармоқлари Месопотамия текисликларидан Ҳинд водийсигача, Ўрта Осиё воҳаларидан Араб денгизигача чўзилган бепоён Ўрта Шарқ минтақасидаги бир-биридан жуда узоқдаги маданиятлар ва мамлакатларни боғлаган. Кейинчалик ана шу ҳудудлар Буюк Ипак йўлининг асосий йўналишларидан бирига айланган.

Савдо-сотиқ алоқаларининг кенгайиши аҳолининг кўчиб юришига сабаб бўлган. Улар ўзлари билан бирга меъморлик, маданият ёдгорликлари, нумизматика ва ҳунармандлик маҳсулотларида акс этган ўз урф-одатлари ва дунёқарашини ҳам олиб келган.

Ўша замонларда энг юқори даромад келтирадиган ва сотиш мақсадида узоқ масофаларга ташиш учун энг қулай товар ипак бўлган. Бундан ташқари, Буюк Ипак йўли орқали яна кўплаб бошқа товар ва буюмлар, жумладан, чинни, ойна, шиша, гилам, металл, қурол-яроғ, турли тақинчоқлар, чой, зираворлар, шунингдек, машҳур хитой қоғози ташилган.

Халқаро туризмнинг пайдо бўлиш ва шаклланиш тарихини таҳлил қилар эканмиз, савдо муносабатларини ўрнатиш, дам олиш ва саёҳат билан бир қаторда, дунё халқларининг тарихи, маданияти, урф-одат ва анъаналарини ўрганиш, билиш ва бунинг натижасида одамлар, элу элатлар ўртасида ҳамжиҳатлик, бағрикенглик фазилатларини мустаҳкамлаш ҳам туризмнинг муҳим таркибий қисми бўлганига яна бир бор ишонч ҳосил қиламиз.

Айнан маърифий туризм бугунги кунда дунёда тобора катта қизиқиш уйғотмоқда ва менинг назаримда, бутун сайёҳлик соҳасининг энг муҳим қадриятларидан бирига айланмоқда.

Бугун биз туризмнинг ўрни ҳақида, айниқса, халқаро сайёҳликнинг ҳозирги босқичдаги аҳамияти ҳақида гапирганда, энг долзарб масалалардан бири — бу толерантлик тамойили бўлса керак, деб ўйлайман.

Биз айнан туризм орқали толерантлик нима эканини биламиз, англаймиз. Бу халқаро тушунча бўлиб, дунёдаги барча миллатларга бирдек қадрли ва тушунарлидир. Толерантлик авваламбор турли миллатга мансуб инсонларнинг бир-бирига ҳурмат билан муносабатда бўлишини ва энг асосийси бир-бирини тушунишни англатади.

Бу икки тушунчани ана шундай англаш қаердаки туризм ривожланган бўлса — ўша ерда толерантлик бор, деб айтишга имкон беради, десам, ўйлайманки, сизлар ҳам бу фикрга қўшиласиз.

Буларнинг барчаси турли даврларда Буюк Ипак йўли бўйлаб ўтган машҳур саёҳатчи ва тадқиқотчиларнинг кундаликларида ўз ифодасини топган. Бу инсонлар турли миллат вакиллари бўлганлар, хусусан, хитойлик Чжан Цянь, италиялик Марко Поло, испаниялик Клавихо, арабистонлик Ибн Фадлан ва Ибн Баттута, америкалик Пампелли, англиялик Женкинсон, германиялик Шильтбергер, франциялик Мартен ва Бонвало, венгриялик Вамбери, швециялик Хедин ва швейцариялик Майяр шулар жумласидандир. Уларнинг орасида турли касб эгалари — зиёратчилар, миссионерлар, савдогарлар, олимлар, дипломатлар, тадқиқотчи ва адиблар бўлган. Уларнинг ҳар бири халқаро туризмнинг пайдо бўлиш ва шаклланиш тарихига салмоқли ҳисса қўшган ва бунинг учун биз улардан бениҳоя миннатдормиз.

Самарқанд шаҳридаги деворий расмларда Ўрта Осиёга дунёнинг турли ўлкаларидан келган элчилар, савдогар ва саёҳатчиларнинг ташрифи ўз аксини топган. Бу ноёб тарихий асарда бундан 2,5 минг йилдан зиёд аввалги даврда Афросиёб ҳукмдорининг саройида Хитой, Корея, Жанубий ва Шимолий Осиё ва бошқа давлатларнинг элчиларини қабул қилиш маросимлари тасвирланган.

Шунинг учун ҳам 20 йил аввал Буюк ипак йўли бўйлаб сайёҳликни ривожлантириш бўйича халқаро лойиҳага аъзо мамлакатларнинг Самарқанд декларацияси айнан Самарқанд шаҳрида қабул қилингани бежиз эмас. Ушбу ҳужжатда 2-2,5 минг йил олдин Ўрта Шарқ, Марказий Осиё ва Яқин Шарқнинг бепоён минтақалари орқали ўтиб, Осиё ва Европа мамлакатларини савдо ва маданий алоқалар билан боғлаган мана шу қадимий трансконтинентал йўналишда халқаро туризмни қайта тиклаш ҳамда ривожлантириш масаласи баён қилинган эди.

(Давоми 2-саҳифада).



ЎзА сурати

Истиқлол йилларида мамлакатимизда виждон эркинлиги, диний бағрикенглик тамойилларини таъминлаш, уларнинг қонуний асосларини яратиш ва ривожлантириш масалаларига устувор аҳамият берилмоқда. Имон-эътиқод, меҳр-оқибат, шафқат ва мурувват каби фазилатлар халқимиз маънавий ҳаётини юксалтиришда муҳим асос бўлиб хизмат қилмоқда.

Эзгулик масканига ташриф

Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида миллий урф-одат ва қадриятларимизни тиклаш, муқаддас динимизни, азиз авлиё ва уламоларимизнинг бой меросини теран ўрганиш, уларнинг қадамжоларини обод қилиш, тарихий обидаларни асраб-авайлаш йўлида беқиёс ишлар амалга оширилди.

Хусусан, Абдухолиқ Ғиждувоний, Имом Бухорий, Имом Термизий, Баҳоуддин Нақшбанд, Имом Мотуридий, Бурҳониддин Марғиноний, Ҳазрати Имом мажмуалари сингари табаррук масканларда олиб борилган катта ҳажмдаги қурилиш ва ободонлаштириш ишлари натижасида бундай обидалар диёримизнинг гўзал, файзли масканларига айланди.

Ана шундай савобли ва улуғвор ишларнинг узвий қисми сифатида диний маърифат асосларини, дунёвий илмларни чуқур ўрганиш мақсадида Тошкент Ислом университети ташкил қилинди ва талабаларнинг замонавий таҳсил олишлари учун барча шарт-шароит яратилди.

Бундай савобли ва олижаноб ишлар изчил давом эттирилмоқда. Хусусан, мамлакатимиз пойтахти азим Тошкентнинг кўҳна Минор мавзесида муҳташам масжид барпо қилинди.

Илгари хабар берганимиздек, давлатимиз раҳбари Ислом Каримов шу йилнинг 18 июл куни бу масканда бўлиб, қурилиш ишлари билан танишган эди.

Юртбошимиз бу ерда моҳир қурувчи, муҳандис ва усталарнинг фаолияти билан танишар экан, амалга оширилган бунёдкорлик ишлари ҳақида фикр билдириб, мажмуани янада такомиллаштириш бўйича муҳим кўрсатма ва тавсиялар берган эди.

Орадан икки ярим ой ўтиб, мажмуадаги ишлар ўз ниҳоясига етди.

1 октябр куни, муқаддас Қурбон ҳайити арафасида Ислом Каримов ушбу эзгулик масканига ташриф буюрди.

Шу ўринда айтиш керакки, Президентимиз ғояси ва амалий таклифлари асосида яратилган ушбу лойиҳада миллий меъморчилигимизнинг, бутун дунёда машҳур бўлган масжид ва мадрасалар қуришнинг азалий анъана ва услубларидан ижодий фойдаланган ҳолда, ҳар жиҳатдан бетакрор, муаззам мажмуа барпо этиш кўзда тутилган эди.

Давлатимиз раҳбари муҳташам мажмуани ва унинг атрофида олиб борилган кенг кўламли ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишларини кўздан кечирди.

Муқаддас динимизга мувофиқ масжидда Қуръони каримдан тиловат қилинди.

Ислом Каримов масжиднинг ички ва ташқи кўриниши, баҳаво айвонлари, миллий ўймакорлик услубида ишланган устунлар, бино қуббасидаги олтин суви билан зийнатланган нақшларни кўздан кечириб, қўли гул усталарнинг меҳнатига муносиб баҳо берди.

Айни вақтда нафақат мамлакатимиз, балки минтақамизда ягона, бетакрор бўлган ушбу дину диёнат маскани ҳар жиҳатдан мукаммал бўлиши, бу ерга тоат-ибодат ниятида келадиган мўмин-мусулмонлар учун ҳар томонлама қулай шароит яратиш бўйича қурувчи ва мутахассисларга зарур топшириқ ва кўрсатмалар берди.

Халқимизнинг пок қалбини, олижаноб орзу-интилишларини, эзгу ниятларини ўзида мужассам этган ушбу муаззам меъморий мажмуа маънавиятимизни янада юксалтиришга, юртимизда эзгулик нурини зиёда этишга хизмат қилиши муқаррар.

ЎзА



БУЮК ИПАК ЙЎЛИДАГИ ТУРИЗМ ИСТИҚБОЛИ

Самарқанд шаҳрида БМТ Жаҳон сайёҳлик ташкилоти Ижроия кенгашининг 99-сессияси ўз ишини якунлади.

Президентимиз Ислом Каримов халқаро анжуманнинг очилиш маросимида нутқ сўзлагани сессия ишига чуқур мазмун бағишлагани алоҳида таъкидланди.

Жаҳон сайёҳлик ташкилоти Ижроия кенгашининг мазкур сессияси «Буюк Ипак йўли — халқаро туризмни ривожлантиришнинг янги истиқболлари» мавзусига бағишланди.

Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, Буюк Ипак йўли жаҳон тарихидаги энг муҳим маданий ва ижтимоий-иқтисодий аҳамиятга эга бўлган ноёб ҳодисадир.

Асрлар давомида олис мамлакатлар ва халқларни бир-бири билан боғлаган бу йўл ҳозирги даврда ҳам муҳим аҳамият касб этмоқда. Бугунги кунда у Шарқ мамлакатлари ўртасидаги савдо-иқтисодий, инвестициявий, маданий ва маърифий ҳамкорликнинг ривожланишига хизмат қилмоқда.

Ушбу халқаро робита марказида жойлашган Ўзбекистонда хорижий давлатлар, халқаро ташкилотлар билан алоқалар ривожига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Хусусан, БМТ Жаҳон сайёҳлик ташкилоти билан ҳамкорликда туризмни ривожлантириш бўйича қўшма лойиҳалар амалга оширилмоқда.

БМТ Жаҳон сайёҳлик ташкилоти Ижроия кенгашининг 99-сессияси сайёҳлик олами вакилларига жаҳон сайёҳлик бозорининг бугунги аҳволи ва ривожланиш истиқболлари хусусида фикр-мулоҳаза ва тажриба алмашиш, туризмнинг янги тенденциялари, бу борада долзарб муаммоларни муҳокама қилиш, сайёҳликнинг янги қирраларини кашф этиш имконини берди. Анжуман иштирокчилари мамлакатимизнинг сайёҳлик борасидаги улкан салоҳияти билан танишди, юртимизда бу борада амалга оширилаётган ишларга юксак баҳо берди.

Сессия ишида халқаро сайёҳликни ривожлантириш истиқболлари, туризм ва маданият соҳасида ҳамкорликнинг янги моделларини яратиш, кадрлар тайёрлаш ва мутахассислар малакасини ошириш, минтақавий ривожланиш ва интеграцияни рағбатлантиришда сайёҳлик маршрутларининг роли, халқаро туризмнинг бугунги ҳолати ва истиқболлари каби қатор мавзуларда маърузалар тингланди. Ўзбекистонга сайёҳларни жалб қилишни кенгайтириш бўйича фикр ва тажриба алмашилди. Туризм саноатида халқаро ҳамкорликни ривожлантириш ва соҳага инвестиция киритиш масалалари муҳокама этилди.

БМТ Жаҳон сайёҳлик ташкилоти Ижроия кенгашининг 99-сессияси бўйича қабул қилинган қарорлар лойиҳаси тасдиқланди.

Ўзбекистон билан БМТ Жаҳон сайёҳлик ташкилоти ўртасида ўзаро алоқаларни мустаҳкамлаш, мамлакатимизда сайёҳликни янада ривожлантириш, соҳада кадрлар тайёрлаш ва мутахассислар малакасини ошириш, Буюк Ипак йўлида туризмни кенг оммалаштириш бўйича ҳамкорликка оид битим имзоланди.

Нодира МАНЗУРОВА,
Ирода УМАРОВА,
Ғолиб ҲАСАНОВ,
ЎзА махсус мухбирлари

Ishonch

2014-yil 4-oktabr № 121-122 (3471)

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ БМТ ЖАҲОН САЙЁҲЛИК ТАШКИЛОТИ ИЖРОИЯ КЕНГАШИ 99-СЕССИЯСИНИНГ ОЧИЛИШ МАРОСИМИДАГИ НУТҚИ

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада).

Биз Жаҳон сайёҳлик ташкилотининг 2004 йилда Самарқанд шаҳрида Жаҳон сайёҳлик ташкилотининг ипак йўлидаги минтақавий марказини ташкил этиш ҳақидаги қарори ўз вақтида қабул қилинган ва ҳар томонлама тўғри қарор, деб ҳисоблаймиз.

Ҳурматли форум иштирокчилари!

Бугунги кунда дунёда шиддат билан ўзгариб бораётган вазият, глобаллашув жараёнларининг жадаллашуви, тез-тез такрорланаётган жаҳон иқтисодий ва молиявий инқирозлари халқаро туризм ривожи йўлида турли муаммолар туғдириб, унинг олдига янги-янги талаблар қўяётганини, табиийки, биз ўзимизга яхши тасаввур қиламиз.

Фурсатдан фойдаланиб, уларнинг айримларига қисқача тўхталиб ўтмоқчиман.

Халқаро туризмни ривожлантириш ва унинг самарадорлигини белгилайдиган **энг муҳим омиллар**, ҳеч шубҳасиз, бутун дунёда, турли минтақаларда, сайёҳларни қабул қиладиган ҳар бир давлатда тинчлик, хавфсизлик, сиёсий ва иқтисодий барқарорликни таъминлашдан иборат бўлиб қолмоқда.

Халқаро терроризм ва экстремизм, тобора авж олиб бораётган радикализм, маҳаллий урушлар ва бир жойдан иккинчи жойга боришда хатарлар пайдо бўлаётгани туризмни ривожлантириш борасидаги ҳар қандай саъй-ҳаракатни йўққа чиқарадиган тўсиққа айланганини исботлаб ўтиришнинг ҳожати йўқ ва биз буни аниқ мисолларда кўряпмиз.

Ана шу сабаблар оқибатида кечагина туризм гуркираб ривожланган мамлакатларда бугун сайёҳлар оқими кескин камайгани ёки бутунлай тўхтаб қолгани ҳақида мисоллар келтиришнинг зарурати бўлмаса керак — ҳамиша, таъбир жоиз бўлса, сайёҳлар оқимининг чорраҳаси бўлиб келган айрим Яқин Шарқ мамлакатлари мисолида буни кўриб турибмиз.

Ўзингиз қаранг, Сурия ва Ироқда, дунёнинг энг қадимий шаҳарларидан бири бўлган, бизнинг аждодларимиз, масалан, Муҳаммад Хоразмий фаолият кўрсатган, «Байтул ҳикма», яъни «Ҳикматлар уйи» деб ном олган жаҳондаги биринчи академия ташкил этилган Бағдодда бугунги кунда туризм борми?

Ҳозирги вақтда Бағдод қандай аҳволда, Дамашқ ва бу минтақадаги бошқа шаҳарлар қандай аҳволда? Бундай ҳолатнинг сабаби эса фақат битта: аввалги ёдгорликлар, музейлар сақланиб қолган, аммо сайёҳлар учун кафолат йўқ, хавфсизлик йўқ. Тинчлик ва хавфсизлик бўлмаган жойда эса ҳеч қандай сайёҳлик бўлиши мумкин эмас. Бу ёдгорликларни кўриш учун ким жонини хавф-хатарга қўяди? Агар ана шу нуқтаи назардан қарайдиган бўлсак, бугунги кунда тинчлик-осойишталик ва турли халқлар ўртасидаги ўзаро бир-бирини тушуниш қандай ҳал қилувчи омил эканини барчамиз яхши биламиз.

Иккинчи муаммо, туризм соҳасидаги фаолиятни ривожлантириш аҳолининг ҳаёт даражаси, даромади ва фаровонлигининг ошиб бориши билан бевосита боғлиқдир.

Бу ҳақиқатни жаҳонда туризмга талабнинг асосий ўсиш кўрсаткичлари ривожланаётган давлатлар, биринчи навбатда, Осиё мамлакатларининг жадал суръатлар билан юксалиб бораётган иқтисодиётида шаклланаётгани ҳам тасдиқлайди. Бошқача айтганда, иқтисодиётнинг ривожланиш даражаси, унинг кўрсаткичлари туризмда бамисоли кўзгудагидек ўз аксини топмоқда.

Учинчидан, бугунги кунда халқаро туризм ўрта синф учун дам олишнинг кенг тарқалган турига айланиб бормоқда.

Шундай бир қонуниятни кўриш, кузатиш қийин эмас — қайси мамлакатда ўрта синф қатлами қанча кўп ва кенг бўлса, унинг сайёҳлик салоҳияти ҳам шунчалик юқори бўлади.

Бу борада ўрта синфга мансуб одамларнинг жуда ҳаракатчан ва тадбиркор бўлиши, уларнинг янгиликларни излаб яшашга, ўз қобилияти ва имкониятларини амалга оширишга интилиши муҳим ўрин тутади.

Тўртинчидан, сайёҳлик инфратузилмасининг ривожлангани, сайёҳлар учун мўлжалланган объектларнинг ҳар томонлама мақбуллиги, транспорт ва меҳмонхона хизматлари ва умуман, сайёҳлик логистикаси билан боғлиқ барча хизматларнинг қулайлиги, замонавий ахборот технологияларининг жорий этилгани — биз ҳар қадамда дуч келадиган масалаларнинг ҳаммаси бу борада катта аҳамиятга эга.

Бешинчидан, мазкур соҳада кўп нарса туризм саноатига йўналтириладиган инвестициялар даражасига боғлиқ бўлиб, бу бюджет маблағларини ва мазкур соҳага маблағ сарфлаши учун хусусий капитал ва бизнесга давлат томонидан зарур имтиёз, преференция ва рағбатлантирадиган омиллар яратилишини, инфратузилма, меҳмонхона хўжалиги, транспортни ривожлантириш, замонавий алоқа ва бошқа хизматлар кўрсатишни таъминлашни ўз ичига олади.

Сайёҳлик комплексларини барпо этиш, тарихий объектлар, турли давр ва маданиятларга оид архитектура ва санъат ёдгорликларини ўрганиш ва асраб-авайлаш, сайёҳлик логистикасини ривожлантириш биринчи навбатда айни шу йўналишдаги ишларга боғлиқ.

Олтинчидан, юқори малакали кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш масаласи туризм соҳасини ривожлантиришнинг энг муҳим ва ҳал қилувчи омили бўлиб қолмоқда.

Бугунги кунда Ўзбекистонда замонавий мутахассислар тайёрлайдиган 5 та олий ўқув юрти, жумладан, Сингапур менежментни ривожлантириш институтининг Тошкент филиали ва шунингдек, 11 та касб-ҳунар коллежи фаолият кўрсатмоқда.

Бугун сизлар бизнинг бир нечта коллеж ва лицейларимиз, хусусан, Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти қошидаги академик лицей билан танишдингиз. Жумладан, жаноб Рифаи ҳам бу таълим масканида бўлди. Мен хурсандманки, бизнинг ёшларимиз, фарзандларимиз азиз меҳмонларимизни муносиб кутиб олиб, ўзларининг билими ва қобилиятлари, замонавий касб-ҳунарларни, хорижий тилларни қандай пухта ўзлаштираётгани билан сизларда катта таассурот уйғотди.

Мен бутун Ўзбекистон болаларини ўзимнинг болаларим деб атайман. Шу маънода, мен дунёдаги энг бой инсонман. Мазкур лицей ўқувчилари Жаҳон сайёҳлик ташкилоти Бош котиби олдида ўз истеъдод ва қобилиятларини намоён этишган. Айни вақтда сизларни ишонтириб айтмоқчиманки, бу ёшлар яна кўп нарсаларга қодир.

Еттинчидан, виза масаласини ва туризм билан боғлиқ бошқа бюрократик расмиятчиликларни соддалаштириш, хусусан, сайёҳлик фирмалари фаолияти учун зарур молиявий кафолатлар бериш ҳозирги босқичда халқаро туризмни жадал ривожлантиришда муҳим ўрин тутади.

Бундай кафолатларнинг йўқлиги кўплаб сайёҳлик операторларининг обрўсига путур етказаётгани, халқаро туризмни ривожлантириш ва унинг жозибадорлиги йўлида жиддий ғов бўлаётганини биз баъзи мамлакатлар мисолида кўриб турибмиз.

Халқаро тажриба шуни кўрсатмоқдаки, сайёҳлар бошқа омиллар қаторида ўзлари истаган мамлакатга бориш учун тартиб-қоидаларнинг оддий ва қулай бўлишига, бу борадаги барча зарур расмийлаштирув ишларини тез ва арзон нархда амалга ошириш имкониятига ҳам эътибор қаратмоқда.

Бу йўналишда электрон технологияларни жорий этиш, виза олиш муддатининг имкон қадар қисқа бўлиши, авиа ва темир йўл чипталарини харид қилиш, интернет орқали «онлайн» режимида сайёҳлик йўналишлари ва меҳмонхоналарни олдиндан банд қилиш ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Сайёҳлар оқими ва умуман, ҳар бир сайёҳнинг кайфиятини белгилайдиган ана шундай энг муҳим шарт ва кафолатлар рўйхатини яна давом эттириш мумкин. Аминманки, бу борада, яъни, туризм соҳаси ва сайёҳлик бизнесида майда нарсанинг ўзи бўлмайди.

Сайёҳнинг кайфияти туристларни қабул қиладиган ҳар қандай мамлакатнинг, айтиш мумкинки, асосий бренди, яъни, товар белгиси бўлиши керак. Агар одамлар бизнинг диёримизга яхши кайфият билан келиб, шундай кайфият билан кетадиган бўлса, Ўзбекистонда туризм соҳаси мустаҳкам асосга қўйилган, деб айтишга ҳақлимиз. Бордию кимдир ёмон кайфият билан кетадиган бўлса, демак, биз унинг олдида қарздормиз. Демак, кейинги сафар айни шу сайёҳни ўзимизнинг ҳисобимиздан юртимизга таклиф қилишимиз керак.

Ҳурматли сессия иштирокчилари!

Биз ўтган давр мобайнида бажарилган ишларимизни баҳолар эканмиз, Ўзбекистонда туризм соҳасини халқаро замонавий норма ва стандартлар даражасига кўтариш учун ҳали кўп иш қилишимиз зарурлигини яхши англаймиз.

Ўзбекистонда ушбу соҳани ривожлантиришнинг айрим кўрсаткичлари ҳақида қисқача тўхталмоқчиман.

Мамлакатимизга 2013 йилда дунёнинг 70 дан ортиқ давлатидан сайёҳлар ташриф буюрди ва уларнинг йиллик сони 2 миллиондан ошди. Ўтган икки йил мобайнида бу кўрсаткич 43 фоиз ўсди, жорий йилнинг биринчи ярмида эса 1 миллиондан ортиқ чет эллик сайёҳ юртимизга ташриф буюрди.

2013 йилда сайёҳлик хизматлари экспорти ҳажми 615 миллион доллардан зиёдни ташкил этди. Бугунги кунда туризм соҳасида 200 мингдан ортиқ киши меҳнат қилмоқда, бу тармоқнинг мамлакатимиз ялпи ички маҳсулотидаги улуши 2 фоиздан ошди.

Ўзбекистонда 550 та сайёҳлик компанияси — туроператорлари фаолият юритмоқда, мамлакатимиздаги тарихий объектлар, архитектура ва шаҳарсозлик обидаларининг аксариятини қамраб олган 110 та халқаро сайёҳлик йўналиши бўйича хизмат кўрсатилмоқда. Бу йўналишларнинг 65 таси тарихий-маданий мерос объектлари, 30 таси табиий-рекреацион, 15 таси соғломлаштириш туризми элементларини ўз ичига олган экологик йўналишлардир.

Ҳозирги пайтда юртимизда 50 мингдан зиёд ўринга эга бўлган 500 дан ортиқ меҳмонхона, мотель ва кемпинглар сайёҳларга халқаро стандартлар бўйича хизмат кўрсатмоқда.

Ўтган даврда Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Урганч, Фарғона ва Навоий шаҳарлари аэропортлари модернизация қилинди ва бугунги кунда Ўзбекистонда 11 та халқаро аэропорт фаолият юритмоқда. Миллий авиакомпаниямиз замонавий «Эйрбас» ва «Боинг» авиалайнерлари билан таъминланган. Ушбу самолётлар Европа, Осиё, Яқин Шарқ ва Шимолий Американинг 50 дан ортиқ шаҳарларига мунтазам парвозларни амалга оширмоқда.

Тошкент — Самарқанд — Тошкент йўналиши бўйлаб Испаниянинг «Талго» компаниясида ишлаб чиқарилган, юқори тезликда ҳаракатланадиган замонавий электр поездларининг ҳар кунги қатнови йўлга қўйилган. Уйлайманки, сизлар буни реклама деб қабул қилмайсиз, лекин ўз тажрибамиздан келиб чиқиб, барча мамлакатларга, жумладан, бизга қўшни бўлган давлатларга ана шу компаниянинг поездларини сотиб олишни тавсия этган бўлардим. Нега деганда, улар ҳам арзон, ҳам ишончли, энг муҳими, «Талго» фирмаси ўзининг яхши ҳамкор эканини амалда намоён этмоқда.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, юқори тезликда ҳаракатланадиган «Афросиёб» поезди қатнай бошлаганидан буён юртимизда чет эллик сайёҳлар сони сезиларли даражада кўпайди. Бухоро ва Қарши шаҳарларигача юқори тезликда ҳаракатланиш учун мўлжалланган темир йўл тармоқларини электрлаштириш ва қуриш бўйича лойиҳалар амалга оширилмоқда. Бу эса туризм ривожи учун янги имкониятлар яратади.

Ўзбекистонда сўнгги 5 йилда умумий қиймати қарийб 3 миллиард долларлик инвестициялар ҳисобидан узунлиги 2600 километр бўлган замонавий автомобил йўлларини қуриш ва реконструкция қилиш ишлари амалга оширилди, шунингдек, кемпинглар, ёнилғи қуйиш шохобчалари, овқатланиш ва маиший хизмат кўрсатиш масканларини ўз ичига олган кўплаб йўл бўйи инфратузилма объектлари барпо этилди.

Фақатгина жорий йилнинг ўзида халқаро туризмнинг асосий тузилмасини ривожлантириш учун жами инвестицияларнинг 580 миллион доллардан ортиғи йўналтирилди ва бу борадаги ўсиш ўтган йилга нисбатан 19 фоиздан зиёдни ташкил этди.

Биз Ўзбекистоннинг улкан сайёҳлик салоҳияти ҳақида гапирганда, биринчи навбатда, мамлакатимиз ҳудудида шаклланган ва ривожланган энг қадимий цивилизация ва маданиятлар, қоятошлардаги ёзувлар ва иероглифларни, ноёб тарихий обидалар, моддий маданият ва меъморликнинг улуғвор ҳамда бетакрор намуналарини назарда тутамиз. Айни пайтда уларни Япония, Франция, Германия ва бошқа давлатларнинг кўплаб олим ва мутахассислари ўрганмоқда. Шу билан бирга, ўзининг жозибаси ва тароватни билан дунёдаги энг яхши дам олиш ва саёҳат масканларидан қолишмайдиган гўзал табиатимизнинг бойлиги ва хилма-хиллигини ҳам бу борадаги энг катта имкониятларимиз қаторида кўрамиз.

Буларнинг барчаси мамлакатимизни жаҳон туризми марказларидан бирига айлантириши мумкин ва зарур. Ҳозирги кунда Ўзбекистонда турли даврлар ва цивилизацияларга оид 7 мингдан ортиқ ёдгорликлар бор.

Мамлакатимизда юксак сифати ва эстетик жозибаси, қадимги санъат анъаналарини ўзида сақлаб келаётгани билан ажралиб турадиган миллий ҳунармандликни қайта тиклаш ва ривожлантиришни рағбатлантиришга катта эътибор қаратилаётганини таъкидламоқчиман. Ўзбекистонда миллий ҳунармандлик соҳаси солиқлардан тўлиқ озод этилганини алоҳида қайд этишни истардим.

Ҳунарманд усталаримизнинг неча асрлик тажрибасидан юртимиздан ташқарида ҳам кенг фойдаланилмоқда.

Ўзбекистондаги меъморий ёдгорликларнинг ўрта асрларга хос нақш ва безаклари Яқин Шарқ ва Жануби-Шарқий Осиё мамлакатларида янги иншоотларни қуришда намуна бўлиб хизмат қилмоқда. Кулолларимизнинг маҳоратини Франция, Германия, Ҳиндистон ва бошқа мамлакатлар мутахассислари ўрганмоқда.

Ўзбекистон Париж, Лондон, Берлин, Рим, Токио, Мадрид ва дунёнинг бошқа шаҳарларида ўтказилаётган йирик сайёҳлик кўргазмаларида мунтазам иштирок этиб келмоқда.

Жорий йилда йигирманчи бор ўтказиладиган ва сайёҳлик бизнеси соҳасида мулоқот қилиш учун кенг имконият яратадиган Тошкент халқаро сайёҳлик ярмаркасига дунёнинг 40 дан зиёд мамлакатидан 12 мингдан ортиқ киши келиши кутилмоқда.

Қадрли дўстлар!

Биз Жаҳон сайёҳлик ташкилоти билан самарали ҳамкорлигимизни юксак қадрлаймиз ва ушбу алоқаларни янада мустаҳкамлаш, қўшма дастур ва лойиҳаларни биргаликда амалга оширишга ишонамиз.

Бу ўринда гап Ўзбекистоннинг сайёҳлик нуфузи ва салоҳиятини янада мустаҳкамлаш, интернет орқали унинг жозибадорлигини ошириш, бунда Фарғона водийсининг ҳали ўрганилмаган сўлим ва гўзал гўшалари, Тошкент ва Жиззах вилоятларининг тоғ ёнбағридаги экологик тоза масканларидан фойдаланган ҳолда, «Буюк Ипак йўли» брендини кенг жорий этиш ҳақида бормоқда.

Биз сизларни нафақат Самарқанд ва Тошкент шаҳарларида, балки бошқа шаҳарларимизда ҳам кўриш, ўзбекона самимий меҳмондўстликдан баҳраманд бўлишингиздан ҳамиша мамнунмиз.

Бугун мана шу муҳташам залда тўпланганларга яна бир бор юксак ҳурмат-эҳтиромимни изҳор этаман, сессия иши самарали бўлишини, барчангизга сиҳат-саломатлик, олижаноб фаолиятингизда янги-янги ютуқ ва омадлар тилайман.

Ўзбекистонга кўрсатаётган эътибор ва ҳурматингиз учун миннатдорлик билдираман.

БМТ ЖАҲОН САЙЁҲЛИК ТАШКИЛОТИ БОШ КОТИБИ ТАЛЕБ РИФАИНИНГ ЮНВТО ИЖРОИЯ КЕНГАШИ 99-СЕССИЯСИНИНГ ОЧИЛИШ МАРОСИМИДАГИ НУТҚИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийлари!

Хонимлар ва жаноблар!

Барчангизни БМТ Жаҳон сайёҳлик ташкилоти Ижроия кенгашининг 99-сессияси мажлисида қатнашаётганингиз билан қутлаш менга катта шараф бағишлайди.

Президент Жаноби Олийлари, сессиямиз ишида иштирок этганингиз учун Сизга самимий ташаккур изҳор этаман. Бу Сизнинг Ўзбекистон тараққиётининг муҳим йўналишларидан бири бўлган туризм соҳасини шахсан қўллаб-қувватлаётганингиздан далолат беради.

Жаҳон сайёҳлик ташкилотига аъзо барча давлатлар ва унинг Ижроия кенгаши номидан форум юксак савияда ташкил этилгани учун Ўзбекистон раҳбариятига миннатдорлик билдирмоқчиман.

Самарқанд шаҳри ва аҳолисига ҳам самимий меҳмондўстлик ва бугунги тадбирни ташкил этиш ҳамда ўтказишга кўрсатган ёрдами учун чин кўнгилдан ташаккур айтаман.

Салкам 3 минг йиллик тарихга эга ва дунё тамаддуни бешикларидан бири бўлган қадимий ва улуғвор Самарқанд шаҳрида йиғилганимиздан барчамиз ғоят мамнунмиз.

Самарқанд — бу асрлар жилосини мужассам этган ва ўзининг бетакрор қиёфаси ва ноёблигини сақлаб келаётган замонавий шаҳардир.

Бу бугун биз жам бўлиб турган, шарқона шаҳарсозликнинг кўп асрлик анъаналари ва замонавий архитектура намуналарини уйғунлаштирган ушбу маҳобатли мажмуада ҳам ўз ифодасини топган.

Ушбу афсонавий шаҳарга мафтун бўлган шоир дунёда гар жаннат бўлса, у шубҳасиз Самарқанддир, деб таърифлаган.

Ўзбекистоннинг Буюк Ипак йўли чорраҳасида жойлашгани бу ерда туризм соҳасини кенг ривожлантиришда муҳим омил бўлмоқда. Сўнгги йилларда Ўзбекистон туризм соҳасида сезиларли ютуқларга эришди, бунинг самарасида 2013 йилда ушбу саховатли заминга 2 миллиондан зиёд сайёҳ келди. Бу 2010 йилги кўрсаткичдан икки баробар кўпдир.

Бу бежиз эмас. Ўзбекистон ҳудудида 7 мингдан ортиқ тарихий ёдгорликлар мавжуд бўлиб, уларнинг аксарияти ЮНЕСКОнинг Бутунжаҳон мероси рўйхатига киритилган. Шарқ дурдоналари бўлган Самарқанд, Бухоро, Хива, Шаҳрисабз, Тошкент, Қўқон, Термиз шаҳарлари ва кўплаб обидалар шулар жумласидандир.

Шу йилнинг май ойида Самарқандда Ўрта асрларда Шарқда яшаб ижод этган буюк аллома ва мутафаккирлар илмий меросининг замонавий цивилизацияга таъсири масаласига бағишланган ва жаҳон ҳамжамияти диққат-эътиборини тортган нуфузли халқаро анжуман бўлиб ўтди. Бундай тадбирлар Ўзбекистоннинг сайёҳлик салоҳиятини оммалаштиришга ҳам ижобий таъсир кўрсатмоқда.

Кеча Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти қошидаги академик лицейга ташриф буюриб, у ерда Ўзбекистон ёшлари илғор таълим технологиялари асосида билим олаётганига гувоҳ бўлдим. Улар келажакда ўз мамлакати, унинг равнақи, бой тарихи ва маданий меросини асраб-авайлаш ва янада бойитишга хизмат қилади. Инглиз, немис, француз, араб, итальян ва бошқа тилларда эркин сўзлаша оладиган бу ёшлар Ўзбекистоннинг келажагидир.

Ўзбекистон Республикаси Президенти таъкидлаган туризм инфратузилмасини такомиллаштириш муҳимлиги ҳақидаги фикрга мен тўла қўшиламан. Замонавий аэропортлар ва темир йўл коммуникациялари, меҳмонхона ва ресторанлар тармоғини янада ривожлантириш, шубҳасиз, Ўзбекистоннинг сайёҳлик жозибадорлигини оширади.

Ўзбекистонда туризмни ривожлантириш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилаётганига гувоҳ бўлдик. Бугунги мажлис иштирокчиларининг аксарияти Тошкент — Самарқанд йўналиши бўйлаб юқори тезликда ҳаракатланадиган электр поездидан фойдаланди. Бу поезд туризмни ривожлантиришга ҳам ёрдам бериши муқаррар.

Европа тарихида муҳим ўрин тутган Ренессанс, яъни, Уйғониш даври аслида мана шу заминда анча илгари бошланганини таъкидламоқчиман ва замонавий маданият ҳамда цивилизация айнан шу минтақада пайдо бўлган, деб ишонч билан айтиш мумкин.

Туризмни ривожлантириш катта масъулият талаб этади. Ўзининг тарихий ва маданий меросини асраб-авайлаб келаётган Ўзбекистонда умумбашарий бойлик ҳисобланган ноёб тарихий ёдгорликларни реставрация қилиш ва қайта тиклашга катта миқдорда маблағ йўналтирилаётгани қувонарли ҳолдир.

Айни пайтда Буюк Ипак йўли машҳур брендга айланди ва бепоён Осиё минтақаси, жумладан, Ўзбекистонда туризмни янада ривожлантиришга хизмат қилмоқда.

Ўзбекистон Буюк Ипак йўлини қайта тиклашнинг асосий ташаббускорларидан биридир. Йигирма йил аввал айнан шу шаҳарда дунёнинг 19 давлати вакиллари ушбу тарихий йўлда сайёҳликни ривожлантириш бўйича Самарқанд декларациясини қабул қилган эди.

Буюк Ипак йўлини дунёдаги етакчи сайёҳлик йўналишларидан бирига айлантириш мақсадида амалга оширилаётган ушбу лойиҳа бугун 31 мамлакатни бирлаштирганини мамнуният билан таъкидламоқчиман.

Ижроия кенгашнинг аввалги сессиясида 2013 йилда жаҳонда туризмни ривожлантириш борасида юқори кўрсаткичларга эришилгани қайд этилган эди. Бу халқаро ташишлар ва экспорт тушумлари ҳажмининг 5 фоизини ташкил этди.

Бу бизнинг умумий ишончимизни янада мустаҳкамлайди. «ЮНВТО жаҳон сайёҳлик барометри»нинг сўнгги маълумотларига кўра, жорий йилнинг биринчи ярмида халқаро саёҳатлар 4,6 фоиз ўсган.

Бу борада эришилган ютуқлар шундан далолат берадики, туризм сўнгги йилларда ижобий ўсиш суръатларини мустаҳкамлаб, бутун дунё иқтисодий тараққиётига салмоқли ҳисса қўшмоқда.

Геосиёсий ва иқтисодий таҳдидларга қарамасдан, 2010 йилдан буён халқаро саёҳатлар сони йилига ўртача 5 фоизга ошмоқда. Бу тенденция иқтисодий ривожланишга, шунингдек, экспорт ҳажми ва иш ўринларининг кўпайишига ижобий таъсир кўрсатмоқда.

Туризм бугунги кунда муҳим ижтимоий, иқтисодий ва маданий омиллардан бирига айланди. Иқтисодиётнинг ушбу секторида умумий даромад ҳажми триллионлаб долларни ташкил этмоқда, ҳар йили бутун дунёда бир миллиарддан зиёд киши саёҳат қилмоқда.

Жаҳон ялпи маҳсулотида туризмнинг улуши 9 фоизни ташкил этмоқда, янги ташкил этилаётган ҳар 11 иш ўрнининг биттаси ушбу соҳага тўғри келмоқда.

Миллионлаб меҳмонхона ва дўкон эгалари, ошпазлар, ҳунарманд ва экскурсоводлар туризмни жадал ривожлантириш, унинг янада оммавийлашишига ёрдам бермоқда.

Шу ўринда туризм ривожи мамлакатлар ва халқларнинг маданий қадриятларига зарар етказмаслиги лозимлигини таъкидлаш даркор. Кўп тармоқли туризм саноатини ривожлантириш масъулиятини ўз зиммамизга олишимиз шарт.

Ҳурматли форум қатнашчилари!

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига ва Ўзбекистон халқига туризмни иқтисодий тараққиёт ва фаровонликни, ҳамжиҳатлик ва ҳамкорликни мустаҳкамлашга хизмат қиладиган муҳим восита сифатида ривожлантиришни қўллаб-қувватлаётгани учун яна бир бор миннатдорлик изҳор этишга рухсат бергайсизлар.

Биз Ўзбекистонда амалга оширилган буюк ўзгаришлар гувоҳи бўлдик. Туризмни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратаётган Президент Ислом Каримовнинг оқилона ва узоқни кўзлаган сиёсати туфайли Ўзбекистон туризмни ривожлантиришнинг асосий марказларидан бири бўлишига ишонамиз.

Шу заминда туғилиб вояга етган буюк инсонлар башарият цивилизацияси ривожига улкан ҳисса қўшган. Алгебра асосчиси Хоразмий, файласуф Форобий ёки улуғ қомусий олим Абу Райҳон Беруний, тиббиёт илмига асос солган Абу Али ибн Сино каби буюк аллома ва мутафаккирларни бутун дунё яхши билади.

Форум самарали ўтишига қатъий ишонаман. ЮНВТО Ижроия кенгашининг гўзал ва бетакрор Самарқанд шаҳрида ўтаётган 99-сессияси ишига муваффақият тилайман.

Ўзбекистонда болалар меҳнати бўйича ўтказилаётган Миллий мониторинг жараёни ХМТ экспертлари томонидан кузатилмоқда

Ўзбекистонда Болалар меҳнати масалалари бўйича Мувофиқлаштирувчи кенгаш иш режасига мувофиқ 2014 йилги пахта йиғим-терими даврида болалар меҳнати бўйича ўтказилаётган Миллий мониторинг давом этмоқда.

Шу мақсадда мамлакат Касаба уюшмалари Федерацияси, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Савдо-саноат палатаси, ҳудудий нодавлат ташкилотлар вакиллари жалб этилган ҳолда тузилган 8 та ҳудудий ишчи гуруҳлари томонидан ҳар бир ҳудуддаги фермер хўжаликлари, касб-ҳунар коллежлари ва лицейларда мониторинг ишлари олиб борилмоқда. Мониторинг жараёни ХМТ экспертлари томонидан кузатиб борилмоқда.

Бундан бир неча кун муқаддам ХМТ экспертлари — Викинг Хусберг ва Харри Таллига Жиззах ва Сирдарё вилоятларида олиб борилаётган мониторинг жараёни билан танишдилар. Улар Ўзбекистонда болалар меҳнати бўйича ўтказилаётган мониторингнинг ХМТ методологиясига мувофиқлигини кузатиш билан бирга, Миллий мониторинг гуруҳларига бу борада амалий ёрдам кўрсатмоқдалар.

ХМТ экспертлари мазкур вилоятлардаги мониторинг давомида Жиззах туманидаги «Зафар Диёр» фермер хўжалиги ҳамда иқтисодиёт касб-ҳунар коллежида, Сирдарё вилоятидаги Ховос транспорт коллежида бўлдилар. Ташрифлар давомида фермер хўжалигида теримчилар учун яратилган шарт-шароитлар, 18 ёшга тўлмаган болаларнинг пахта теримига жалб этилмаганлиги, касб-ҳунар коллежларида ўқувчилар давоматининг таъминланиши масалалари ўрганилиб, теримчилар, коллеж ўқувчилари билан суҳбатлар ўтказилди.

ХМТ экспертлари иштирокида Жиззах вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмасида меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш, савдо-саноат бошқармалари, касаба уюшмалари фаоллари, фермер хўжаликлари ва касб-ҳунар коллежлари раҳбарлари ҳамда нодавлат ташкилотлар вакиллари учун меҳнат муҳофазаси масалаларига бағишланган семинар-тренинг ўтказилди.

Шунингдек, «Қишлоқ хўжалиги корхоналарини қўллаб-қувватлаш. II босқич» лойиҳаси доирасида Сирдарё вилоятига ташриф буюрган Жаҳон банки вакиллари вилоятдаги «Ҳумоюн» фермер хўжалигида бўлиб, теримчилар ва ҳашарчиларга яратилган шароитлар юзасидан суҳбат ўтказдилар.

Суҳбат жараёнида фермер хўжалиги буюртмасига асосан теримчилар далага ташкиллаштирилган ҳолда автоуловларда олиб келинаётганлиги ва теримдан сўнг уйларига олиб бориб қўйилаётганлиги, терим пуллари ҳар куни берилаётганлиги, далада ҳашарчилар учун барча шароитлар, шу жумладан, тоза ичимлик суви ва иссиқ овқат ташкил қилинганлигидан мамнуният ҳосил қилинди.

Жаҳон банки вакиллари Сирдарё вилоятидаги «Шойзоқ» фермер хўжалигида амалга оширилаётган машина терими жараёни билан ҳам танишдилар.

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши матбуот хизмати

Ёшларга оид давлат сиёсати — амалда

Андижон шаҳридаги Алишер Навоий номидаги маданият ва истироҳат боғида «Фарзандлари соғлом, билимли юртнинг келажаги буюкдир!» шиори остида ёшлар фестивали бўлиб ўтди.

ФАРЗАНДЛАРИ СОҒЛОМ ЮРТ ҚУДРАТЛИ БЎЛУР

Президентимизнинг шу йил 6 февралда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарори ижроси доирасида «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят кенгаши ташаббуси билан ўтказилган тадбирда умумтаълим мактаблари, академик лицей ва касб-ҳунар коллежларининг 4 мингдан зиёд ўқувчиси иштирок этди.

— Ёшларни Ватанга муҳаббат, истиқлол ғояларига садоқат, миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялаш, жисмонан ва маънан етук авлодни вояга етказиш Президентимиз раҳнамолигида амалга оширилаётган давлат сиёсатининг устувор йўналишларидандир, — дейди «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Андижон вилояти кенгаши раиси вазифасини бажарувчи Акмалжон Жумабоев. — Бундай тадбирлар ана шу олижаноб мақсадлар йўлида ёш авлодни турли ёт ғоя ва иллатлар таъсиридан асраш, иқтидорли ёшларни рағбатлантиришга хизмат қилмоқда.

Таниқли эстрада хонандалари ва ёш ижрочилар томонидан намойиш этилган концерт дастури йиғилганларга хушкайфият бағишлади.

Тадбирда Андижон вилояти ҳокими Ш.Абдураҳмонов сўзга чиқди.

Ф.УБАЙДУЛЛАЕВ,
ЎзА мухбири

Ishonch
2014-yil 4-oktabr № 121-122 (3471)

■ Сўз – халқаро форум иштирокчиларига



ЎЗБЕКИСТОН ҚАЛБИМИЗДАН ЧУҚУР ЖОЙ ОЛДИ

Самарқанд шаҳрида БМТ Жаҳон сайёҳлик ташкилоти Ижроия кенгашининг 99-сессияси бўлиб ўтди. ЎзА мухбирлари анжуман иштирокчиларининг айримлари билан суҳбатлашди.

Самуэль МБЭ, Камерун сайёҳлик ва дам олиш вазирлигининг департамент директори:

— Ўзбекистон Президентининг нутқида баён қилинган мамлакатингизда сайёҳликни ривожлантириш борасида амалга оширилаётган ишлар тўғрисидаги маълумотлар, шу билан бирга, халқаро туризм соҳаси олдида турган долзарб масалалар, муҳим вазифалар ҳақидаги фикр-мулоҳазалар барчада катта таассурот қолдирди.

Ўзбекистонда туризм ривожи учун барча зарур шарт-шароитлар яратилганига гувоҳ бўлдим. Мамлакатингиз тинч-осойишта, табиатингиз гўзал, одамларингиз бағрикенг ва самимий. Шаҳару қишлоқлардаги кенг ва озода кўчалар, ширинсуҳан инсонлар кўнглимдан чуқур жой олди. Юртингизнинг замонавий меҳмонхоналари, дам олиш масканлари, ривожланган ҳаво ва темир йўл транспорти, у ерлардаги юксак сифатли хизмат сайёҳларнинг мазмунли ҳордиқ чиқариши учун қулай имконият яратмоқда.

Ўзбекистон сайёҳлик ташкилотлари билан ҳамкорлик алоқаларини ўрнатиш юзасидан музокаралар ўтказдик.

Сандра КАРВАО, БМТ Жаҳон сайёҳлик ташкилотининг Алоқа ва нашриёт департаменти директори:

— БМТ Жаҳон сайёҳлик ташкилоти Ижроия кенгашининг 99-сессияси ғоят муваффақиятли ўтди. Президент Ислом Каримов нутқи менда катта таассурот қолдирди. Ўзбекистонда миллий ҳунармандлик соҳаси солиқлардан тўлиқ озод этилгани эътиборга моликдир. Юртингизда миллий ҳунармандликни рағбатлантиришга қаратилаётган бундай эътибор туризмни ривожлантиришга ҳам катта ҳисса қўшади.

Ўзбекистон жаҳон туризм бозорида ўз ўрни ва мавқеига эга мамлакат. Юртингизнинг сайёҳлик салоҳиятини чет элларда оммалаштириш, туризм саноатини ривожлантириш, унинг янгидан-янги йўналишларини кашф этиш борасида амалга оширилаётган кенг кўламли ишлар таҳсинга сазовор.

«Афросиёб» юкори тезликда ҳаракатланувчи поездидаги хизмат даражаси бизга жуда маъқул бўлди. Йўл бўйи юртингизнинг гўзал табиатини томоша қилиб роҳатландим. Ушбу поезд саёҳатларни тез, қулай ва хавфсиз ташкил этиш имконини бермоқда.

Поҳамба ШИФЕТА, Намибия атроф-муҳит ва сайёҳлик вазирининг ўринбосари:

— Президент Ислом Каримов БМТ Жаҳон сайёҳлик ташкилоти Ижроия кенгашининг 99-сессияси очилишида таъкидлаганидек, халқаро туризмни ривожлантириш ва унинг самарадорлигини оширадиган энг муҳим омиллар, ҳеч шубҳасиз, бутун дунёда, турли минтақаларда, сайёҳларни қабул қиладиган ҳар бир давлатда тинчлик, хавфсизлик, ижтимоий-сиёсий ва социал-иқтисодий барқарорликни таъминлашдан иборат бўлиб қолмоқда.

Дарҳақиқат, тинчлик ва осойишталик барқарор заминга сайёҳлар ҳам кўп келади. Мен юртингизда ана шу осойишталикка, фаровонликка гувоҳ бўлдим. Меҳмондўст халқингиз ҳар қандай кишида меҳр уйғотади. Ўзбек халқига хос ажойиб урф-одатлар ва бетакрор миллий анъаналарда юксак маънавият мужассам.

Ўзбекистонда бундан олти йил аввал ҳам меҳмон бўлган эдим. Бу галги сафарим чоғида Тошкент ва Самарқандни сайр қилар эканман, бу шаҳарларнинг таниб бўлмас даражада ўзгариб кетганини кўриб ҳавас қилдим. Бундай янгиланишлар бунёдкор халқингиз юксак салоҳиятининг намоёнидир.

Жин ВУ, БМТ Жаҳон сайёҳлик ташкилотининг туризм ва маданият бўйича маслаҳатчиси:

— Ўзбек алломаларининг жаҳон цивилизацияси ривожига қўшган ҳиссасини бутун дунё билади, қадрлайди. Жаҳонда улар камолга етган заминни, улар қолдирган тарихий меросни кўришни хоҳловчилар кўп.

Мирзо Улуғбек ўзининг оламшумул кашфиётлари билан бутун дунёда довруқ қозонган. Унинг илмий ва маърифий мероси бугун ҳам катта қизиқиш билан ўрганилмоқда.

Халқаро анжуман баҳонасида Самарқанднинг кўплаб диққатга сазовор жойлари қатори Мирзо Улуғбек расадхонасида ҳам бўлганимдан жуда бахтиёрман.

Масуд Тағавий ЗАВАРЕҲ, Маданий мерос, ҳунармандлик ва сайёҳлик ташкилоти раҳбарининг ўринбосари (Эрон):

— БМТ Жаҳон сайёҳлик ташкилоти Ижроия кенгашининг 99-сессияси юксак савияда ўтказилганини алоҳида таъкидламоқчиман. Ўзбекистонда сайёҳлик билан бир қаторда таълим, фан, маданият, транспорт коммуникациялари, қурилиш каби соҳалар ҳам жадал ривожланаётганининг, юртингизда истиқлол йилларида ушбу соҳаларда бетимсол ишлар амалга оширилаётганига гувоҳ бўлдик.

Буюк ипак йўли марказида жойлашган Ўзбекистонда сайёҳликни тараққий эттириш борасида жуда катта имкониятлар мавжуд. Тарихий обидалар, зиёратгоҳлар, бой маданиятингиз билан танишишга қизиқувчи сайёҳлар жуда кўп. Мамлакатингиз ёшларининг билимга чанқоқлиги, доим интилиш ва изланишда экани ҳавасимизни келтирди. Ўзбекистон ёшларининг ўз тарихига, маданий меросга катта ҳурмат ва эҳтиром руҳида тарбияланаётгани таҳсинга сазовор.

ЎзА махсус мухбирлари Ирода УМАРОВА, Нодира МАНЗУРОВА ёзиб олди.

■ Эътироф



Туман ҳокимиятидаги мажлис кеч соат тўққизларда тугади. Бироз толиқиб уйига қайтган Нормўмин ака юз-қўлини ювишга улгурмасдан қўл телефони жиринглаб қолди.
— Домла, эртага эрталаб соат саккизда ўрта махсус касб-ҳунар таълими бошқармасида йиғилиш бор экан, шунга қўнғироқ қилаяпман, — деди котиба.

ИБРАТ

Нормўмин ака тонг ёришаётганда бекатга етиб келди. Ҳали эрта бўлишига қарамай одам гавжум эди. Ёшгина жувон унга эгилиб салом берди. Устоз оҳистагина бош ирғаб қўйди.

— Ассалом, устоз, мени танимадингиз-а? Коллежда бошланғич таълим йўналишида ўқиган ўқувчингизман, — деди жувон унинг ортидан автоуловга чиқаркан. — Ўқувчилик йилларимда кўп ёрдамингиз теккан, тўғри йўл кўрсатиб, мени олий маълумот олишга ундагандингиз? Барча панд-насиҳатларингиз, далда бўлганларингиз учун раҳмат. Ўшанда бир оғиз ширин сўзнинг қудратини ҳис этганман. Кишининг тақдирини шу бир калом ҳал қилишини эса энди англаб етдим. Чунки бугун ўзим ҳам ўқитувчиман. Биласизми, домла, сизни кўриб бир ибратли воқеа эсимга тушди.

...Алишер Навоий ҳар сафар қум устида ўйнаб ўтирган бир болани кўрганида отдан тушиб, унга таъзим қилар, у билан катталардай қўшқўллаб кўришар экан. Кунларнинг бирида ундан «ёш болага нега таъзим қиласиз?» деб сўрашибди. Шунда ул зот:

— Бу болакай устозимнинг невараси бўлади! — деб жавоб қилибди. Сиз эса менинг ҳақиқий устозимсиз.

Нормўмин аканинг фикри беихтиёр ёришди.

— Э, бўлди-бўлди, энди эсладим, — деб юборди қувончдан кўзлари порлаб.

...Ўшанда қизиқ воқеа бўлганди. Нормўмин ака айрим ўқувчиларнинг ота-онасини чақиртириб, болалари дарслардан яхши ўзлаштирмаётганини муҳокамага қўйишни одат қилганди. Муҳокама андак чўзилиб, асаблар ҳам бироз тортишди. Йиғин тугаши билан котиба кўзлари қизариб кетган бир қизни бошлаб кирди.

— Хўш қизим, ўқишларинг яхшими? Нимага безовта кўринасан? Ким хафа қилди, уйда тинчликми?

Ўқувчи нима дейишини билолмай, пиқиллаб йиғлаб юборди. Нормўмин ака сув тутди:

— Бир бошидан гапир-чи, нима муаммолар, кўпчилик бўлиб барчасини ҳал қилишга ҳаракат қиламиз.

Билсаки, қизчаси тушмагурга ўзи билан ўқийдиган курсдоши севги изҳор этиб, ишончини қозонибди. Аммо орадан кўп ўтмай йигит бошқа гуруҳдаги қиз билан гаплашиб юрганига кўзи тушибди. Ўқишга ҳам қизиқиши сусайиб, коллежни тарк этиш тадоригида экан. Боши берк кўчага кириб қолган қизнинг гапларини эринмай тингларкан, устоз;

— Бир бебурд йигитни деб ўқишни битирмай ташлаб кетиш, бу ожизликдан бошқа нарса эмас, — деди. — Тушунаман, муҳаббат илоҳий туйғу. Бу ёшда барча шундай туйғуга ошно бўлади. Биласанми, ғазал мулки султони Мир Алишер Навоий «Келмади» радифли ғазали туфайли ўта машҳур бўлиб кетган. Унинг мазмунига диққат қил:

Кеча келгумдир дебон ул сарви гулрў келмади,
Кўзларимга кеча тонг отқунча уйқу келмади.

Мабодо, ҳазрат «Кеча келгумдир дебон ул сарви гулрў келди» деб ёзганида эди, ғазал балки бу қадар дилларни ром этмаган бўларди. Ўша пайтларда ҳам ўз севгилиси висолига етолмаганлар бўлган эканки, шундай шоҳ ғазаллар битилган. Демоқчи бўлганим, ўзингни қўлга ол, ўқиб одам бўл, севгининг ўзи эшик қоқиб кириб келсин. Одобли, сабрли, ўқимишли қиз албатта бахтли бўлади. Бундайларни ақлли-ҳушли маълумотли йигитларнинг ўзи излаб келади. Ҳеч қачон тушкунликка тушма, фақат олға интил.

Қиз ўзини анча босиб олди. Нормўмин акага тўғри маслаҳати, оталарча ғамхўрлиги учун раҳмат айтиб хонани тарк этди. Бу ўша тушкун кайфиятга тушиб қолган қиз эканини энди эслади. Ҳаётидан мамнунлиги юз-кўзларидан, табассумидан маълум.

— Домла, мен ҳам мактабда ўқитувчи бўлиб ишлаяпман. Олий маълумотли бўлиб, олийгоҳда яхши бир йигит билан танишдим. Сиз айтган бахтнинг ўзи излаб келди. Турмуш қурдик, икки нафар фарзандимиз бор. Бахтлиман. Илоҳим, сиздай устозлар кўп бўлсин.

Нормўмин Абиров иш тажрибаси давомида жуда кўп бундай воқеаларнинг шоҳиди бўлган. Қанча ёшларга тўғри йўл кўрсатган. Яхши кайфият билан Қаршига келиб қолганини ҳам билмай қолди. Мажлисда коллежи ҳақида айтилган илиқ сўзлар кўнглини янада кўтарди.

Вазирликдан келган вакил Нормўмин Абиров раҳбарлик қилаётган Қамаши педагогика-иқтисодиёт коллежида амалга оширилган хайрли ишларни бирма-бир санаб ўтиб, барчани ўрнак олишга чақирди.

...Қамашига йўлингиз тушиб, педагогика-иқтисодиёт коллежининг қаерда эканлиги, қандай бориш кераклигини сўрасангиз, барча: «Нормўмин аканинг коллежими?», деб йўл кўрсатиб қўйиши аниқ. Бундай улуғ шараф барчага насиб этсин.

Баҳром МУРОДОВ

■ Фамхўрлик

Кейинги йилларда ўқитувчиларга қулай меҳнат ва дам олиш шароитлари ва турли имтиёзлар яратилмоқда. Кўрик-танлов ва тадбирлар орқали рағбатлантирувчи мукофотлар бериб борилмоқда.

УНУМЛИ МЕҲНАТ ГАРОВИ

— Таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Фарғона вилояти шаҳар ва туман кенгашларида, бошланғич ташкилотларда ўқитувчи ва ходимларнинг мароқли дам олишларини ташкил этиш борасида кўплаб хайрли ишлар амалга оширилмоқда, — дейди тармоқ ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгашининг вилоятдаги масъул ташкилотчиси Лолахон Аҳмедова. — Жорий йилнинг 9 ойи давомида даволанишга муҳтож бўлган эҳтиёжманд педагог-ходимларимизнинг 10 нафарига республика ва вилоятимиз сиҳатгоҳларига бепул йўлланмалар берилди. Сал аввалроқ, педагог-ходимларнинг анъанавий республика микёсида ўтказилган «Йилнинг энг фаол фан ўқитувчиси» кўрик-танловида фанлар бўйича фахрли ўринни эгаллаган 4 нафар ўқитувчи «Зилол» сиҳатгоҳида шундай имтиёз орқали дам олган эди. Албатта, соҳа ходимларини кенг миқёсда тақдирлаб бориш таълим-тарбия жараёнида ўзининг ижобий самарасини беради.

Вилоят халқ таълими муассасаларида болаларга таълим-тарбия беришда ўз ҳиссасини қўшиб келаётган фаол, иш тажрибалари вилоят миқёсида оммалаштирилган, даволанишга муҳтож ходимларга жорий йилнинг 9 ойи давомида Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши тасарруфидаги сиҳатгоҳларга 1318 та йўлланма тақдим этилди.

— Мактабда ўзбек тили ва адабиёти фанидан дарс бераман, халқ таълими аълочисиман, — дейди Қўштепа тумани 17-умумтаълим мактаби ўқитувчиси Фарида Мирзакаримова. — «Йилнинг энг фаол фан ўқитувчиси» республика танловида 2-ўринни эгаллаганим учун «Умид гулшани» сиҳатгоҳига бепул йўлланма билан тақдирландим. Ўқитувчи меҳнатини муносиб қадрлаб, эҳтиром кўрсатаётган жамоат ташкилотидан миннатдорман!

Абдулҳай ЮНУСОВ, «Ishonch» мухбири







Таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Олмазор туман кенгаши ҳамда туман халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлими ҳамкорлигида Устоз ва мураббийлар кунига бағишланган тадбир ўтказилди.

Унга узоқ йиллар таълим соҳасида фаолият кўрсатган фахрий устоз ва мураббийлар таклиф қилиниб, уларга фахрий ёрлиқ ва эсдалик совғалари топширилди.

Тадбирга Халқ таълими вазирлиги, Тошкент шаҳар халқ таълими бошқармаси, туман ҳокимлиги вакиллари ҳам ўз совғалари билан ташриф буюриб, фидойи ходимларни тақдирлашди.

Козим ЎЛМАСОВ олган суратлар

■ Қарор ва ижро

Давлатимиз раҳбарининг 2012 йил 10 декабрдаги «Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори мамлакатимиз ижтимоий ҳаётида катта воқеа бўлди. Қарор ижросини таъминлаш борасида Қумқўрғон туманида ҳам кенг кўламли ишлар олиб борилмоқда. Мавжуд 70 та умумтаълим мактабининг 1-, 4-, 5- ва 9-синфларида инглиз, француз ва немис тиллари чуқурлаштирилган ҳолда ўргатилмоқда.

ТИЛ БИЛГАН ЭЛ БИЛАР

Умумтаълим мактабларининг қарийб тўрт минг нафар биринчи синф ўқувчилари чет тили дарсликлари билан таъминланди. Ҳар бир мактабда биттадан синфхона белгиланган талаб асосида жиҳозланди.

Халқ таълими вазирлиги ва Жаҳон банки ҳамкорлигидаги лойиҳа доирасида олиб келинган 70 та компьютер, 70 та телевизор, 70 та ДВД плеер, нетбук компьютери, аудиомагнитафон, видеопроекторлар ҳамда барча мавзуларга оид кўргазмали қуроллар, ўқув дарсликлари сабоқ самарадорлигига хизмат қилмоқда.

Чет тили ўқитувчиларининг малакасини ошириш, педагогларнинг касб-маҳоратига қараб устама ҳақ белгилаш изчил йўлга қўйилган. Раҳматилла Мўминов, Урол Бекбоев, Тўлқин Улуғбердиевнинг 2-синф ўқувчилари учун чет тилига доир ўқув дастури ҳамда дарслик мажмуалари жорий йилнинг январ-март ойларида муваффақиятли синовдан ўтди. Натижада, улар меҳнат қилаётган 2-, 14-, 3- ҳамда 31-умумтаълим мактаблари инглиз, француз, немис тили фанларини ўқитиш бўйича таянч мактаби сифатида ташкил қилинди.

Туман мактабларида таҳсил олаётган 11067 нафар 2-,3- ва 4-синф ўқувчилари чет тилларини ўргатадиган қўшимча тўгараклар билан қамраб олинган. Ҳозирда 131 та инглиз, 18 та немис, 15 та француз тили бўйича фан тўгараклари фаолият юритмоқда.

Маълумки, таълим-тарбия сифатини мазмун жиҳатидан янги босқичга кўтариш мақсадида 2010-2011 ўқув йилидан бошлаб умумтаълим мактаблари ўқувчилари ўртасида фанлар бўйича «Билимлар беллашуви» ўтказилаётир. Ўтган ўқув йилида мазкур беллашувнинг вилоят босқичида 44 нафар пешқадам ўқувчи иштирок этиб, 24 нафари совринли ўринни эгаллади. 10 нафар ўқувчи республика босқичида қатнашди. Мактаб директорлари ва фан ўқитувчилари орасидан илғор ва ташаббускорларини аниқлаш ҳамда уларнинг ижодий фаоллигини ошириш, инновацион технологиялардан унумли фойдаланиб, самарали натижаларга эришаётган устоз-мураббийларнинг иш тажрибаларини оммалаштириш мақсадида «Йилнинг энг яхши фан ўқитувчиси», «Йилнинг энг яхши мактаб директори» кўрик-танловлари ўтказилди. 3-умумтаълим мактабининг бошланғич синф ўқитувчиси Шоҳсанам Мавлонова «Йилнинг энг яхши фан ўқитувчиси» кўрик-танловининг вилоят босқичида ғолиб бўлиб, республика босқичига йўлланма олди. Бу фидойи ўқитувчининг дарс ишланмалари республика миқёсида оммалаштирилди.

Тил билган эл билади. Дунё ҳамжамиятидан муносиб ўрин эгаллаб, тобора нуфузи ортиб бораётган юрт учун билимдон ёшлар керак. Бугун улар таълим масканларида вояга етмоқда.

Рустам ДАВЛАТОВ, «Ishonch» мухбири

■ Самара

Сирдарё педагогика коллежида 1679 нафар ўқувчи мактабгача таълим, бошланғич таълим, мактаб ва синфдан ташқари таълим, жисмоний тарбия, мусиқа, дизайн йўналишларида таҳсил олади.

КАСБГА МЕҲР

таълим жараёнида шаклланади

Таълим самарадорлигини оширишга қаратилган ижобий ишлар ибратга лойиқ. Жумладан, ўқув жараёнини меъёрий ҳуқуқий ҳужжатлар билан таъминлаш, таълим стандартлари, ўқув режа ва дастурларини такомиллаштириш, давомат ва ўзлаштиришни узлуксиз назорат қилиш, янги педагогик ва ахборот технологияларини таълимга жорий этиш қатъий назоратга олинган. Шунингдек, коллежда «Очиқ дарслар» ташкил этиш ва ўтказиш, ўқитувчилар малакасини ошириш ҳамда ўқувчилар билимини назорат қилиш жараёнлари илмий педагогик кенгашда атрофлича кўриб чиқилиб, тегишли чора-тадбирлар белгилаш йўлга қўйилган.

— Жамоамизда таълим сифатини ошириш, ўқитувчиларга амалий методик ёрдам кўрсатиш, энди иш фаолиятини бошлаган ходимларга иш жараёнида маслаҳатлар бериш, тажрибали ўқитувчиларга бириктириш мақсадида «Устоз — шогирд» мактаби ташкил этилди, — дейди коллеж бошланғич касаба уюшма қўмитаси раиси Райҳон Абдураззоқова.

Туманда коллеж ўқувчиси бўлишга қизиқувчилар кўпчиликни ташкил этади. Сабаби, берилаётган таълим сифати ва шароит барчани қониқтиради. Коллеж кутубхона фонди Гулистон давлат университетидан кейин иккинчи ўринда туради.

— Мактабни тамомлагач, ҳеч иккиланмай шу ерга келдим. Ўқувни бошлаган кунимиздан дарсларга қизиқиб кетдик, — дейди коллежнинг биринчи босқич ўқувчиси Феруза Қодирова. — Фан, касбий, спорт тўгаракларига аъзо бўлдик. Ҳафтанинг ҳар жума куни турли тадбирлар, учрашувлар, беллашувлар ташкил қилаяпмиз. Коллеж касбий фаолиятга яқинлаштирадиган ҳақиқий даргоҳ экан.

Дарҳақиқат, ўқув муассасида маданий тадбирлар ташкил этишга имконият катта. Коллеж маъмурияти ва касаба уюшма қўмитаси ҳамкорлигида иккита музей ташкил этилган. Улардан бири «Тарих музейи» бўлиб, унда вилоят тарихи қисқача акс эттирилган бўлса, «Таълим фидойилари музейи» хонасида эса коллеж босиб ўтган йўл акс эттирилган.

— Ўқувчи ёшларимиз билан миллий урф-одат, анъана ва қадриятларимизга содиқ қолиш, бу меросни авайлаш борасида тадбирлар ташкил этамиз, — дейди коллеж раҳбари Рустам Сулаймонов. — Куни кеча ЎзЛиДеП вакиллари билан ҳамкорликда «Ёшлар ва қонун» мавзусида семинар тренинг ташкил этилди.

Коллеж ўқувчилари республика, вилоят ва шаҳар миқёсида ўтказиладиган қатор тадбирлар, фан олимпиадалари ва спорт мусобақаларининг фаол иштирокчиси. Бу ўқувчи ёшларнинг танлаган касбларига меҳр-муҳаббатларининг ўзига хос ифодасидир.

Озода МАМАДАЛИЕВА, «Ishonch» мухбири

Ishonch
2014-yil 4-oktabr № 121-122 (3471)

УЛУҒЛАРИМИЗ ДУОСИ —

Нуронийлар нафақат ўз хонадонлари, балки юртнинг кўрки, иймон қалъасидир. Зеро, нуронийларнинг дуолари билан эл кўкаради, юрт яшнайди, ҳаётий тажрибалари эса ёшларга сабоқ. Шу боис ҳаёт сир-синоатларининг жонли ечимига айланган бобо-ю бувилари тарбиясидан баҳраманд бўлган болаларнинг дунёқараши ҳам барқарор шаклланади. Ишини билиб-билиб, пухта қиладиган ёшларни кўрганда «бобосининг тарбиясини олган-да» дея ҳавасланишимиз ҳам шундан.

Мустақиллик йилларида юртимизда уруш ва меҳнат фахрийлари, бой ҳаётий тажрибага эга инсонларга эъзоз кўрсатиш, кексаларни қадрлаш ва ўтганларни хотирлаш, уларнинг эзгу ишларини ёд этиб, эҳтиром кўрсатиш ибратли анъанага айланди. Мазкур йўналишларда амалга оширилаётган эзгу ишларда касаба уюшмаларининг ҳам муносиб ҳиссаси бор. Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши томонидан ўтказилаётган «Касаба уюшмалари — фахрийларга» йиллик акцияси бунинг ёрқин тасдиғидир. Акция доирасида, Президентимизнинг 2014 йил 18 апрелдаги «Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларини рағбатлантириш тўғрисида»ги Фармонидан келиб чиққан ҳолда, биргина Хотира ва қадрлаш куни муносабати билан 3868 нафар Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларига манзилли ёрдам кўрсатилди. Шунингдек, «Турон», «Оқ-тош», «Чортоқ», «Чинобод», «Ботаника», «Бўстон», «Зомин», «Косонсой» каби санаторийларда республикамизнинг турли ҳудудларида истиқомат қилаётган 60 нафар уруш иштирокчиси бепул йўлланмалар билан дам олиб, саломатлигини мустаҳкамлади. Улар учун барча шарт-шароит яратилиб, ҳар бир фахрийга алоҳида тиббиёт ходими бириктирилди. Ватанимиз истиқболи, турмушимиз ободлиги йўлида меҳнат қилиб, мустақиллигимизни мустаҳкамлашга муносиб ҳисса қўшиб келаётган меҳнат фахрийлари ҳам эътибордан четда қолгани йўқ. Фидойи инсонлар хонадонларига ташриф уюштирилиб, совға-саломлар топширилди. Шунингдек, касаба уюшма фаоллари ташкилотчилигида 300 нафарга яқин уруш ва меҳнат фахрийларининг буюк алломалар қадамжоларига, диёримиздаги тарихий шаҳарлар ва мустақиллик йилларида бунёд этилган иншоотларга саёҳатлари уюштирилди. Мустақиллик йилларида хизмат бурчини ўташ даврида ҳалок бўлган Ватан ҳимоячилари оиласидан хабар олиниб, манзилли ёрдам кўрсатилди.

Давлатимиз раҳбарининг «2011-2015 йилларда ёлғиз кексалар, пенсионерлар ва ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилишни янада кучайтириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарори ижросини таъминлаш борасида Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши ва унга аъзо ташкилотлар томонидан тизимли ишлар амалга оширилаяпти. Мазкур йўналишлар касаба уюшмалари фаолиятининг устувор вазифалари сифатида белгилаб олиниб, ижтимоий ҳимояталаб ёлғиз кексалар, пенсионерлар ва ногиронларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоялаш билан бир қаторда, уларнинг жамият ҳаётига интеграциялашуви таъминланмоқда. Зеро, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси-га аъзо ташкилотлар томонидан 2011-2015 йилларда 13 минг нафардан ортиқ ёлғиз кексалар, пенсионерлар ва ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилишни янада кучайтириш тадбирлари белгиланган бўлиб, касаба уюшмалари томонидан ушбу мақсадлар йўлида хайрли ишлар амалга оширилди.

Ёлғиз кексалар, пенсионерлар ва ногиронларнинг ижтимоий ҳимоясини таъминлаш бўйича «Ҳар бир инсон меҳр-эътибор оғушида» чора-тадбирлар мажмуи доирасида ҳам катта ишлар қилинмоқда. Уларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш, дори-дармонлар билан таъминлаш, коммунал хизматлар харажатларини қоплаш, уй-жойларини таъмирлаш, соғломлаштириш, парваришлаш ҳамда саёҳатлар уюштириш каби тадбирларга кенг ўрин берилмоқда.

Жамоа шартномалари орқали ижтимоий ҳимояталаб пенсионер ва ногиронларнинг коммунал-маиший хизматлар тўловларини қоплаб бериш ишлари йўлга қўйилган бўлиб, тармоқ касаба уюшмалари томонидан тизимда кўп йиллар ишлаб нафақага чиққан ёлғиз кексалар, пенсионерлар ва ногиронларнинг ҳолидан хабар олиш тадбирлари уларга руҳий кўтаринкилик бахш этаётир.

Зеро, кексалик гаштини сураётган онахон ва отахонлар бизнинг фахримиз, ғуруримиз, суянган тоғларимиз. «Касаба уюшмалари — фахрийларга» йиллик доимий акцияси эзгулик даракчиси сифатида юртимиз бўйлаб давом этиб, Ватанимизнинг бундан-да гуллаб-яшнашида ўз ҳаётий тажрибаси ва ўгитлари билан ҳисса қўшаётган инсонларга меҳр улашмоқда. Шу боис нуронийларимизнинг тилларида дуо, дилларида шукрона. Озодликни алқаб, тинч-осойишта кунларни улуғлаб, дуога қўл очадилар: «Она Ўзбекистонимизга кўз тегмасин. Мустақиллигимиз дунё тургунча турсин. Тинчлик хотиржамлик барқарор бўлсин. Илоё давлатимиз бой, Йўлбошчимиз омон бўлиб, фуқароларнинг топган-тутгани фақат тўйларга буюрсин...».


ЎзА сурати

Дунёдаги энг кекса инсон – Ўзбекистонда!

Ҳамкасбим билан Тўрткўл туманига ижодий сафарга отланар эканман, «Туркистон Пресс» нодавлат ахборот агентлигида бўлиб ўтган йиғилишда айтилган бир гап хаёлимдан сира кетмади. Наҳотки, дунёдаги энг кекса инсон бизда – Ўзбекистонда истиқомат қилса?! Уч аср юзини кўришга мушарраф бўлган момо ҳақида туман ҳокимлиги масъул ходими Надя опа Черикаевадан сўрадим.



134 БАҲОРНИ КЎРГАН МОМО

— Ҳа, дунёдаги энг кекса момо — «Кўҳна Тўрткўл» овул фуқаролар йиғинида яшайди, — дея тўлқинланиб гапирди опа. — Агар дуосини олмоқ ниятингиз бўлса, тўғри ҳокимликка келаверинг.

Шундай ҳам бўлди. Момо умргузаронлик қилаётган қишлоққа йўл олдик:

— Анча вақтдан буён кўнглимга тугиб юрган эдим, — деб сўз бошлайди Таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси туман кенгаши раиси Маҳмуд ака Адиков. — Сизларнинг баҳонангизда мен ҳам табаррук момонинг суҳбатини оладиган бўлдим.

Боғ-роғлар билан қуршалган катта ҳовлига яқинлашдик. Шинам қилиб ишланган, баҳаво айвонда бемалол ҳордиқ чиқариш мумкин. Икки томонида учтадан ёстиқ тизиб қўйилганидан момонинг оппоқ рўмоли аранг кўринарди. Боришимиздан бохабар бўлган шекилли, момонинг чевараэваралари бизни илиқ кутиб олишди.

1880 йилда таваллуд топган Тўти момо Юсупова ҳаёти давомида кўрган-кечирганларидан бир оз суҳбат очди. Меҳнатдан қочмагани, ариқлар ковлаб, канал қазишга боргани, зоғора нон билан буғдой қовурмоч еб кун кечиргани, асосийси, ҳаётида бировга ҳасад қилиб, бахиллик қилмаганини гапириб берди.

Ҳамқишлоқларининг сўзидан шуни билдикки, 134 баҳорни қаршилаган момони кўриб, суҳбатидан баҳраманд бўлиш учун кўп инсонлар бу ерга ташриф буюришар экан. Пиру бадавлат момо 2008 йили Президентимизнинг Фармони билан «Шуҳрат» медали билан тақдирланибди.

Табаррук момо яхши ният билан дуога қўл очар экан, халқимиз тинчлиги, ҳаётимиз фаровонлигини, юрт ободлигини тилаб, шундай деди:

— То ҳаёт эканман, ҳамиша Президентимизни менинг ёшимга етсинлар, деб дуо қиламан. Шу азиз инсоннинг кексаларга ғамхўрлиги ва юртимизда амалга ошираётган хайрли ишлари боис биз шундай улуғ ёшларга кириб, давру давронлар суриб юрибмиз.

Ортиқбой МАМУТОВ,
«Ishonch» мухбири

Кадрият

Элда шундай ривоят бор: бойсунлик тошқин-жўшқин бахши Оллоҳнинг қўллови, тақдирнинг йўллови билан ўзга юртга — Афғонистоннинг Мозори шариф шаҳрига боради. Остида от, қўлида дўмбира, юрагида Ватан, дилида, тилида терма-ю достонлар...

КУЙЛАСАМ ҚУВВАТЛАНАМАН


ЎзА сурати

Мозори шарифда донғи кетган бойлардан бири тўй бераётир. Бахши «Алпомиш»ни куйлади. Булоқдай қайнади, оловдай ловуллади, дарахтдай шовуллади, тоғдай ҳайбатланди, дарёдай тўлқинланди. Бахши овозининг сеҳридан, достоннинг мислсиз қувватидан, дўмбиранинг сирли жозиба оҳангидан катта-катта тошлар эриб, қайнаб сув бўлиб, сойга айланиб оқди. Ерни ёриб гиёҳлар кўкарди, самода учаётган қушлар дўмбирага келиб қўнди. Ўтов ичидаги гулгул қизларнинг юраги ёнди...

Эртасига бой деди:

— Эй, улуғ бахши!.. Бойсунингни қўй. Шу ерда қол. Мозори шарифнинг азизларидан бири бўласан. Зару тиллоларга кўмилиб яшайсан. Сайлаб олиб қизларимиздан бирига уйланасан... Биз билан яшаб қол.

Бахши шундай жавоб берди:

— Бой ота, сезган бўлсангиз, кеча «Алпомиш»ни юртим билан бир жон-бир тан бўлиб айтдим. Юртимдан айрилсам... юрагимдан юрт бош олиб кетади. Дўмбирани қўлга ушладимми, киндигим қони тўкилган ерлардан, дунёга келганим, энам манглайимга суртган тупроқдан куч-қувват оламан. Юртсиз қолсам, танам кундага, дўмбирам ўтинга, овозим совуқ шамолга дўнади. Сўнг мендан бўйни эгри туянгиз ҳам кўзингизга афзал кўринади... Юртсиз мен қандай бахши бўлайин?!

Менинг назаримда одамзод бу дунёда учта умид билан яшайди: муносиб оила, ўзи хушлаган касб ва кўнгилнинг хотиржамлиги. Энди шу учовининг ҳам бир-бирига уйғунлашиб кетмоғи учун яна бир нарса — Қўрғон керак. Бир қўрғонки, унинг иссиқ паноҳида рўзғоринг дахлсиз, дастурхонинг тўкин, фарзанд ва невараларинг соғ, бахтиёр бўлса. Иш жойингда қадр-қимматинг, ўрнинг, меҳнатингга яраша мавқеинг сезилиб турса. Унинг сарҳадлари узра қулоч ёйиб, эркин нафас олиб яшасанг.

Шукурлар бўлсинки, теграм узра менинг ана шундай қўрғоним бор. Бу истиқлол нуридан яшнаб турган Ватаним — ЎЗБЕКИСТОНИМдир. Унинг мадҳини куйласам руҳан қувватланаман.

Истиқлол ўзбекнинг ўзлигини қайтарди. Улуғ аждодларини танитиб, улардан фахрланиш, уларга муносиб бўлиш туйғусини берди. Истиқлолгача дунё тан олган буюк алломамиз Ҳаким ат-Термизий ҳақида нимани билардик. «Авлиё Термиз ота» деган содда ибора-ю яшириқча зиёратлар таассуротига эга эдик. Бугунги кунда Ҳаким ат-Термизий номи билан аталган мажмуа шундай манзилга айландики, ундан зиёратчиларнинг қадами узилмайди. Мақбара юртимиздаги энг обод ва улуғвор тарихий обидага айланди.

Президентимиз Фармонига биноан мустақиллигимизнинг 23 йиллиги муносабати билан Термиз шаҳрининг «Амир Темур» ордени билан мукофотланиши барча сурхон аҳлини қувонтирди. Ҳа, бугун Термизни кўрганлар унинг беқиёс гўзал шаҳарга айланганлигини тўлқинланиб айтишмоқда. Истироҳат боғлари, амфитеатр, Ҳиндистондаги «Тожмаҳал»ни эслатувчи Археология музейи, «Сурхон» спорт мажмуаси, «Бахт уйи», янгидан қад ростлаган «Ёшлар» маркази, замонавий турар жой бинолари, кўркам кўчалар, маъмурий бинолар... Хуллас, бетакрор ҳусну тароват қалбимга чексиз қувонч, фахр ва ифтихор бағишлайди. Ҳар куни бир чирой очиб, ўзгараётган, юртни куйламай бўладими?!

Шу юртга туғилганим, шундай оқил ва доно Юртбоши замонида истиқлолдан баҳра олиб яшаганимдан тақдиримга шукрона айтаман.

Хушбоқ МАРДОНАҚУЛОВ,
Ўзбекистон халқ бахшиси

Ким эдиғу, ким бўлдик!

Ёшинг улғайган сари хотиротлар кўз олдингда бот-бот жонланаверарқан. Гоҳ-гоҳи ўтмишдан сўз очсам, набира-ю чеваралар анграйиб қолишади. У кунларни биз кўрдик, сизлар кўрманглар, дея кўз ёшларимни яширолмай қоламан...

ДОРИЛОМОН КУНЛАР ШУКУҲИ

Мунгли-муштипар онамиз рўшнолик кўрмасдан дунёни тарк этди. Отамиз эса бир умр юрак ҳовучлаб ўтди. Авваль оқ подшонинг Сибир ўрмонларида ўтин кесишдан қочган бўлса, кейинчалик қизил салтанатнинг «қулоғи»га айланишдан, қатағонидан юраклари зир титради. Отамнинг уйда бир пиёла чойни ҳузур-ҳаловатда ичганлигини эслай олмайман. Бизга озодлик, эрк ваъда қилган тузум қўлимизга кишан солди. Ўн олти соатгача далада ишлаб бир дона зоғара нонга эга бўлардик. Ҳар бир одамга «норма» белгиланарди. Ўшани бажармагунингча кулча нонинг ушоғини ҳам кўрмасдинг. Эҳ-ҳе, бу тузум юкини кўтаришнинг ўзи бўлгани йўқ. Ҳақ-ҳуқуқни талаб қилишнинг ўзи хом хаёл эди.

Турмуш ўртоғим Тўқли Жўраев билан ҳаётнинг пастбаланд сўқмоқларини босиб ўтдик. Саккиз фарзандни тарбиялаб улғайтирдик. Болаларимиз овунчоғимиз бўлиб, ҳаётимизга завқ олиб кирди. Эр-хотин уларни бекаму-кўст улғайтириш учун елиб-югурганмиз. Ҳар бири эл корига ярайдиган кишилар бўлиб етишди. Фарзандларимизнинг биздан кўра бахтли бўлишини орзу қилгандик, ниятларимиз ижобат бўлди. Юрт истиқлоли кўнглимизга зиё, хонадонимизга қут-барака, элимизга осуда турмуш инъом этди. Бугун эвара-чеваралар-им замонавий билим даргоҳларида таҳсил олаётир. Улар учун барча шарт-шароитлар яратилган.

Шундай дориломон кунларга етганимдан бахтиёрман. Айни кезда 53 нафар невара, 200 нафардан ортиқ чевара, 100 нафардан зиёд эвара ва авараларнинг севимли бувижонисиман. Бир умр далада ишлаган мендек оддий меҳнаткаш аёлга авлодларининг гуркираб, ҳеч кимдан кам бўлмасдан камол топаётганини кўришдан улуғ саодат бор эканми?!

Бу йил 105 ёшни қаршиладим. Давлатимиз табаррук ёшдаги инсонларга алоҳида эъзоз кўрсатаётир. Саломатлигимиз доимий назоратда. Хонадонимизда биз кексаларни эслаб турли идоралардан вакиллар келиб туришади. Табаррук умрнинг ҳам гашти бор экан.

Истиқлолнинг 23 йиллик байрами муносабати билан Президентимиз юздан ошган кексаларни юртимизнинг юксак мукофоти билан тақдирлади. Улар орасида мен ҳам бор эканман. Тақдиримни қарангки, бир умр далада ишлаб, бундай эътиборга сазовор бўлмаган эдим. Табаррук байрамимиз арафасида уйимиз росмана тўйхонага айланиб кетди.Қўни-қўшни, ёр-биродарлар, ҳамқишлоқлар қутлагани келишди. Вилоят ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар қўмитаси раиси Президентимиз томонидан берилган юксак мукофотни кўксимга тақиб қўйди. Шундан буён ғурур ва фахр оғушидаман.

Ҳар тонг қўлим дуода. Мустақиллигимизнинг мусаффо тонгларига, юртимиздаги тинч ва осойишта турмушга етказганига шукр қиламан. Онасини, аёлини шарафлаган эл ҳеч маҳал кам бўлмайди.

Улжон момо ЖЎРАЕВА,
Нарпай туман Зоир ота маҳалласида яшовчи 105 ёшли онахон, «Шуҳрат» медали соҳибаси

Озодлик сурури

УМРИМ



ҚАДРСИЗЛИК

Ўтган умримга назар ташлаб, ўйга толаман...

Ёдимда, онам раҳматли ярим тунда уйғониб, хамир қорар, тандирга ўт қалаб, нон ёпар, тонг отар-отмас яримта нонни қўйнига солиб, пахта даласига кетарди.

Бир куни онам нонни ёпиб, энди дарвозадан чиқиб ҳам эдики, Абдулла бригадир келиб қолди. «Нега ишга чиқмай, ҳалиям уйингда юрибсан?» дея бақириб, онам раҳматлининг сочидан судраб, ариққа йиқитиб ташлади. Вазиятни кўриб, мурғаккина қалбимда бригадир бувага нисбатан нафрат алангаланди. «Нега энамни урасиз?» деб йиғлаганча бригадирга кесак отганларим эсимда. Бу воқеа содир бўлганда отам ҳам шу ерда эди. Аммо бригадирга лом-мим дея олмади. Урай деса кучи етарди. Элда «Кокилдор полвон» номи билан танилганди. Даврага чиққанда шиддати, важоҳатидан шер қўрқарди. Аммо собиқ шўролар давридаги инсон қадрининг ўта паст баҳоланиши отамни ожиз қилди... Шу сабаб ўша давр қийноқларига қарши бош кўтара олмаганди...

Шу-шу Абдулла бригадирни жуда ёмон кўриб қолдим. У кишининг қизлари кўп бўлиб, ўғли йўқ эди. Вақт-соати етиб, Абдулла бригадир оламдан ўтганда, отам менга «Жанозада отамлаб йиғла», деди. «Нега йиғлайман? Ахир у энамни урган, сочидан судраган. Отам сизсиз, у эмас-ку!», дедим норози бўлиб. Шунда отам «Ўтган ишга салавот, ўғлим. Балки бригадир бувани ҳам катталари шунга мажбур қилгандир, болам», деганди. Эсимда, ўшанда отамнинг юзидан ўтолмай, Абдулла бригадирнинг уйи олдида «отамлагандим».

ЕТИМДЕК БЎЗЛАГАН КУРАШИМ

Яккабоғ тумани Ғишатепа қишлоғида, қўшни қишлоқ ва туманларда отамни, амаким Абдураҳмон полвонни моҳир курашчилар бўлган, деб ҳурмат билан ёдга олишади. Эл ўртасида ардоқланган, пирлар мисол тавофланган алплар авлодидан бўлганим менинг ҳам юрагимда курашга меҳр уйғотган.

Майдондаги қор кураб ташланиб, ўртага тўнка ёқилиб, оёқяланг курашардик. Ҳозиргидек кўзни яшнатадиган кўк ва яшил яктаклар қаёқда, дейсиз. Чопон ёки чакмон кийиб, даврага чиқиларди. Халқимиз курашни шу қадар севардики, ўзига тўқми ёки ночорроқ оилами, албатта, фарзандининг тўйида кураш беришга ҳаракат қиларди.

Ўзбекистон Давлат жисмоний тарбия институтида ўқидим. Талабалик давримда, ундан кейин ҳам бир қатор мусобақаларда иштирок этдим. Самбо, дзюдо ва курашдан чемпион бўлиб, спорт устаси талабини бажардим. Аммо спортга эътибор ҳаминқадар бўлиб, ёшларни шуғуллантириш учун шароит деярли йўқ эди...

Қаршида ишлардим. Бир куни болалар ва ўсмирлар спорт мактабининг кураш гиламлари ҳисобдан чиқарилгани ва улар ёқиб юборилиши ҳақида хабар топиб қолдим. Гарчи эскириб қолган бўлса-да, ундан фойдаланиш истаги туғилди. Мутасаддилардан бирига учрашиб, гиламларни сўрадим. «Тезда техника топиб, Яккабоққа олиб кетинг, лекин биров билмасин», деди масъул шахс ўйлаб кўриб. Бахтимга, шу куни Яккабоғдан бир юк машинаси Қаршига, ярмарка савдоси учун мева-чева олиб келган экан. Кураш гиламлари, яъни «мочалка»ларни ортиб, қишлоққа олиб қайтдик. Ғишатепада эски дала шийпони бўлиб, қаровсиз ётарди. Шийпонни суваб, эшик ва деразаларини таъмирлаб, Қаршидан олиб келган «мочалка»ларни тўшаб, кураш зали ташкил этдик. Халқимиз курашни севадиган эмасми, қишлоғимиздан, қўшни қишлоқлардан болалар оқиб кела бошлади. Тўқбой, Қозоёқли, Ёмонсарой, Қайқи, Қозоқ, Болғали, қўшни Қамаши туманининг Лойқасой қишлоқларидан келган болалар билан тунги соат биргача машқ бажарардик...

ИСТИҚЛОЛ ҚУЁШИ

Орадан бир-икки йил ўтиб, давлатимиз мустақил бўлди. Худди шу куни гулдек умрини колхоз даласида ўтказиб, жонини жабборга бериб хизмат қилса-да, бахт ва қадр топмаган муштипар онамни эслаб, кўзимга ёш келди. «Ватаним учун, мустақил Ўзбекистон учун ишлайман, мен эришолмаган марраларга шогирдларимни етаклайман», деган қатъият қалбимда қарор топди.

Қарангки, мустақилликнинг илк йилларида кураш бўйича Шаҳрисабзда Амир Темур, Термизда Ҳаким ат-Термизий халқаро хотира турнирларига асос солинди. Юртимиз кураш бўйича Осиё ва Жаҳон чемпионатларига мезбонлик қилди. Халқаро кураш Ассоциацияси тузилиб, миллий спорт туримиз барча қитъаларда ўрганила бошланди. Бугунги кунда

Ishonch
2014-yil 4-oktabr № 121-122 (3471)

ЭЛ МУДДАОСИ



Ифтихор

Мустақиллик бизнинг ҳеч кимдан кам эмаслигимиз, аксинча, бировлар ҳам биздан ортиқ эмаслигини амалда исбот этди. Бу фикр деярли ҳар куни кўнглимиздан кечаётгани айни ҳақиқатдир. Жаҳон фан олимпиадаларидан шода-шода медаллар билан қайтаётган, халқаро спорт мусобақаларида шоҳсупани банд этаётган ёшларимиз камолида бу ҳақиқатга ўзимиз ҳам гувоҳ бўлиб турибмиз.

КЎРСАМ КЎЗИМ ҚУВОНАДИ

Истиқлол бўлмаганда, Исломбек Синдоров 6 ёшида дунё аҳлини ҳайратга солиб чемпион бўлармиди! Ёш шахматчи Нодирбек Абдусатторовнинг 9 ёшида спорт оламини ҳайратга солиб, эришган улкан ютуғи-чи?! Ёки Искандар Мамадалиев 11 ёшида Италиянинг Перуджа ва Барлетта шаҳрида ташкил этилган танловда иштирокчиларнинг энг кичиги бўлишига қарамай, бош соврин — Гран прига эга бўлиши, нуфузли ҳакамлар ҳайъати унинг истеъдодини ўта ноёб ҳодиса деб баҳолашини айтиб истаганча фахрланишимиз мумкин. Буларнинг бари мамлакатимизда соғлом ва баркамол авлод вояга етаётганининг исботидир. Бу каби эзгуликлар ниманинг шарофатидан эканлигини теран тушуниб олишимиз керак. Булар, аввало, истиқлол, қолаверса, Президентимизнинг саъй-ҳаракатлари билан миллатимиз қонидаги интеллектуал, ижодий ва ва ақлий қудратнинг мўъжизаларидир. Мен дилимни фахрга тўлдирган ана шундай воқеалар содир бўлганида ҳамиша мустақиллигимиз меъморини ҳаяжон ила дуо қиламан.

Дарҳақиқат, истиқлол фарзандлари биздан кўра кучли, билимли ва доно бўлиб улғаймоқда! Ўтган 23 йил мобайнида амалга оширилган улуғвор ишлар, инсон омилига қаратилган ислоҳотлар, мамлакатнинг умид ниҳоллари бўлган ёшлар камолотига йўналтирилган эзгу саъй-ҳаракатлар улар қалбида юртдан фахрланиш кайфиятини уйғотиб, яратилган кенг имкониятлар эса илм-фан чўққиларини забт этишга руҳлантирмоқда.

Умрини миллат болалари таълим-тарбиясига бағишлаган оддий ўқитувчи сифатида шуни айтаманки, бугун мактаб ва маориф оламида қандай ютуқларга эришган бўлсак, буларнинг бари юртимизда кечаётган осойишталик ва фаровонлик мевасидир.

Президентимизнинг Самарқандда ўтказилган «Ўрта асрлар Шарқ алломалари ва мутафаккирларининг тарихий мероси, унинг замонавий цивилизация ривожидаги роли ва аҳамияти» мавзуидаги халқаро конференциянинг очилиш маросимидаги маърузасида ҳам бу ҳақиқат алоҳида таъкидлаб ўтилди, «...тинчлик ва барқарорлик бўлмаса, илм-фан соҳасида ҳеч қандай ўсиш, тараққиёт бўлиши мумкин эмас. Қаерда тинчлик ва барқарорлик бўлсагина илм-фан марказлари, академиялар, олий ўқув юртлари пайдо бўлади. Энг асосийси, таълим-тарбия равнақ топиб, унга қизиқиш, эътибор кучаяди. Тинчлик-барқарорлик бўлган жойдагина одамлар ўқиб-ўрганишни, ҳар томонлама ривожланишни истайди. Одамлар кечаси уйқуга ётиб, эрталаб туришга қўрқмайдиган, эртага уларнинг бошига қандайдир муаммо ёки офатлар келмаслигини билган тақдирдагина шундай бўлади».

Биз фаолият юритган ўтган асрнинг 60-70 йилларидаги маориф тизими фаолияти билан ҳозиргисини таққослайдиган бўлсак, ер билан осмонча фарқ бор. Мунғайган мактаблар: қишда совуқ, ёзда иссиқ синфхоналар... Дарсликларни айтмайсизми? Унда ёзилган қадриятларимизга зид фикрлар биз устозларни руҳан эзарди. Ўқувчиларнинг кийимлари, кайфияти–чи? Бугун уларни хотирамга келтирар эканман, шу ҳақиқатни эътироф этаманки, шогирдларимнинг ўзларидан ҳам кўзлари негадир жуда сўлғин бўлар эди.

Бугун эса фарзандларимиз жаҳоннинг камдан-кам давлатида кузатилган замонавий мактаб, академик лицей ва коллежларда 12 йиллик бепул таълимдан баҳраманд бўлаётир. Коллежларни бир эмас, бир неча касбни эгаллаб битиришмоқда. Хоҳласа ўқишни давом эттириши мумкин, хоҳласа эгаллаган касби бўйича иш тайёр.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотларнинг бирорта устувор йўналиши йўққи, у бевосита ва билвосита юртимиз келажаги бўлган ёш авлод тарбияси билан боғланмаган бўлсин. Чунки, ёшларимиз ҳар томонлама соғлом ва баркамол бўлиб улғайсагина улуғ мақсадимизга етамиз.

Ўзим Кармана тумани «Ҳазора» ҚФЙ ҳудудида яшаган-да, ҳафтада бир-икки марта вилоят марказига бориб тураман. Қишлоқдан шаҳарга етгунча кундан-кунга чирой очаётган гузарлар, кўча ва хиёбонларни кўриб ҳам кўзим, ҳам кўнглим қувнайди. Давраларда сўз берилганда, учрашув ва шогирдлар даврасида кўнглимдаги гапни айтиб қолишга ошиқаман: «Кеча ким эдигу бугун ким бўлдик? Қандай қилиб шу даражага етдик? Бу истиқлол неъмати, Президентимизнинг доно сиёсати меваларидир. Шўро тузуми даврида биз кўрган ўша қийинчиликларнинг ўтгани рост бўлсин. Тангри инъом этган шундай дориломон кунларнинг қадрига етайлик. Эл-юрт хизматида камарбаста бўлмоқ ҳар биримизнинг бурчимиздир».

Ўғлим тизимда меҳнат қилаётгани боис касаба уюшмаларида юз бераётган халқчил ўзгаришлардан ҳам хабардорман. Бу борада айтар гапим шуки, инсонлар манфаати йўлида қайғуриш доимо шарафлидир. Эл раҳмати ва дуосини олган кишилар ҳеч қачон кам бўлмаслигини ҳаётим давомида хўп синаганман. Яна гапим шуки, элга манзур ишларимиз кўпаяверсин. Жаннатий давру давронимизга кўз тегмасин.

Юсуф МУСАЕВ,
меҳнат фахрийси

Бир ўлкаки...

Бугунги ёшларга ҳавас қилса арзигулик. Улар ниманики орзу қилса, қўли етади. Дунё ана шундай оловқалб ёшларимиз туфайли юртимизни танимоқда ва тан олмоқда.

ШУКРОНАЛИК

Биргина туманимизнинг энг олис ва чекка қишлоқларидаги мактаб бинолари ҳам ё янгидан қурилди ёки мукаммал таъмирдан чиқарилди. Янги касб-ҳунар коллежи, санъат мактаблари бинолари қад ростлади.

Кези келганда айтишим жоизки, истиқлол туфайли Зоминнинг бугунги қиёфаси тубдан ўзгариб, мамлакатимизнинг энг намунали ҳудудларидан бирига айланди.

Ҳа, айтганча, Зоминни туризмга мос ўлка ҳисоблашиб сайёҳлик тизимини кенг йўлга қўйиш режалангани айни муддао бўлибди. Пишоғор қишлоғидаги Хўжаи-Сероб ота зиёратгоҳида ўлкашунослик музейи очилиб, қишлоқ сайёҳлик масканига айланиб бораётгани, ҳатто бу ерга фаранглик туристлар ташрифи мени мамнун этди.

Қаранг-а, биргина ўтган йили туманимизга 32 минг сайёҳ ташриф буюрибди! Уларнинг йигирма фоизи Германия, Франция, Хитой, Россия, Қувайт, Озарбайжон, Ҳиндистон каби мамлакатлардан келган туристлар экан. Сайёҳларга жаҳон андозалари асосида хизмат кўрсатиш тизими мукаммаллашиб бормоқда. Тоғ бағрида ўнларча дам олиш гўшалари, соғломлаштириш пансионатлари мунтазам ишлаб турибди.

Айтишларича, бир туп арча ўзидан суткасига бир қишлоқ аҳлига етгулик кислород ишлаб чиқараркан. Бир туп арча томирлари атрофида икки тоннагача сув тўплайди. Зоминда эса 27 минг гектар майдонда ана шундай арчазор ястаниб ётибди. Бундай жаннатмонанд юртда яшаётганим менда алоҳида фахр, ғурур ва ифтихор ҳиссини уйғотади.

Нарзулла РАВШАНОВ,
Халқ таълими аълочиси, Зомин туманидаги «Боғишамол» маҳалласида яшовчи пенсионер, 85 ёш

Замондошимиз

Бу аёлга ортиқча таърифу тавсиф бериб ўтиришнинг ҳожати йўқ. Ёши олтмиш бешдан ошса-да, сочини бошига дурра қилиб ернинг киндигини суғириб оламан, дегувчи ёш шаддод жувонлардан ками йўқ. Рўзғори бут, кам-кўстнинг ўзи йўқ. Аммо онахон оёқ узатиб уйда ўтиролмайди. У ҳам шукур қилади, ҳам меҳнат.

ДИЛДА ҒАЙРАТ БОР ЭКАН...

Бундан ўн йиллар олдин опа чорсисини бошига ташлаб отланиб қолди. Фарзандлар ҳайрон.

— Йўл бўлсин, онажон, — дея пешкаш бўлишди келинлар.

— Ҳокимиятга, ер олиб, деҳқончилик қилмоқчиман.

Энди ўғиллар йўлига кўндаланг бўлишди. Шунча ўғил бир онани боқа олмаймизми, деган қараш зоҳир эди улар чеҳрасида.

Эҳ, хом сут эмган бола, сен қайдан биласан она кўксидаги орзу-ҳавасу армонларни! Санобар Эргашева деган колхозчининг қўлидан 35 йил кетмон тушмади. Эрта кўкламдан бошлаб кузгача даладан бери келмасди. Шунча йил фақат бригадирнинг топшириғини бажарди. Елкангда кетмон билан далада серрайиб турсанг бас. Табел тўлдирилади — ойлик кетади. Бир кун кўринмасанг, дағдаға-ю машмашалар домида қовриласан. Шу тахлитда умрнинг ўтганини ҳам, қариб-қартайганингни ҳам сезмай қоласан. Ҳаётга келиб қандай ибратли ишларга қўл урдим, авлодларим қайси яхши амалларимни эслайди, деган саволларга жавоб тополмасдан ўтиб кетаверасан. Санобар Эргашевага ана шу ўйлар тинчлик бермаётганди.

— Қўйинг, ёшингиз ўтиб қолди, тинчгина уйда ўтирсангиз бўлмайдими, деган таънани эшитмоқчимисиз, — дейишди фарзандлар. Аммо онасининг шаштини астойдил қайтаришга ҳеч бири ботинолмади.

Унинг аризасини ўрганиб чиққан масъуллар Самарқанд туманидан (ҳозир Оқдарё тумани тасарруфида) 10 гектар ер майдони ажратиб беришди. Болалари тўғри айтган экан, енг шимариб кетмон уришга ёш савил анча монелик қиларлоқдошларидан етти қўшди. 7 гектарга ғалла, 3 гектарга сабзавот уруғи қадалди. Астойдил қилинган меҳнат беиз кетмади. Санобар Эргашева далада орттирган кўп йиллик тажрибаси, кузатишларини ишга солди. Қолаверса, зироатчилик юмушларининг фурсати унга ёд бўлиб кетганди-да. Ҳосилнинг чўғи хирмонда кўзга ташланади, деганларидек фермер хўжалиги аъзолари ғалладан гектар бошига 40 центнердан, сабзавотдан 350 центнердан ҳосил йиғиштириб олишди. Йилдан-йилга ҳосилдорлик ҳам, даромад ҳам ошиб борди. Бора-бора оила аъзолари ҳам бўш қолди дегунча далага югурадиган бўлишди.

Лавҳа

Санобар Эргашевага бир ўй тинчлик бермасди: захкаш ерга пахта экиб кўрса қандай бўларкан?.. Тажрибакор деҳқонларнинг бир нечаси лабини тишлаб бошини чайқади. 2012 йилда «таваккал» қилиб тасарруфидаги ер майдонининг 1,5 гектарига чигит қадади. Кутилган натижа қўлга киритилди. Энг муҳими, ерининг бир қисмини пахта ундиришга мослаб олди. Ўтган йилда 21 тонна ўрнига 38,5 тонна ғалла, 4 тонна ўрнига 6 тонна пахта етиштирилди. Сабзавот экинлари ҳосилдорлигини 500 центнерга етказди.

Даланинг бир чеккасида мўъжазгина «деҳқонлар уйи» барпо қилинди. Бу ерда икки маҳал қозон қайнайди. Аъзолар ҳам, оила вакиллари ҳам ҳордиқ онларини шу ерда ўтказишга одатланишди.

— Пишиқчилик чоғида ходимлар оила аъзолари билан далада бўлишади, — дейди «Саид Эргаш ўғли» фермер хўжалиги раҳбари Санобар Эргашева. — Айниқса, сабзавот қисқа фурсатларда йиғиб олиб, қайта ишлашга жўнатишни талаб этади. Ўз-ўзидан қўшимча ишчи кучига эҳтиёж сезилади. Бутун жамоамиз бир ёқадан бош чиқариб оёққа турамиз. Орттираётган даромадимиздан ишчиларимиз баҳраманд. Шу боис улар астойдил ишлаб, мўл ҳосил етиштиришга интилишади. Жорий йилда ҳам фермер хўжалиги аъзолари салмоқли натижаларга эришди. Ғалла мўлжалланганидан икки баробар кўп бўлди, сабзавот ҳосилдорлиги гектар бошига 500 центнерни ташкил этди. Энди эса бутун диққат-эътибор пахтага қаратилган. Табиий шароит боис уларнинг пахтаси сал кечроқ пишиб етиларди. Онахон бошлиқ жамоа 1,5 гектар майдондаги пахта ҳосилдорлигини 50 центнерга етказишни кўнгилга тугиб қўйишган. Даладаги ҳосилнинг чўғи ҳам шундан дарак бераяпти.

— Юртимиздаги тинч-осойишта турмуш юксалишларга омил бўлаётир, — дейди Санобар Эргашева. — Ёнгинамизда Қирқдархон массиви жойлашган. Илгарилари бу ерлар харобаташландиқ ҳолда эди. Ҳозирда қарийб 500 га яқин замонавий уйлар қад ростлаб, намунали турар жой масканига айланди. Юртимизнинг қанча-қанча гўшасида ана шундай янги қишлоқлар қад ростлаяпти. Бу мустақиллик туфайли турмушимизнинг кундан-кунга фаровонлашаётганидан далолат эмасми?! Яқинда Тошкентга бордим. Олти соатлик йўлни учқур поезд икки ярим соатда босиб ўтди. Бир пиёла чойни маромига етказиб ичгунча манзилга етдик. Ана шундай улкан ўзгаришлар жараёнида қўл қовуштириб уйда ўтириб бўладими?!

— Ёшингиз анчагина улуғ экан, деҳқончилик юмушлари оғирлик қилиб қолмаяптими, — астагина сўраймиз ундан.

— Президентимизнинг бир гапи доимо ёдимда туради: «Ёшми-қарими, ўз олдига катта мақсадларни қўйиб яшаши керак». Ана шу интилиш одамга доимо куч бағишлаб тураркан,— дейди у. — Мен ҳам олдимга катта мақсад қўйганман. Даламизда ишлаб чиқарилган маҳсулотни ўзимиз қайта ишлаб чиқаришни ташкил этмагунча чекиниш йўқ. Ана шундай тизимни ташкил этгандагина дам олиш ҳақида ўйлаб кўрса бўлади.

Фермер онахон даласида ҳам худди уйдагидек саранжомлик ҳукмрон. Ҳар қарич ердан оқилона фойдаланилмоқда. Ариқлар бўйини юлғунлар эмас, райҳонлар қоплаган замин дарғалари тадбиркорлигига тан бермай ҳеч илож йўқ.

Нурилла ШАМСИЕВ,
«Ishonch» мухбири



ТУҒЁНЛАРИ

Англия, Франция, Греция ва бошқа давлатларда кураш бўйича нуфузли халқаро турнирларнинг ўтиши анъанага айланган...

ҚАДР

Ғишатепадаги дала шийпонида ташкил қилинган кураш залида шуғулланган ўғил-қизлар орасидан йигирмага яқин республика биринчилиги ғолиблари етишиб чиқди. Олти нафар шогирдим мамлакат чемпионлигига эришиб, олий ўқув юртларига имтиёзли киришга муваффақ бўлди.

Мени жуда хурсанд қилган жиҳат — ўрта умумтаълим мактаблари қошида қурилган спорт заллари тўла жиҳозланди. Уч босқичли спорт мусобақаларига асос солиниши эса оммавийликдан профессионал спортга кенг йўл очди.

1984 йилнинг 17 март санасида туғилган тўнғич ўғлимга миллий байрамимиз арафасида дунёга келгани учун Наврўз деб исм бергандим. Онаси Абдураҳмон полвоннинг (амаким) невараси (қизининг қизи) Маликахон иккимиз ўғлимизни боболари сингари полвон бўлишини Яратгандан сўрадик.

Худога шукр, кураш бўйича мамлакат чемпиони бўлди. Терма жамоа сафида 2007 йил Термизда ўтган халқаро турнирда 81 кг. вазн тоифасида кумуш медалга эришган бўлса, мен фахрийлар ўртасидаги Жаҳон чемпионатида иккинчи ўриндан жой олдим...

Яккабоғ Болалар ва ўсмирлар спорт мактабида раҳбар бўлиб ишлаган давримда мактаб ўқувчиларидан Дилшода Ҳазратова кураш бўйича хотин-қизлар ўртасида биринчи жаҳон чемпиони, деган шарафга мушарраф бўлди.

2005 йилда камтарона меҳнатларим юксак баҳоланиб, «Ўқитувчи ва мураббийлар куни» арафасида «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси» фахрий унвонига лойиқ топилдим.

ФАХР

Ўғлим Наврўз Жўрақобилов дзюдо кураши бўйича мамлакат чемпионатида ғолиб чиқиб, терма жамоа сафига кирганда унга «Ўғлим, терма жамоага киришнинг ўзи бир бахт. Энди Осиё ва жаҳон майдонларида ўзингни кўрсатиб, Ўзбекистон шарафини муносиб ҳимоя қил. Ёзги Олимпия ўйинларида муваффақиятли иштирокингни кўриш насиб қилсин!», деб дуо қилгандик. Яратган эгамнинг марҳамати, қолаверса, Президент Ислом Каримов томонидан давлатимизда спортга берилаётган эътибор, спортчиларга кўрсатилаётган ғамхўрлик туфайли ўғлим 2002 йил Сурияда ўтган ёшлар ўртасидаги Осиё чемпионатида 3-ўринни эгаллади. 2003 йилдан катталар ўртасида баҳсларга киришиб, Россия, Макао, Озарбайжон, Франция, Миср ва бошқа давлатларда ўтган халқаро турнирларда совриндор бўлди. 2008 йил Қозоғистонда ташкил этилган Осиё чемпионатида кумуш медалга эришди. 2010 йил 16-Осиё ўйинларида бронза медали соҳибига айланди.

2011 йил ўғлим учун жуда муваффақиятли келди. 5-9 май кунлари Боку шаҳри мезбонлик қилган халқаро Гран-При турнирида ғолиб чиқди.

Лондон Олимпиадасига бориш учун ҳал қилувчи мусобақалардан бўлган жаҳон чемпионатида (Франция, 23-28 август) 73 кг. вазн тоифасида бронза медали ва лицензия соҳибига айланди. Орадан бир ой ўтиб, Алмати шаҳри мезбонлик қилган жаҳон кубоги мусобақасида кумуш медалга эришди. Ўғлимизнинг муваффақиятлари давлатимиз раҳбари томонидан «Spark» автомашинасига муносиб кўрилди. Ваҳоланки, биз собиқ Иттифоқ миқёсидаги мусобақаларда ғолиб бўлсак, сифатсиз қоғоздан тайёрланган фахрий ёрлиқ билан тақдирланардик.

Ўғлим Лондон Олимпиадасида қатнашди. Мана, куни кеча Жанубий Кореянинг Инчеон шаҳрида 17-Осиё ўйинларида ҳам муносиб иштирок этди.

Дзюдо бўйича Ўзбекистон эркаклар терма жамоаси Осиё ўйинларининг жамоавий беллашувларида бронза медалини қўлга киритди.

Жамоавий беллашувларда ўз вазн тоифаларида Ришод Собиров, Наврўз Жўрақобилов, Сарвар Шомуродов, Яҳё Имомов, Дилшод Чориев, Абдулла Тангриев ва Сойиб Қурбонов терма жамоамиз шарафини ҳимоя қилди.

Саралаш босқичида дзюдочиларимиз Япония терма жамоасини 3:2 ҳисобида мағлубиятга учратди.

Ўзбекистон терма жамоаси учинчи ўрин учун Эрон терма жамоаси билан беллашиб, якунда 4:1 ҳисобида ғалаба қозонди. Дзюдочиларимизнинг мазкур ғалабаси миллий терма жамоамиз ҳисобига яна бир бронза медалини келтирди.

Агар, истиқлол қуёши бошимизда нур сочиб турмаганида чекка-чекка қишлоқлардаги мураббий ва спортчиларга халқаро майдонга йўл қаёқда эди. Ғишатепа қаёқда-ю, Инчеон қаёқда, Яккабоғ қаерда-ю, Франция қаерда?

Илоё, жонажон Ўзбекистонимиз, жаннатмакон озод юртимизга кўз тегмасин, Яратганнинг ўзи паноҳида асрасин!

Аҳмад полвон ЖЎРАҚОБИЛОВ,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси.
Яккабоғ тумани
Ғишатепа қишлоғи

Jshonch
2014-yil 4-oktabr № 121-122 (3471)

Кучли давлатдан — кучли жамият сари



Маълумки, давлат органлари фаолияти устидан жамоатчилик назоратини амалга ошириш фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг зарурий шартларидан биридир. Айниқса, жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ қилиш, ҳаётимизнинг барча соҳаларида либераллаштириш жараёнларини жадаллаштириш, қонунлар ижросини таъминлашда давлат ҳокимият органлари фаолияти устидан жамоатчилик назоратини кучайтириш муҳим аҳамият касб этади. «Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари» концепциясининг мазмун-моҳияти ҳам шуни тақозо қилади — жамиятимиз ривожланган, юксак босқичларга кўтарилгани сари давлатнинг кўпгина вазифалари, шу жумладан, назоратга оид вазифаси жамоатчилик ихтиёрига босқичма-босқич ўтказиб борилади.

Жамоатчилик назоратининг ҳуқуқий асоси

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов таъкидлаганидек, «... биз давлатнинг назорат функцияларини қанча кучайтирсак, назорат билан шуғулланувчи давлат тузилмалари ва органларини қанча кўпайтирсак, амалдорларнинг зўравонлиги ва коррупция шунча авж олаверади. Шунинг учун биз жамоатчилик назоратини, давлат фаолияти, шу жумладан, унинг куч ишлатувчи тузилмалари фаолияти устидан ҳам жамият назоратини ҳар томонлама кучайтиришга алоҳида эътибор қаратишимиз лозим. Бу масалада бундан бошқа муқобил йўл йўқ».

Ушбу пурмаъно фикрларнинг мазмун-моҳияти Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг 2010 йил 12 ноябрдаги қўшма мажлисидаги «Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси»га оид маърузада ўз ифодасини топди. Концепцияда давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари томонидан қонун ҳужжатларининг ижро этилиши устидан жамият, фуқаролик институтлари назоратини амалга оширишнинг тизимли ва самарали ҳуқуқий механизмини яратиш масаласига алоҳида эътибор қаратилган.

«Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида (32, 78, 93, 98, 103 ва 117-моддаларига)»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг қабул қилиниши мамлакатимизда кучли фуқаролик жамиятини шакллантириш ҳамда демократик ривожланишнинг навбатдаги муҳим босқичи бошланганини англатади.

Бош қомусимизга киритилган ушбу ўзгартиш ва қўшимчалар ҳокимият ва бошқарув тизимини янада демократлаштириш, «Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари» принципининг босқичма-босқич амалга оширилишини таъминлаш, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг давлат ҳокимияти органлари тизимидаги ролини, ички ва ташқи сиёсатнинг стратегик вазифаларини рўёбга чиқаришдаги ҳуқуқлари ҳамда ваколатларини кенгайтириш қонун чиқарувчи олий орган, ҳокимият вакиллик органларининг Вазирлар Маҳкамаси ва ижро этувчи органлар фаолияти устидан назорат қилиш, шунингдек, мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш вазифаларини амалга ошириш учун ҳукуматнинг, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларининг масъулияти оширилишига хизмат қилиши шубҳасиз.

Конституциянинг 32-моддасига киритилган ўзгартиш ва қўшимчага мувофиқ «Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари жамият ва давлат ишларини бошқаришда бевосита .ҳамда ўз вакиллари орқали иштирок этиш ҳуқуқига эгадирлар. Бундай иштирок этиш ўзини-ўзи бошқариш, референдумлар ўтказиш ва давлат органларини демократик тарзда ташкил этиш, шунингдек, давлат органларининг фаолияти устидан жамоатчилик назоратини ривожлантириш ва такомиллаштириш йўли билан амалга оширилади.

Давлат органларининг фаолияти устидан жамоатчилик назоратини амалга ошириш тартиби қонун билан белгиланади».

Жамоатчилик назорати — давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг Конституция қоидалари, қонунлар ва бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ва маданий ҳуқуқларини тартибга солувчи халқаро меъёрлар ва принциплар сўзсиз ижро этилишига доир маълумотларни тўплаш, таҳлил қилиш ва умумлаштиришга доир жамоатчилик назорати субъектларининг фаолиятини ифодалайди.

Жамоатчилик назорати деганда давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолияти устидан уларнинг қонунга риоя қилишларини, ўз мажбуриятларини лозим даражада бажаришларини кузатиш ва назорат қилиш мақсадида фуқаролар, фуқаролик жамияти институтлари — оммавий ахборот воситалари, сиёсий партиялар, жамоат бирлашмалари, касаба уюшмалари томонидан амалга ошириладиган комплекс чора-тадбирлар тушунилади.

Хорижий давлатларнинг йиллар давомида шаклланган ушбу соҳадаги тажрибасини кузатиш ва таҳлил этиш шуни кўрсатадики, бу борада Швеция, Франция, Германия, Австрия, Белгия ва Япония каби давлатларда фуқароларнинг давлат ҳокимияти органлари фаолияти устидан жамоатчилик шаклидаги назоратининг амалга оширилиши самарали натижалар бермоқда.

Шу билан бирга, таъкидлаш лозимки, кўпгина мамлакатларда, ҳатто Ғарб давлатларининг қонунчилигида ҳам, ҳозирда биздаги давлат бошқарувида жамоатчиликнинг иштироки сингари мавжуд баъзи демократик қадрият ва меъёрлар учрамайди. Масалан, маҳалла институтининг мавжудлиги ва унинг роли ошиб бораётгани, янги давлатчилик анъаналаримизда давлат ва ҳокимият тузилмалари халқнинг устидан эмас, халқ давлат ва ҳокимият тузилмалари устидан назорат қилиши анъанага айланиб бораётганидан далолат бермоқда. Кейинги ўн йилликлар давомида маҳалланинг ролини янада ошириш юзасидан қабул қилинган фармон ва қарорлар ушбу институтнинг жамиятда муносиб ўрин эгаллашига хизмат қилмоқда. Ҳозирги вақтда маҳалла институти жамиятнинг давлат билан ўзаро самарали алоқасини таъминлаш, одамларнинг кайфиятини, мамлакатда кечаётган ўзгаришларга муносабатини аниқлашнинг муҳим воситаларидан бирига айланиб улгурди.

Бугунги кунда жойларда фуқароларнинг энг долзарб муаммоларини ўз вақтида ва муваффақиятли ҳал этиш, уларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш, давлат органларининг фаолияти устидан жамоатчилик назоратини амалга оширишда маҳалла тизимининг таъсири ва аҳамияти кун сайин ортиб бормоқда.

Шу ўринда қайд этиш лозимки, қабул қилинган «Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида»ги Қонун мамлакатимизда жамоатчилик назорати институтини шакллантиришга кенг йўл очиб берди. Зотан, давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари фаолиятининг очиқлигини таъминламасдан туриб, уларнинг фаолияти устидан самарали жамоатчилик назоратини ўрнатиб бўлмайди.

Мамлакатимизда жамоатчиликнинг давлат органлари фаолияти ҳақидаги ахборотга эга бўлиш ҳуқуқи қатор конституциявий қоидалардан келиб чиқади. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 29-моддасида, ҳар ким ўзи истаган ахборотни излаш, олиш ва уни тарқатиш ҳуқуқига эгалиги белгилаб қўйилган. Бош қомусимизда фуқароларнинг бу соҳада ҳуқуқларини белгиловчи махсус нормалар ҳам мавжуд. Жумладан, унинг 30-моддасига мувофиқ, «Ўзбекистон Республикасининг барча давлат органлари, жамоат бирлашмалари ва мансабдор шахслари фуқароларга уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларига дахлдор бўлган ҳужжатлар, қарорлар ва бошқа материаллар билан танишиб чиқиш имкониятини яратиб бериши лозим».

Юқорида қайд этилган конституциявий қоидалар кенг жамоатчиликнинг давлат органлари фаолияти ҳақидаги ахборотга эга бўлиш ҳуқуқини мустаҳкам кафолатини яратишга асос бўлиб хизмат қилади.

Ҳақиқатдан ҳам, жамоатчилик назоратини самарали амалга оширишнинг муҳим шартларидан бири, бу фуқароларнинг давлат органлари фаолиятига оид маълумотларга эга бўлиши ҳисобланади. Ахборотга ўз вақтида ва тўлиқ эга бўлиш, яъни жисмоний ва юридик шахсларнинг давлат органлари фаолиятига оид маълумотлардан фойдалана олиши жамоатчилик назоратининг самарали бўлишини таъминлайди.

Мазкур Қонун ўз вақтида қабул қилинганини ва бу соҳада амалга оширилаётган ислоҳотларнинг мантиқий давоми бўлганини эътироф этиш лозим. Бу эса, ўз навбатида, инсонларда ўзлари истиқомат қилаётган жамият, уларни бошқараётган давлат органларининг фаолияти ҳақида тасаввур ҳосил қилиш ҳамда мушоҳада юритиш кўникмасини шакллантиради ва бу орқали бохабар жамоатчиликни умумжамият манфаатига қаратилган эзгу ишларга жалб этади. Шу билан бирга, давлат органлари фаолиятининг самарадорлигини ва таъсирчанлигини мустаҳкамлайди, уларнинг бирлигини таъминлашга кўмаклашади, шу тариқа давлат органларининг қонунийлигини ва халқнинг уларга бўлган ишончини янада мустаҳкамлашга эришилади.

Хулоса қилиб айтганда, жамиятнинг давлат ва ундаги фуқаролар билан мунтазам алоқаси самарадорлигини таъминлаш, инсонларнинг манфаат ва қизиқишлари, уларнинг мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотларга муносабатини аниқлашнинг муҳим элементларидан бўлган давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолияти устидан жамоатчилик назорати институтини ҳаётга оғишмай тўғри татбиқ этиб бориш фуқаролик жамиятини шакллантиришда муҳим аҳамият касб этади.

Баҳром САИДОВ,
ИИВ Академияси Конституциявий ҳуқуқ кафедраси бошлиғи, юридик фанлари номзоди

Касаба уюшма аралашуви билан

Республика Вазирлар Маҳкамасининг «Иш ҳақининг ўз вақтида тўланишига доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарорининг бажарилиши юзасидан Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши томонидан ишлаб чиқилган Ҳаракат дастури асосида барча тармоқ тизимидаги корхона ва ташкилотларда қатор ижобий ишлар амалга оширилмоқда.

Муддати ўтган қарзлар ундирилди

Фарғона вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмасида ҳар ой якунига кўра, бошланғичлардан иш ҳақидан қарздорлик бўйича ҳисоботлар олиниб, таҳлил қилинади, керакли чоралар белгиланади.

Иш ҳақи бўйича қарздорликни бартараф этиш борасида кўрилган чора-тадбирлар натижасида жорий йил 8 ойи давомида иш берувчилар олдига қўйилган 22 та расмий талабнома бўйича тегишли иш ҳақи ундириб берилди. Касаба уюшмалари томонидан 14 марта иш ҳақининг ўз вақтида тўланиши устидан жамоатчилик назорати асосида текширишлар ўтказилди.

Фуқароларнинг ариза ва мурожаатлари ўрганилиб, зарур чоралар кўрилди. Жумладан, Таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Бувайда туман кенгаши томонидан «Баркамол авлод болалар маркази»нинг «пазандачилик» тўгараги раҳбари М.Мамажонова ҳамда «бошланғич техник моделлаштириш» тўгараги раҳбари Ю.Муллаевага май ойи иш ҳақи кам тўланганлиги аниқланди ва адолат қарор топишига ёрдамлашилди. Тармоқнинг Тошлоқ туман кенгаши томонидан 28-МТМ қоровули Ш.Шоматовнинг ноқонуний ишдан бўшатилгани тўғрисидаги аризаси ўрганилди ва туман ХТМФМТТЭБ мудираси А.Солиевага тақдимнома чиқарилди. Натижада, МТМ раҳбари буйруғи бекор қилиниб, Ш.Шоматов ўз вазифасига тикланди ва икки ойлик мажбурий бекор юрган кунлари учун ҳақ тўлаб берилди.

Марғилон шаҳар Узумзор кўчаси 6-уйда яшовчи «Фарғона Олтин водий навкари» МЧЖ собиқ автобус ҳайдовчиси Мўйдин Тўрақуловнинг 2014 йилда ишдан бўшагач, якуний ҳисоб-китоб пулларини ололмаётганлиги бўлим мутахассислари томонидан ўрганилди ва М.Тўрақуловга тегишли бўлган пуллар ундириб берилди. Бундан ташқари, ушбу корхонада автобус ҳайдовчиси бўлиб ишлаётган Акбаржон Собировнинг 2013 йил май ойидан буён ойлик иш ҳақларини ололмаётганлигидан норози бўлиб вилоят ҳокимлиги «Ишонч телефони» орқали қилган мурожаати ўрганилиб, А.Собировга тегишли иш ҳақи ундириб берилди.

Шунингдек, бирлашма кенгаши ижтимоий ҳимоя бўлими ходимлари саъй-ҳаракати билан ўтган давр мобайнида «Қува дон маҳсулотлари» ОАЖ, «Риштон МТП», «Қишлоқхўжаликкимё» ОАЖ Риштон Ш/К, «Риштон пахта тозалаш заводи» ОАЖ, «Фарғона механика заводи» ҳамда «Фарғонаазот» ОАЖда юзага келган қарздорликлар бартараф этилди.

Манзурахон АКРАМОВА,
Фарғона вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси меҳнаткашларни ижтимоий-иқтисодий ҳимоя қилиш бўлими мудири

Огоҳлик

Маълумки, республикамизнинг турли ҳудудларидаги темир йўлларни кўплаб автомобил йўллари кесиб ўтади. Темир йўлларда йўловчи ва юк ташиш жараёни хавфсизлигини таъминлашда ҳайдовчилардан алоҳида масъулият талаб этилади.

Йўл кесишмаси – хавфли ҳудуд



Ҳозирги вақтда республикамиз йўлларидаги йўл кесишмаларининг фақат 28 фоизигина қўриқланади. Барча йўл кесишмаларида ҳайдовчи ва йўловчилар хавфсизлигини таъминлаш учун тақиқловчи ва огоҳлантирувчи стандарт кўрсаткичлар ва белгилар, шунингдек, ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш ва поездлар билан автомобилларнинг ўзаро тўқнашувлари олдини олиш мақсадида автомобиллар серқатнов бўлган ҳамда тезюрар поездлар қатнайдиган жойлардаги қўриқланадиган йўл кесишмаларига янги замонавий автоматлаштирилган кўтарилувчи тўсиқ қурилмалари ўрнатилган.

Ҳаракатланаётган поезд ҳамиша белгиланган тезликда келади ва фавқулодда ҳолатларда уни дарҳол тўхтатишнинг иложи йўқ: тормоз берилгандан кейин ҳам поезд бир километрча масофани босиб ўтади. Шунинг учун автомобил ҳайдовчилари йўл кесишмаларидан ўтаётганда ўта ҳушёр бўлишлари, барча йўл қоидаларига амал қилишлари лозим.

Лекин амалда ҳамиша шундай бўляптими? Яқинлашиб келаётган поезд ҳақидаги огоҳлантиришни кўриб турса ҳам баъзи бир «учар»лар йўлдан тезликда ўтиб кетмоқчи бўлишади. Натижада, инсонлар жабр кўрмоқда, оғир тан жароҳати туфайли бир умр ногирон бўлиб қолмоқда, поездлар издан чиқиб, уларда ташилаётган халқ хўжалиги юкларига жиддий зарар етмоқда ва бу юклар ўз манзилига кечикиб етиб бормоқда. Бу эса иқтисодиётга катта зарар келтиришини тушуниш қийин эмас.

Кейинги йилларда республикамиз миқёсида темир йўл кесишмаларида йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олиш ва йўл кесишмаларини меъёрий ҳужжатлар талаблари асосида сақлаш қоидаларига риоя этилишини назорат қилишга қаратилган қўшимча тадбирлар кучайтирилди. Шунга қарамай, автомобиллар билан поездларнинг тўқнашув ҳодисалари камаймаяпти. Мисол учун, ўтган 2013 йилда республикамиз ҳудудидаги йўл кесишмаларида автомобиллар билан поездлар ўртасида 39 марта тўқнашув юз берди. 2013 йилдаги поездларнинг автомобиллар билан тўқнашуви оқибатида 11 нафар инсон ҳаётдан кўз юмди. 2014 йилда ҳам, афсуски, бундай нохуш ҳоллар такрорланмоқда.

Шу йилнинг 28 март куни Тўрткўл — Элликқалъа оралиғидаги 542 км.даги қўриқланмайдиган йўл кесишмасида «Форд» микроавтобус ҳайдовчиси Ф.Жуманиёзовнинг тез келаётган поезд йўлига чиқиши фожиали тўқнашувга сабаб бўлди: бир йўловчи ва ҳайдовчи воқеа жойида ҳалок бўлди, 4 йўловчи оғир тан жароҳати олиб, касалхонага ётқизилди.

Нохуш тўқнашувлар келиб чиқишига, энг аввало, автомобил ҳайдовчиларининг йўл ҳаракати хавфсизлик қоидаларини бузиши, етарли даражада малакага эга эмаслиги сабаб бўлмоқда. Йўл назорати хизмати ходимларининг автокорхона, маҳалла ва жамоат жойларида бу борада етарлича тушунтириш ишлари олиб бормаётганликлари ҳам бунга сабабдир.

Шунинг учун мутасадди ташкилотлар томонидан жойларда йўл ҳаракати, кесишмалардан ўтиш қонун-қоидаларига бағишланган давра суҳбатларини ўтказиб бориш, темир йўлга яқин ҳудудларда истиқомат қилаётган маҳаллаларда аҳоли ўртасида тушунтириш ишларини кенг йўлга қўйиш мақсадга мувофиқдир.

Йўл кесишмалари — темир йўлдаги юқори хавфли ҳудуд. Буни барча ёдда тутиши керак!

Ҳусниддин ОТАХЎЖАЕВ,
«Ўздавтемирйўлназорат» инспекциясининг Тошкент филиали бошлиғи

Божхона хабарлари

Ўзбекистон Республикаси божхона чегараси орқали ҳаракатланаётган товарлар ва транспорт воситаларини, шу жумладан, Халқаро почта орқали юборилаётган жўнатмаларни божхона назоратидан ўтказиш алоҳида масъулият талаб этади.

Бошоғриқ тиллалар

2004 йил 5 октябрда Бухарест шаҳрида имзоланган Халқаро почта жўнатмалари бўйича Конвенцияга ҳамда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2011 йил 18 апрелда рўйхатга олинган «Почта алоқаси хизматларини кўрсатиш Қоидалари»га асосан, қимматбаҳо металлардан ясалган заргарлик буюмларини почта жўнатмалари орқали жўнатиш тақиқланади.

Халқаро почта иттифоқи аъзоси сифатида Ўзбекистон Республикасида ҳам юқорида зикр этилган Конвенцияга мувофиқ, божхона декларацияларида юборилаётган барча товарларнинг номлари қайд қилиниши белгиланган.

Бироқ, мазкур тартибларга риоя қилмай, қимматбаҳо заргарлик буюмларини ноқонуний йўллар билан олиб ўтишга уринаётган шахслар ҳам йўқ эмас.

Тошкент шаҳар божхона бошқармаси ходимлари томонидан тилла ва заргарлик буюмларининг юртимиз сарҳадлари орқали ноқонуний олиб ўтилишининг олдини олиш борасида тегишли тадбирлар амалга оширилмоқда.



Яқинда бошқарманинг «Бошпочтамт» божхона пости ходимлари томонидан шу турдаги қонунбузарликларнинг олди олинди.

Жумладан, Самарқандлик У.Г. номига Туркия давлатидан келган почта жўнатмаси кўздан кечирилганда, буюмлар орасида декларацияда кўрсатилмаган оғирлиги салкам 36 грамм турли хил тилла тақинчоқлар борлиги аниқланди. Маълум бўлишича, мазкур тақинчоқларнинг умумий қиймати салкам 5,4 млн. сўмни ташкил этар экан.

АҚШ давлатидан фуқаролар И.С. ҳамда М.Н. номига келган почта жўнатмаси божхона кўригидан ўтказилганда, буюмлар орасида умумий нархи салкам 16 млн. сўмни ташкил этган, оғирлиги 105 граммдан ортиқ турли хил заргарлик буюмлари борлиги маълум бўлди.

Ҳозирда мазкур ҳолатлар юзасидан божхона текширувлари ва суриштирув ҳаракатлари давом эттирилмоқда.

Эслатиб ўтамиз, Адлия вазирлиги томонидан 1998 йил 13 мартда рўйхатга олинган «Ўзбекистон Республикаси ҳудудига жисмоний шахслар томонидан товарларни акциз солиғи солинмасдан олиб киришнинг чекланган нормалари»га кўра, жисмоний шахслар ўзлари билан оғирлиги 30 гр. дан ошмаган 5 донагача қимматбаҳо металл ва тошлардан тайёрланган заргарлик буюмларини божхона декларациясида қайд этган ҳолда олиб киришлари мумкин.

Тошкент шаҳар божхона бошқармаси Ахборот хизмати

Ёнғин хавфсизлиги

Биноларнинг ёнғин хавфсизлигини таъминлаш уларни лойиҳалаштириш ва қуришдан бошланади. Қурилиши кетаётган бино ва иншоотларда, шунингдек, қурилиш-монтаж ишларида ёнғин хавфсизлиги тегишли қоидаларга амал қилиш орқали таъминланади.

Эҳтиёткорлик яхши



Масалан: Қурилиш майдончаларида қурилиш-монтаж ишлари бошланмасдан олдин қуриладиган ва маиший (вақтинчалик) иншоотлар орасидаги ёнғинга қарши узилишларда жойлашган барча иншоот ва бинолар бузиб ташланиши керак;

— Қурилишнинг кўмакчи масканлари (ёғочсозлик устахоналари, омбор, маиший хона ва бошқалар) жойлашиши ёнғин хавфсизлиги талабларига биноан ишлаб чиқилган бош лойиҳага жавоб бериши шарт;

— Қурилиш олиб борилаётган майдончада фақат «Чекиш жойи» ёзуви бўлган ва ёнғин ўчириш воситалари, қум солинган қути, сув тўлдирилган бочкалар билан жиҳозланган жойлардагина чекиш мумкин;

— Қурилиш ҳудудида гулхан ёқиш ман этилади;

— Газ солинган баллонлар сони 50 дан ортиқ бўлмаган ҳолда махсус омборхона ёки қуёш нури тик тушмайдиган бостирма остида сақланиши керак. Тўлдирилган баллонлар тик ҳолда сақланиши лозим. Улар махсус катаклар ёки уяларга ўрнатилади ва камар, занжир ёки қисқичлар билан маҳкамланади;

— Кислород баллонларидан фойдаланиш, уларни сақлаш ва кўчиришда баллон ҳамда шланглар мой ва мойли материалларга тегиб кетмаслиги чоралари кўрилиши даркор.

«Меҳнат қилиб, боғ яратган уни асрай билиши ҳам керак» деганларидек, бино ва иншоотларни бунёд этувчи ҳар бир бинокор-қурувчи, муҳандис тегишли талабларни пухта ўзлаштириши, қурилиш жараёнида ёнғинларга олиб келувчи ҳар қандай салбий ҳолатнинг олдини олиш юзасидан тегишлича йўриқнома билан таъминланиши лозим.

Р.ТАШМУҲАМЕДОВ,
Юнусобод ТИИБ ЁХБ инспектори

Ishonch
2014-yil 4-oktabr № 121-122 (3471)

Уйғоқ фикр

Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм. Муҳтарам Юртбошимизнинг «Юксак маънавият — енгилмас куч» асарида шундай пурмаъно сўзлар бор: «Бугун биз тарихий бир даврда — халқимиз ўз олдига эзгу ва улуғ мақсадлар қўйиб, тинч-осойишта ҳаёт кечираётган, авваламбор ўз куч ва имкониятларига таяниб, демократик давлат ва фуқаролик жамияти қуриш йўлида улкан натижаларни қўлга киритаётган бир замонда яшамоқдамиз». Ислом дини омилининг халқимиз маънавияти ва руҳиятидаги ўрни ўта муҳим бўлиб, Аллоҳга шукроналар бўлсинки, истиқлол шарофати билан мусулмонларнинг диний маросимларини камоли ҳурмат билан адо этишлари учун барча шарт-шароитлар яратиб берилди. Президентимизнинг 1991 йил 11 апрел диний байрам «Рамазон ҳайити»ни ва ўша йили 20 июнда қабул қилинган диний байрам «Қурбон ҳайити»ни дам олиш куни деб эълон қилиш ҳақидаги Фармонлари асосида миллатимиз тарихи, қадри ва қадриятларига дахлдор бу икки муборак айём катта маънавий жасорат билан яна халқимизга қайтарилди. Шундан буён ҳайит кунлари мамлакатимизда байрам сифатида кенг нишонлаб келинмоқда.



Виждон эркинлиги кафолатланган

Зеро, Асосий Қонунимизда фуқароларнинг виждон эркинлиги, барча миллат ва элатларнинг урф-одатлари ва анъаналари ҳурмат қилиниши кафолатланган. Юртбошимиз ташаббуси билан 1999 йил 7 апрелда Тошкент Ислом университети очилиши эса мамлакатимиз ҳаётида катта воқеа бўлди. Бугунги кунда Имом Бухорий номидаги Тошкент Ислом институти ва ўнга яқин ўрта махсус ислом билим юртлари фаолият юритиб келмоқда. Уларда ёшларимизга замон талаблари ва миллий қадриятларга мос тарзда диний ва дунёвий билим берилмоқда. Шунингдек, давлатимиз раҳбарининг 2008 йил 23 майда қабул қилинган Қарорига асосан ташкил этилган Самарқанд вилоятидаги Имом Бухорий халқаро марказида юртимиздан етишиб чиққан алломалар ҳаёти ва ижодини ўрганиш, диний ходимларнинг малакасини ошириш йўлга қўйилди. Қолаверса, жаҳон илм-фани ва маданияти ривожига улкан ҳисса қўшган Имом Бухорий, Имом Термизий, Абу Мансур Мотуридий, Бурҳониддин Марғиноний, Абдухолиқ Ғиждувоний, Баҳоуддин Нақшбанд каби ислом дини ва маданияти ривожига катта ҳисса қўшган улуғ аллома ва азиз-авлиёларимизнинг номи тикланди, меросини чуқур ўрганиш ва тарғиб этиш йўлга қўйилди, уларнинг юбилейлари кенг нишонланди.

Собиқ мустабид тузум даврида ўлкамизда бор-йўғи 80 дан ортиқ масжид фаолият кўрсатар эди. Аллоҳга шукрлар бўлсинким, айни пайтда масжидларимизнинг сони икки мингтадан ошди. Бугунги кунгача бир ярим мингдан зиёд имом-хатибларимиз ўз малакаларини оширдилар. Илгари ҳар йилги муборак Ҳаж сафарига 2-3 нафар кишигина борган бўлса, эндиликда минглаб фуқароларимиз умра ва ҳаж ибодатини амалга ошириш бахтига муяссар бўлмоқдалар.

Ислом ақидасига биноан яшаган инсон, мансаб, моддий манфаатни кўзлаб эмас, балки Аллоҳнинг розилиги йўлида жамият бахт — саодати учун сидқидилдан меҳнат қилмоғи лозим.

Инсон эрки дахлсиздир. Бу халқаро тамойил Конституциямизда ҳам ўз аксини топган. Дин ва виждон эркинлиги масалаларига катта эътибор қаратилган. Унда халқимиз руҳига мос келадиган имон-эътиқод, адлу инсоф, диёнат, меҳру оқибат, ор-номус, иффат ва ҳаё каби энг эзгу фазилатлар устуворлик касб этган. Бундан ташқари, Бош Қомусимизда Ўзбекистон ҳудудида яшовчи ҳар бир фуқаронинг манфаатлари, ҳуқуқ ва бурчлари қонуний жиҳатдан кафолатланган. Унинг 31-моддасида «Ҳамма учун виждон эркинлиги кафолатланади. Ҳар бир инсон хоҳлаган динига эътиқод қилиш ёки ҳеч қайси динга эътиқод қилмаслик ҳуқуқига эга. Диний қарашларни мажбуран сингдиришга йўл қўйилмайди», деб ёзилган. Шунингдек, 61-моддасида «Диний ташкилотлар ва бирлашмалар давлатдан ажратилган ҳамда қонун олдида тенгдирлар», деб белгилаб қўйилган.

Асосий қонунимизнинг муҳим бандларидан бири — Яратган томонидан берилган улуғ неъмат — инсоннинг ҳаёти ва ҳуқуқлари ҳақидадир. Унда фуқароларнинг манфаатлари қонуний равишда мустаҳкамланган ва қатъий кафолатлангандир.

Диёримиз мустақилликка эришгандан сўнг, ҳаётимизнинг барча жабҳаларида улкан ўзгаришлар рўй берди. Кишиларимизнинг ислом динига нисбатан қизиқиши янада ортди. Динга ва диндорларга бўлган муносабатлар тубдан ўзгарди. Диёримизда кўплаб масжидлар очилди.

Ҳукуматимизнинг «Хожа Аҳрор Валий таваллудининг 600 йиллигини нишонлаш тўғрисида», «Баҳоуддин Нақшбанд ёдгорлик мажмуаси марказини ташкил этиш тўғрисида»ги, «Шоҳи Зинда ёдгорлик мажмуасида қайта тиклаш ва ободонлаштириш ишларини ташкил этиш тўғрисида»ги Фармонлари ҳамда 2007 йил 20 февралда «Ҳазрати Имом» (Хастимом) жамоатчилик жамғармасини қўллаб-қувватлаш тўғрисидаги Қарорнинг қабул қилиниши буюк алломаларимиз меросларини чуқур ўрганиш ва кенг тарғиб қилиш, уларнинг эзгулик, маънавий комилликка чорловчи ғояларини юртдошларимиз, айниқса, ёш авлод қалби ва онгига сингдириш ҳамда ёдгорлик мажмуаларини асраб-авайлаш, ободонлаштириш борасидаги ишларни янада такомиллаштиришга замин яратди.

Президентимиз Фармони билан жойларда диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчи лавозимининг жорий этилиши эса айни муддао бўлди. Фармон ижроси юзасидан амалга оширилаётган тадбирлар аёллар оғирини енгил қилиш, ҳуқуқларини ҳимоялаш, маънавий савиясини юксалтириш, уларнинг мамлакатимиз сиёсий, ижтимоий ва маданий ҳаётида тўлақонли иштирокини таъминлаш, айниқса, дин ниқоби остидаги ёвуз ниятли экстремистик кайфиятдаги кимсалар таъсиридан сақлашда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Бугунги кунда фарзандларимиз республикамиздаги бир қанча олийгоҳлар, шу билан бир қаторда Тошкент Ислом университети, Тошкент Ислом институти ва ўнга яқин ўрта махсус ислом билим юртларида таълим олмоқдалар. Юртимизда бир қанча алломаларимизнинг таваллудларига бағишланган халқаро илмий-амалий анжуманлар бўлиб ўтгани ҳамда улар шарафига меъморий обидалар барпо этилгани эса ҳар биримизда фахр уйғотади.

Вазирлар Маҳкамасининг «Дин соҳасидаги маънавий-маърифий, таълим ишларини ва фаолиятини янада такомиллаштиришда ижтимоий кўмак ва имтиёзлар бериш тўғрисида»ги Қарори қабул қилиниши диёримиз мусулмонлари ҳаётида муҳим тарихий воқеа, эл кўнглидаги иш бўлди.

Мазкур Қарор диний билим юртларининг битирувчиларига бериладиган дипломлар давлат таълим ҳужжати сифатида эътироф этилишини таъминлади.

Юртимиз мўмин-мусулмонлари манфаатларини кўзлаб қабул қилинган мазкур қарорлар уламо ва имом-хатибларимизнинг ўз зиммаларидаги шарафли вазифани сидқидилдан бажариш, ислом динининг асл инсонпарварлик моҳиятини етказиш, халқимиз, айниқса, ёшларни диний ақидапарастлик ва экстремизм хатаридан асраш йўлида астойдил ҳаракат қилишга ундамоқда.

Диёримиз мусулмонлари Истиқлолнинг йигирма тўртинчи йилига қадам қўйган ҳолда мустақиллик неъматидан баҳра олаётганликларидан чексиз миннатдордирлар.

Республикамиз ҳукумати фуқароларимизга диний маросимларини камоли ҳурмат билан адо этишлари учун лозим бўлган барча шарт-шароитларни яратиб бермоқда. Жумладан, муборак умра ва ҳаж сафарига борувчилар учун катта қулайликлар яратилиши диёримиз мусулмонларига кўрсатилаётган беқиёс ғамхўрлик намунасидир. Бош Қомусимизда фуқароларнинг манфаатлари қонуний равишда мустаҳкамланган ва қатъий кафолатлангандир. Шундай экан, бу муқаддас заминда яшаётган ҳар бир инсон азиз она Ватанимиз олдидаги фуқаролик бурчларини яхши англаб олмоқлари лозим. Ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлиш билан бирга зиммамизда бурч ва мажбуриятлар борлигини ҳам унутмаслигимиз керак бўлади.

2014 йил 31 август куни муҳтарам Президентимиз «Шаҳидлар хотираси» хиёбонига ташриф чоғларида шундай дедилар: *«Бугунги кунда дунёнинг турли минтақа ва ҳудудларида авж олаётган қарама-қаршилик, жумладан, Яқин Шарқда, Ироқ ва Сурия мамлакатларида бўлаётган қонли тўқнашувлар, мусулмон дунёсидаги турли мазҳаб ва оқимлар ўртасида кучайиб бораётган ўзаро низо ва зиддиятлар, бегуноҳ одамларнинг қурбон бўлаётгани барчамизни ташвиш ва хавотирга солмасдан қўймайди.*

Бундай ҳолатларнинг келиб чиқиш сабабларини, уларнинг фожиали оқибатларини чуқур тушуниб англаб олишда, кенг жамоатчилигимиз, мўмин-мусулмонларга етказишда ҳурматли уламоларимиз, Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг ходимлари янада фаоллик ва жонбозлик кўрсатсалар, айни муддао бўлур эди. Диний қадриятларнинг, эзгуликнинг, инсониятнинг душмани бўлган ёт ғояларнинг асл моҳиятини очиб бериш, бузғунчи оқимларни жиловлаш, жаҳолатга қарши маърифат билан курашиш, мана шундай тинч, мусаффо осмон остида бунёдкорлик меҳнати билан банд бўлиб, шукрона келтириб яшаётган олижаноб халқимизнинг тинч ҳаётини ҳар қандай бало-қазолардан асрашга ўз ҳиссамизни қўшиш — бугунги кундаги энг долзарб вазифамиз бўлиши керак».

Ислом тинчлик динидир. Бу борада Қуръони каримда: *«...Эзгулик ва тақво (йўли)да ҳамкорлик қилингиз, гуноҳ ва адоват (йўли)да ҳамкорлик қилмангиз!»*, дейилади (Моида, 2). Тинчлик Аллоҳ таолонинг улуғ неъмати бўлиб, уни бутун дунёда сақлаш ҳар бир кишининг олий даражадаги вазифаси бўлмоғи лозим. Ислом дини тинчлик тушунчасини ўзининг бош ғояси ва муҳим шиорига айлантиргани ҳам бежиз эмас. Аллоҳ таоло Қуръони каримда баён қиладики: *«Эй, имон келтирган бандалар! Барчангиз тамомила тинчлик ва тоат йўлига киринглар»* (Бақара, 208).

Пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссалом тинчлик ва хотиржамлик ҳақида шундай деганлар: *«Тинчлик ва хотиржамлик икки улуғ неъматдирки, бундан кўп одамлар бебаҳрадирлар»* (Имом Бухорий ривояти).

Турли миллат ва конфессия вакиллари ўртасида тенглик Ўзбекистон Республикаси Конституциясида белгилаб қўйилган бўлиб, жумладан, унинг 18-моддасида шундай дейилади: *«Ўзбекистон Республикасида барча фуқаролар бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлиб, жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахси ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар қонун олдида тенгдирлар».*

Яратган Парвардигордан юртимизга тинчлик, осойишталик тилаб, мустақиллигимиз пойдеворини янада мустаҳкам қилсин, деб сўраймиз.

Ҳожи Абдураззоқ ЮНУСОВ,
Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси ўринбосари

Танишинг: журналнинг янги сони



Халқимиз энг улуғ, энг азиз байрамимизни «Ягонасан, муқаддас Ватаним, севги ва садоқатим сенга бахшида, гўзал Ўзбекистоним!» шиори остида кўтаринки кайфият билан нишонлади. «Демократлаштириш ва инсон ҳуқуқлари» илмий-маърифий журналининг жорий йилдаги 3-сони «Ягонасан, муқаддас Ватан!» сарлавҳали бош мақола билан очилиб, унда юртдошларимизнинг 23 йил давомида сиёсий, ижтимоий-иқтисодий, маънавий- маърифий, ҳуқуқий соҳаларда эришган ютуқлари тилга олинган.

Ягонасан, муқаддас Ватан!

Маълумки, истиқлол ҳуқуқий демократик давлатнинг бош хусусиятларидан бири бўлмиш кўппартиявийлик тизимининг ривожига кенг йўл очди. Бугунга келиб фуқаролик жамиятининг асосларидан бўлмиш сиёсий партиялар давлат ва жамият ҳаётига оид масалаларни ҳал қилишда фаол иштирок этмоқда. Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси раиси Содиқжон Турдиевнинг «Дастурий вазифалар учун имкониятлар, ислоҳотлар муваффақияти учун масъулият», Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгашининг раиси Ҳотамжон Кетмоновнинг «Кўппартиявийлик тизими — демократик ислоҳотларнинг муҳим омили», Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси раиси Сарвар Отамуротовнинг «Истиқлол — миллий тикланиш ва юксалиш имконияти», Ўзбекистон «Адолат» социал — демократик партияси Сиёсий Кенгаши раиси Наримон Умаровнинг «Сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш — демокрик ислоҳотларни изчил амалга оширишнинг муҳим омили» мақолаларида шу ҳақда сўз боради.

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг Раиси Мирза-Улуғбек Абдусаломовнинг «Эркин ва демократик сайловларни ўтказишни таъминлаш», Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти лойиҳа раҳбари, юридик фанлари номзоди, доцент Шуҳрат Якубовнинг «Сайлов жараёнларида сиёсий партия ваколатли вакили ва кузатувчисининг иштироки», Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси Матбуот хизмати раҳбари, филология фанлари номзоди Низомиддин Нурматовнинг «Оммавий ахборот воситаларининг сайлов кампаниясидаги ўрни ва аҳамияти» мақолалари Республика Олий Мажлиси ва маҳаллий Кенгашларга шу йил 21 декабрда ўтадиган сайловларга тайёргарлик ишларига бағишланган.

Журналнинг «Инсон ва қонун» рукни остида Тошкент шаҳар прокурори Мирзоҳид Обидовнинг «Фуқароларнинг давлат органларига мурожаат қилиш тартиби», юридик фанлари доктори Зокир Ибрагимовнинг «Жиноятчиликнинг олдини олишга кенг жамоатчиликни жалб қилиш масалалари», Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университети катта илмий ходим-изланувчиси Ғанишер Маматовнинг «Ахборот сиёсати ва инсон омили» мақолаларини ўқийсиз.

Мамлакатимизда кучли давлатдан кучли фуқаролик жамиятига ўтиш йўлида амалга оширилаётган ислоҳотларнинг самараси таҳлил этилган мақолаларга журналда кенг ўрин берилган. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги бошқарма бошлиғи Худоёр Мелиевнинг «Нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятини қўллаб-қувватлаш», Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти бош илмий ходими, юридик фанлари номзоди Зафар Рўзиевнинг «Маҳалла — юксак маънавиятли баркамол авлодни тарбиялаш маскани» сарлавҳали мақолалари шулар жумласидандир.

«2014 йил — Соғлом бола йили» рукни остида журналхонлар Қарши Давлат университети тарих кафедраси катта ўқитувчиси, тарих фанлари номзоди Гавҳар Мўминованинг «Соғлом бола — юрт келажаги» мақоласи билан яқиндан танишишлари мумкин.

Ҳар галгидек журналда турли анжуманлар, тадбирлар, тақдимотлар ҳақидаги ахборотларга кенг ўрин берилган.

Шаҳризода ҒУЛОМЖОНОВА

Реклама ва эълонлар

Барча юридик ва жисмоний шахслар, шу жумладан, чет эл инвесторлари диққатига!

Қорақалпоғистон Республикаси Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш қўмитаси «Ko'chmas mulk savdo xizmati» МЧЖ Қорақалпоғистон Республикаси Бош филиали бошланғич нархи босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига таклиф этади!

Аукцион савдоларига қуйидаги давлат активи қўйилади:

Қорақалпоғистон Республикаси, Хўжайли тумани, Тахиатош шаҳри, Бабанов кўчаси, 1-уйда жойлашган Солиқ инспекциясининг фойдаланилмай бўш турган маъмурий биноси (Пустующее административное здания налоговой инспекции).

Аукционга қўйилган давлат активининг тавсифи:

-умумий ер майдони — 6107,70 кв.м.

-бино ва иншоотларнинг умумий майдони — 1265,38 кв.м.

Бошланғич нархи — 796 064 100 сўм.

Балансда сақловчи: Қорақалпоғистон Республикаси, Хўжайли тумани давлат солиқ инспекцияси.

Фаолият ихтисоси: Бюджетга солиқ тўловларини ундириш.

Савдо ташкилотчиси: «Ko'chmas mulk savdo xizmati» МЧЖ Қорақалпоғистон Республикаси Бош филиали, Нукус шаҳри, А.Шамуратова кўчаси 117-«Б»уй. телефон: (8-371) 222-84-44. вебсайт; www.1kms.uz. электрон почта: user14@inbox.uz. Лицензия: RR 0001.

Аукцион савдоси 2014 йил 4 ноябр куни соат 11:00 да «Ko'chmas mulk savdo xizmati» МЧЖ Қорақалпоғистон Республикаси Бош филиали, Нукус шаҳри, А.Шамуратова кўчаси 117-«Б»уй манзилида ўтказилади.

Аукцион савдоси шу куни бўлиб ўтмаган тақдирда, такрорий савдолар 2014 йил 19 ноябр, 4 декабр ва 19 декабр кунлари 11:00 да бўлиб ўтади.

Аукцион савдолари натижалари бўйича ғолиблик баённомаси имзоланган санадан бошлаб 20 кундан кечикмай олди-сотди шартномаси тузилади.

Талабгорлар «Давлат активи» бошланғич баҳосининг 15 фоизидан кам бўлмаган миқдорда олдиндан Савдо ташкилотчиси «Ko'chmas mulk savdo xizmati» МЧЖ Қорақалпоғистон Республикаси Бош филиалининг қуйидаги банк реквизитларига закалат пулини тўлашлари лозим: ОАТБ «Турон» банк Нукус филиали, 20208000504920609003, МФО: 00585, СТИР: 207122519.

Аукционда қатнашишга буюртманома қабул қилиш билдиришнома эълон қилинган санадан бошланади ва билдиришномада кўрсатилган аукцион савдоси ўтказиладиган куни савдо бошланишидан уч соат олдин тамом бўлади.

Аукционда қатнашиш учун савдо ташкилотчисига талабгор ёки унинг вакили аукцион ўтказиш тўғрисидаги эълонда белгиланган муддатларда шахсан ёки почта бўйича қуйидаги ҳужжатларни илова қилган ҳолда аукционда қатнашишга буюртманомани икки нусхада тақдим этади:

— юридик шахслар учун давлат рўйхатидан ўтказилганлик тўғрисидаги гувоҳноманинг нусхаси, шунингдек, тўлиқ ваколатли вакилнинг аукционда қатнашиши учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси илова қилинган ишончнома; — жисмоний шахслар учун паспортнинг нусхаси, аукционда тўлиқ ваколатли вакил қатнашган тақдирда, шунингдек, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, тўлиқ ваколатли вакилнинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси илова қилинган ишончнома; — аукцион тўғрисидаги билдиришномада кўрсатилган банк ҳисоб рақамига закалат тўланганлигини тасдиқлайдиган тўлов ҳужжатининг нусхаси.

Мурожаат учун манзил: Қорақалпоғистон Республикаси, Нукус шаҳри, А.Шамуратова кўчаси 117-«Б»уй.

Маълумотлар учун телефон: (8-371) 222-84-44.

Электрон почта: user14@inbox.uz. Интернет тармоғидаги вебсайт; www.1kms.uz, www.gki.uz, www.gkitorg.uz.

Ҳурматли тадбиркор ва ишбилармонлар!
Савдоларни ўтказиш жараёнида қонун билан қўриқланадиган ҳуқуқларингиз бузилган тақдирда Давлат рақобат қўмитасининг (8-371) 259-21-37 рақамли «Ишонч телефони»га зудлик билан хабар беришингиз сўралади!
Савдоларга марҳамат қилинг!
Хизматлар лицензияланган.

«VIP REAL ESTATE» МЧЖ Наманган вилоят филиали «Аукцион савдоларини ўтказувчи комиссия» иштирокида бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!

2014 йил 5 ноябр куни соат 14:00да ўтказилиши белгиланган очиқ аукцион савдосига Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси Наманган вилояти ҳудудий бошқармасининг 2014 йил 25 сентябрдаги 322/ас, 323/ас-сонли буйруқларига асосан қуйидагилар қўйилмоқда:

1. Наманган шаҳар ҳокимлигининг муниципиал, коммунал мулк объектларини ва уй-жой фондини бошқариш» ДУК балансидаги Наманган шаҳар, Темирйўл кўчасида жойлашган, умумий ер майдони — 4109,8 кв.метр, қурилиш ости майдони — 927,98 кв.метр, фойдали майдони — 1231,46 кв.метрдан иборат «Ғунча» мактабгача таълим муассасаси бино ва иншоотлари, бошланғич баҳоси — 621 593 805 (Олти юз йигирма бир миллион беш юз тўқсон уч минг саккиз юз беш) сўм, тўланадиган закалат пули миқдори — 93 300 000 (Тўқсон уч миллион уч юз минг) сўм.

2. Чуст тумани ҳокимлиги балансидаги Чуст тумани, Карнон ҚФЙ Тошқўрғон МФЙда жойлашган, умумий ер майдони — 13 585,0 кв.м, қурилиш ости майдони —1505,85 кв.м, фойдали майдони 1493,63 кв.м.дан иборат, «Сўлим» болалар соғломлаштириш оромгоҳи, бошланғич баҳоси — 616 309 067 (Олти юз ўн олти миллион уч юз тўққиз минг олтмиш етти) сўм, тўланадиган закалат пули миқдори — 92 450 000 (Тўқсон икки миллион тўрт юз эллик минг) сўм.

Юқоридаги савдо объектлари 2014 йил 5 ноябр куни сотилмаган тақдирда 12, 19, 26 ноябр кунлари соат 14:00да ўтказиладиган аукцион савдосига такроран киритилади.

Аукцион савдоси ғолиби савдо ўтган кундан бошлаб, 20 (йигирма) кун муддатда сотувчи билан олди-сотди шартномасини тузади. Талабгорлардан аризаларни ҳар куни (дам олиш кунларидан ташқари) соат 10:00 дан 17:00гача қуйида кўрсатилган манзилда қабул қилинади ва 2014 йил 4 ноябр куни соат 14:00да, (такрорий савдолар учун мос равишда 11, 18, 25 ноябр кунлари соат 14:00да) тўхтатилади. Аукцион савдосида иштирок этиш учун талабгорлар «Закалат пули тўғрисидаги келишув»ни имзолагандан сўнг закалат пулини «VIP REAL ESTATE» МЧЖ Наманган вилоят филиалининг ОАИТБ «Ипак йўли» Наманган вилоят филиали, МФО: 01054, ИНН: 302681189, 20208000800250595002 ҳисоб рақамига тўлашлари ва қуйида кўрсатилган ҳужжатларни топширишлари керак: аукцион савдосида қатнашиш учун юридик шахслардан давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси, жисмоний шахслардан паспорт нусхаси, агар ваколатли шахс қатнашса, ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган ишончнома, ваколатли шахснинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат илова қилинган ҳолда; закалат пули тўланганлиги ҳақида тўлов ҳужжати.

Қўшимча маълумот олиш ва аукцион савдоларини ўтказиш манзили:

Савдо ташкилотчиси: «VIP REAL ESTATE» МЧЖ Наманган вилоят филиали.

Манзил: Наманган шаҳри, Озодлик кўчаси 14-уй, (Вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси биноси) Телефон: (8 369) 227-19-07. e-mail: info@realtors.uz, вебсайт: www.realtors.uz Лицензия: RR-0173. Хизматлар лицензияланган.

АУКЦИОН САВДОЛАРИ ХАБАРНОМАСИ

«REALTOR-CONSULTING GROUP» масъулияти чекланган жамияти мулкнинг бошланғич баҳоси ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига таклиф этади.

2014 йил 21 октябр куни соат 12:00 да Тошкент шаҳар, Буюк Турон кўчаси, 41-уй манзилида ўтказиладиган савдоларга Тошкент шаҳар, Хўжалик судининг 07.01.2014 йилдаги 10-1316/11301-сонли Ҳал қилув қарорига асосан банкрот деб топилган Тошкент шаҳар «KASPI» масъулияти чекланган жамияти кредиторларининг 26.09.2014 йилдаги йиғилиш баёни ҳамда тугатиш бошқарувчисининг 29.09.2014 йилдаги 139-сонли буюртмасига асосан, жамият ҳисобидаги бошланғич баҳоси — 320 502 000 (Уч юз йигирма миллион беш юз икки минг) сўм бўлган Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Матқабулов Қ.Ф.Й., Дўрман қишлоғи манзилида жойлашган умумий ер майдони — 0,8467 га, қурилиш майдони — 678,82 кв. метрдан иборат бино ва иншоотлари такроран қўйилмоқда.

Талабгорлар диққатига.

Аукцион савдоларида иштирок этиш учун буюртманомалар «Аукцион ташкилотчиси» томонидан расмий иш кунлари 2014 йил 20 октябр кунига қадар соат 10:00 дан 16:00 га қадар қабул қилинади. (13:00 дан 14:00 гача тушлик).

Аукцион савдоси ғолибига 10 кун муддатда олди-сотди шартномасини тузиш мажбурияти юклатилади.

Аукцион савдоларида иштирок этиш истагида бўлган талабгорлар «Аукцион ташкилотчиси» билан тузиладиган закалат пули тўғрисидаги келишув шартномасига асосан мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизи миқдоридаги закалат пулларини тўлашлари ҳамда жисмоний шахслардан паспорт нусхаси, ҳуқуқий шахслардан давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисидаги гувоҳнома, устави нусхаси ва савдода қатнашувчи ишончли вакил учун тасдиқланган ишончнома тақдим этилиши сўралади.

Закалат тўлови учун реквизитлар: «REALTOR-CONSULTING GROUP» MChJ, ҳ/р: 20208000700234536001, ОАТБ Қишлоқ қурилиш банк Тошкент шаҳар минтақавий филиали МФО: 00452, СТИР: 207186573, ОКОНХ: 83400.

Аукцион савдосига қўйилган мулк билан тугатиш бошқарувчиси иштирокида жойига чиқиб танишиш мумкин.

Буюртманомаларни қабул қилиш ёки қўшимча маълумотлар учун манзил ва телефон:

Аукцион ташкилотчиси — «REALTOR-CONSULTING GROUP» MChJ.

Тошкент шаҳар, Буюк Турон кўчаси 41-уй. Лицензия: RR 0170, тел: 8 371 233-21-18.

Интернетдаги манзилимиз: www.rcg.uz e-mail: rc.group@inbox.ru. Хизматлар лицензияланган.

Сирдарё вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси жамоаси бирлашма кенгаши раиси Камолиддин Оқбўтаевга опаси

Норой Холқўзи қизининг

вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

Ishonch
2014-yil 4-oktabr № 121-122 (3471)

Спорт ● Спорт ● Спорт ● Спорт ● Спорт ● Спорт ●

XVII ёзги Осиё ўйинлари

Енгил атлетикачимиз Светлана Радзивил яна бир бор қитъанинг энг кучли спортчиси эканлигини исботлади.

Баландликка сакраш бўйича бўлиб ўтган мусобақаларда 1 метр 94 сантиметр натижани қайд этган Светлана Осиё ўйинларининг олтин медалини қўлга киритди. Таъкидлаш жоизки, Осиё ўйинлари рекорди ҳам вакиламизга тегишли. 2010 йили Гуанчжоу (Хитой)да ўтказилган қитъа ўйинларида 1 м. 95 см. баландликни забт этган ҳамюртимиз катта шов-шувга сабаб бўлганди.

ШОНЛИ ҒАЛАБАЛАР



Мазкур мусобақада яна бир юртдошимиз Осиё чемпиони Надия Дусанова 1 м. 89 см. натижа билан шоҳсупанинг учинчи поғонасидан жой олди.

Найза улоқтириш бўйича мусобақаларда тажрибали спортчимиз Иван Зайцев 83.68 метр натижа кўрсатиб, бронза медали билан тақдирланди.

Ўнкураш мусобақаларида ҳамюртимиз Леонид Андреев муваффақиятли қатнашди. 110 метр масофага тўсиқлар оша югуришда 14.95 сония натижа билан учинчи, диск улоқтиришда 43.85 метр натижа билан тўртинчи, лангарчўпда баландликка сакрашда 5 метр натижа билан биринчи, найза улоқтиришда 60.05 метр натижа билан иккинчи ўринни банд этди. Афсуски, жароҳати туфайли Леонид Андреев 1500 метр масофага югуриш мусобақаларида кутилган натижани қайд эта олмади. Шу тариқа, Леонид Андреев ўзининг медаллар коллекциясини Осиё ўйинларининг учинчи кумуш медали билан бойитди. Тажрибали спортчимиз 2006 йили Доҳа (Қатар)да, 2010 йили эса Гуанчжоу (Хитой)да бўлиб ўтган Осиёнинг энг йирик спорт мусобақасида ҳам кумуш медал соҳиби бўлган эди.

Яна бир кумуш медал Александра Котлярова га топширилди. Уч ҳатлаб сакраш мусобақаларида Александра 14 метр 05 сантиметр натижа қайд этиб, иккинчи ўринни эгаллади.

***

Олимпиада ўйинлари дастуридан ўрин эгаллаган таэквондо WTF йўналиши бўйича мусобақаларда ҳамюртларимиз Жасур Бойқўзиев (-87 кг.) ва Никита Рафалович (-74 кг.) делегациямиз ҳисобига навбатдаги медалларни келтиришди.

Жасур Бойқўзиев биринчи учрашувдаёқ Олимпиада ўйинлари совриндори, икки карра жаҳон чемпиони эронлик Юсуф Карамини 5:4 ҳисобида енгиб, чорак финалда иорданиялик Муҳаммад Алшажанийни мағлуб этди.

Шундан сўнг Жанубий Корея терма жамоаси аъзоси, ёшлар ўртасида жаҳон чемпиони Ёнграй Шинга карши финал йўлланмаси учун кураш олиб борди. Ушбу баҳсни кўпчилик мутахассислар финалдан олдинги финал сифатида баҳолашди. Учрашувда ҳисобни гарчи кореялик спортчи очган бўлса-да, якуний натижа 7:6 ҳисобида ҳамюртимиз фойдасига ҳал бўлди.

Финал баҳсида Таиланд вакили Наттапат Тантрамарт билан баҳс юритган Жасур Бойқўзиев рақибига ҳеч қандай имконият қолдирмади ва 7:2 ҳисобида зафар қучиб, Осиё ўйинларининг олтин медалига сазовор бўлди.

— Осиё ўйинларида ғолибликка эришиш энг катта мақсадларимдан бири эди. Мақсадим рўёбга чиққанидан жуда ҳам хурсандман. Навбатдаги марра — Олимпиада ўйинлари. Насиб этса, энг йирик спорт мусобақасида ҳам Ўзбекистон байроғини баландга кўтариш учун бор куч ва маҳоратимни ишга соламан, — деди Жасур Бойқўзиев ОАВ вакиллари билан суҳбатда.

+87 кг. вазн тоифасида терма жамоамиз аъзоси Дмитрий Шокин ва Максим Рафалович (-80 кг.) кумуш медалларга сазовор бўлишди.

***

Бадиий гимнастика бўйича Ўзбекистон терма жамоаси олтин медални қўлга киритиб, қитъанинг энг кучли жамоаси деган шарафга эришди.

Кўпкураш мусобақаларининг жамоавий баҳсларида иштирок этган терма жамоамиз аъзолари (Валерия Давидова, Анастасия Сердюкова, Жамила Раҳматова, Равиля Фархутдинова) жами 170.130 балл жамғариб, Осиё ўйинлари ғолиблигини қўлга киритди.

— Албатта, бундай йирик спорт мусобақасида ғолиблик шоҳсупасига кўтарилиш ҳар қандай спортчининг улкан орзуларидан бири ҳисобланади, — деди Валерия Давидова. — Ниятларимиз ижобат бўлганлигидан ва Ватанимиз байроғини баландларга кўтарганимиздан жуда ҳам бахтиёрмиз.

Шунингдек, Анастасия Сердюкова кўпкураш баҳсларида 68.349 балл жамғариб, бронза медали совриндори бўлди.

***

Юнон-рум курашида 85 кг. вазн тоифасида юртимиз шарафини ҳимоя қилган тажрибали полвонимиз Рустам Ассакалов олтин медални қўлга киритди.

У финал баҳсида кореялик Ли Сеё устидан 4:0 ҳисобида ғалабага эришди.

80 кг. вазн тоифасида гиламга чиққан ҳамюртимиз Бесики Солдадзе бронза медали соҳибига айланди. Бесики бронза медали учун баҳсда қатарлик Хон Жаъфар Хонни 4:0 ҳисобида енгди.

***

Каратэ бўйича бўлиб ўтган мусобақаларнинг кумитэ баҳсларида Ватанимиз шарафини ҳимоя қилган Ғофуржон Зоҳидов (-75 кг.) учинчи ўринни эгаллади.

Унинг жамоадоши Барно Мирзаева (-61 кг.) ҳал қилувчи финал баҳсида малайзиялик Кристан Жеффрига имкониятни бой берди ва Осиё ўйинларининг кумуш медали билан тақдирланди.

***

Бокс бўйича 52 кг. вазн тоифасида иштирок этган Шаҳобиддин Зоиров Ўзбекистон ҳисобига навбатдаги кумуш медални келтирди. Унинг жамоадошлари Ойбек Мамазулунов (-81 кг.) ва Мирзоҳиджон Абдуллаев (+91 кг.) бронза медалларини қўлга киритишди.



Мини футбол



Пойтахтимизда мини футбол бўйича ўтказилган «Ассоциация кубоги — 2014» мусобақаси «Ардус» жамоасининг ғалабаси билан якунланди.

«АРДУС» — ЧЕМПИОН

Мусобақада ўн олти жамоа тўрт гуруҳга бўлинган ҳолда ғолиблик учун баҳслашди. Тошкентнинг «Ардус» жамоаси «А» гуруҳидаги дастлабки баҳсда «Нефтчи» (Фарғона) клуби вакилларига 4:5 ҳисобида имкониятни бой берган эди. Аммо кейинги учрашувларда «Old City»(Тошкент)ни 12:2, «Максам-Чирчиқ» (Чирчиқ)ни 4:1 ҳисобида мағлубиятга учратди ва гуруҳда иккинчи ўринни эгаллаб, чорак финалга чиқди.

Чорак финалда «Ардус» вакиллари «Дўстлик» (Қарши) жамоаси устидан 5:2 ҳисобида ғалаба қозонди. Ярим финалда эса «Локомотив» (Тошкент)ни 3:2 ҳисобида енгди ва ҳал қилувчи баҳсга йўлланма олди.

Мусобақа финалида «Ардус» жамоаси аъзолари «Пахтакор» (Тошкент) клуби дарвозасига жавобсиз тўртта тўп киритиб, бош совринга эга бўлди.

Шахмат

Жанубий Африка Республикасининг Дурбан шаҳрида шахмат бўйича 8-18 ёшли ўғил-қизлар ўртасидаги Жаҳон чемпионатида ҳамюртимиз Нодирбек Абдусатторовга кумуш медал насиб этди.



НОДИРБЕКНИНГ КУМУШ МЕДАЛИ

Нуфузли мусобақанинг ўн ёшгача бўлган ўғил болалар баҳсида қатнашган иқтидорли шахматчимиз Нодирбек Абдусатторов хорватиялик Иван Троселж, АҚШ вакиллари Максимиллиан Лю, Коле Фрутос, Кристофер Шен, Айдин Тургут, италиялик Иейсаа Бин-Сухайл, хитойлик Ифан Цуо устидан ғалаба қозониб, германиялик Винсент Кеймер, ҳиндистонлик Ниҳал Сарин ва Моҳан Кушагра билан дуранг ўйнади. Ўн бир партияда жами 8,5 очко жамғарди.

Эслатиб ўтамиз, Нодирбек Абдусатторов 2011 йилда икки йирик мусобақа — Ҳиндистонда мактаб ўқувчиларининг Осиё чемпионатида олтин ва Филиппинда ўсмирлар ўртасидаги қитъа биринчилигида бронза медал билан тақдирланган. 2012 йили Словениянинг Марибор шаҳрида ўтган 8 ёшдан 18 ёшгача бўлган болалар, ўсмирлар ва қизлар ўртасидаги жаҳон чемпионатида олтин медални қўлга киритган. Жорий йилнинг июн ойида пойтахтимизда шахмат бўйича 12 ёшгача бўлган ўғил-қизлар ўртасида ўтказилган Осиё чемпионатида олтин ва кумуш медални қўлга киритган.

Адҳам АРСЛОНОВ,
«Ishonch» мухбири

Спорт ● Спорт ● Спорт ● Спорт ● Спорт ● Спорт ●



Реклама ва эълонлар

Ҳаёт дарслари буни...

Ўлчамли дунё

Бундан юз йигирма йил аввал қишлоқда кечган бир воқеани одамлар ҳамон ибрат сифатида ёдга оладилар.

Қадр ва манфаатлари ўзаро улуғланадиган сулолага сулув келин тушибди. У бир неча бор бўйида ҳомила кўтарган бўлса-да, чақалоғини бағрига олиш насиб этмабди. Синовларга бардошли бўлишга ўзида куч топа олган аёл еттинчи дилбандини тупроққа қўяётиб, қабристон ҳужрасидан Тангрига нола қилибди: «Ё, Парвадигор-о! Қудратингга сиғинаман, караминг кенглигига ишонаман! Биргина боламни эркалаб, бағримда ўстирай! Агар йўқ десанг, жонимни шу ерда олавер!».

Муштипар онанинг аҳди қатъий эди. У ўша ондан уйига қайтмай, ҳужрада чилла тутиб яшай бошлади. Очлик, совуқ, қўрқув ва тун зулматларига чидади. Қайнонаси чилладорликнинг қирқинчи куни эрталаб ҳужрага келса, келин анча хушнуд кайфиятда ўтирибди.

— Ойбиби, тонгга яқин бир туш кўрдим. Оппоқ кийинган, ҳарир рўмолини елкасига ташлаган хушрўй аёл мени ёнига чақирди. Қучоқлаб кўришгач, қўлимга мана бу қамчинни тутқазди. Кейин, "Энди боравер, ниятинг албатта ижобат бўлади», деб айтди. Ўзимни ўнглаб улгурмасимдан уйғониб кетдим.

Ҳар ютуққи, эътиқод ва ишонч маҳсули саналади. Орадан бир йил ўтиб-ўтмай ўша хонадон бешигида бола йиғиси эшитилди. Лекин, Турдибекни еру-кўкка ишонмай катта қилган волида йиллар ўтиб, тақдирнинг яна бир зарбасига дуч келишидан бехабар эди. Энди тилаб олган ёлғиз дилбанди фарзандсизлик доғи билан умр кечирарди.

Дили хун, дийдаси маҳзун кунларнинг бирида онаизор ўша қамчинни қўлига олиб, нажот топган қабристон қошидаги кичик ҳужра олдига борибди: «Ё Тангрим! Шу қамчинни менга нега дастаси билан бермадинг? Ўғлим кечираётган изтиробларга мен қандоқ чидайин?» дебди.

Шунда ҳужра атрофи бир зум ёлқинланиб, олисдан қулоқларига аёл кишининг овози жаранглабди: "Бошқа бу ерга келма. Сабабини оилангдан излагин, жон қизим».

Оқила аёл бу ҳақда жуда кўп бош қотирди. Кейин ўзи келган хулосага оила аъзоларини ҳам итоат этишга ундади.

Ўша ондан эътиборан, доим қўшалоқ қулф осиғлиқ турадиган ҳайбатли ҳовли эшиклари қўнғироқушнилар, бева-бечоралар учун ланг очиб қўйилди.

Ҳа, азизлар. Кўпнинг оши ширин бўлгани каби, баҳам кўрилган бахту-бойлик ҳам бошқача. Қувончу қайғуларимизни, меҳру саодатимизни эл билан бўлишиш бахти ҳар биримизга насиб этаверсин. Бир осмон остида бахтли бўлиш шуни тақозо этади.

Мансур АЛОВУДДИНОВ,
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси

«FAR PIRAMIDA INVEST» МЧЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ «Ким ошди» савдосига таклиф этади.

Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш Давлат қўмитаси Фарғона вилоят ҳудудий бошқармасининг 2014 йил 29 сентябр кунги 270 и/ч-сонли, 271 и/ч-сонли, 272 и/ч-сонли, 273 и/ч-сонли, 274 и/ч-сонли, 275 и/ч-сонли, 276 и/ч-сонли ва 279 и/ч-сонли буйруғларига асосан қуйидаги бино иншоотлар (кейинги ўринларда «Давлат активи» деб юритилади) қўйилмоқда.

1. Фарғона вилояти, Риштон тумани Уйрат Ш.Ф.Й., Дашт тегирмон қишлоғида жойлашган ФАП бино иншоотлари. **Бошланғич баҳоси — 22 613 000 сўм.**

2 .Фарғона вилояти, Тошлоқ тумани Қумариқ М.Ф.Й., Обисиё маҳалласида жойлашган «Эски ФАП» бино иншоотлари. **Бошланғич баҳоси — 115 951 377 сўм.**

3.Фарғона вилояти, Қўштепа тумани Лангар Қ.Ф.Й., Нурабод маҳалласида жойлашган «Савдо маркази» бино иншоотлари. **Бошланғич баҳоси — 497 467 886 сўм.**

4. Фарғона вилояти, Фурқат тумани Қўқон Қ.Ф.Й., Жалоер қишлоғида жойлашган «Жалоер ФАП» бино иншоотлари. **Бошланғич баҳоси — 43 635 000 сўм.**

5. Фарғона вилояти, Фурқат тумани Навбахор Қ.Ф.Й., Айритом қишлоғида жойлашган «Айритом ФАП» бино иншоотлари. **Бошланғич баҳоси — 29 404 316 сўм.**

6. Фарғона вилояти, Фурқат тумани Қўқон Қ.Ф.Й., Бекобод қишлоғида жойлашган «Бекобод ФАП» бино иншоотлари. **Бошланғич баҳоси — 50 559 000 сўм.**

7. Фарғона вилояти, Фурқат тумани Навбахор Қ.Ф.Й., Ардахшон қишлоғида жойлашган «Ардахшон ФАП» бино иншоотлари. **Бошланғич баҳоси —25 732 205 сўм.**

8. Фарғона вилояти, Фурқат тумани Ғунча Қ.Ф.Й., Шухай қишлоғида жойлашган «Шухай ФАП» бино иншоотлари. **Бошланғич баҳоси — 29 444 123 сўм.**

Аукцион савдолари 2014 йил 7 ноябр куни соат 10:00 да бўлиб ўтади. Ким ошди савдоси шу куни бўлиб ўтмаган ёки сотилмаган тақдирда такрорий савдолар 2014 йил 24 ноябр, 9 ва 23 декабр кунлари соат 10:00 да бўлиб ўтади.

Талабгорлардан савдода қатнашиш учун аризалар савдодан бир кун олдин тўхтатилади.

Савдога қўйилган объект ва унинг ҳужжатлари билан «Савдо ташкилотчиси»да бевосита танишишлари мумкин. Шунингдек, ким ошди савдолари Фарғона ш. А.Навоий кўчаси, 54/18 манзилида бўлиб ўтади.

Аукцион савдосида қатнашиш учун талабгорлар «Савдо ташкилотчиси» билан тузиладиган закалат келишувига асосан, объектнинг бошланғич баҳосини 15 фоизи миқдорида закалат пулини тўлов ҳужжатида объектни номи кўрсатилган ҳолда «Савдо ташкилотчиси» «FAR PIRAMIDA INVEST» МЧЖнинг реквизитлари, ИИН: 300 353 028, МФО:00539, «Асакабанк» Фарғона бўлимидаги 20208000404602810001 ҳисоб рақамига тўлашлари керак.

Аукцион савдосида қатнашиш учун талабгорлар: Ўзбекистон Республикаси фуқаролари — паспорт нусхаси, хорижий юридик шахслар — уларнинг уставининг белгиланган тартибда легализация қилинган нусхаси, хорижий фуқаролар — чет давлат миллий ёки дипломатик паспорти ва Ўзбекистон Республикасида доимий яшайдиган ва яшаш гувоҳномасига эга бўлган шахслар-яшаш гувоҳномаси билан хабарномада кўрсатилган банк ҳисоб рақамига закалат пули тўланганлигини тасдиқлайдиган тўлов ҳужжатининг нусхасини тақдим этади. Талабгор буюртманома бериш ва савдода ҳамда савдо натижалари бўйича расмийлаштириладиган ҳужжатлар ваколатли вакил томонидан қатнашганда ҳамда имзоланган тақдирда белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома.

Талабгорларни қизиқтирган барча масалалар бўйича мурожаат учун манзил:

Фарғона шаҳар А.Навоий кўчаси, 54-уй 18-хона. Тел. 8373 226-66-99, (+99890) 630-66-99. веб-сайт www.fer-piramida.uz Лицензия RR 0131. Хизматлар лицензияланган.

«FAR PIRAMIDA INVEST» МЧЖ барча юридик ва жисмоний шахслар, шу жумладан, чет эл инвесторларини очиқ танлов савдосига таклиф этади.

Савдога Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш Давлат қўмитаси Фарғона вилоят ҳудудий бошқармасининг 2014 йил 29 сентябр кунги 269 и/ч-сонли, 277 и/ч-сонли, 278 и/ч-сонли, 280 и/ч-сонли буйруқларига асосан қуйидаги бино иншоотлар (кейинги ўринларда «Давлат активи» деб юритилади) қўйилмоқда.

1. Фарғона вилояти Фарғона тумани Каптархона Қ.Ф.Й.да жойлашган 43-сонли болалар богчасининг бино иншоотлари. **Бошланғич баҳоси — 132 716 709 сўм.** Фарғона туман ҳокимлигининг 27.09.2014й. хатига асосан объектга 1 йил давомида камида 70 000 000 сўм инвестиция киритиш ва 10 та янги иш ўринларини яратиш шарти билан.

2. Фарғона вилояти Риштон тумани Носгар М.Ф.Й. Б.Рошидоний кўчасида жойлашган 33-сонли болалар богчасининг бино иншоотлари. **Бошланғич баҳоси —101 857 447 сўм.** Риштон туман ҳокимлигининг хатига асосан объектга 1 йил давомида камида 80 000 000 сўм инвестиция киритиш ва 8 та янги иш ўринларини яратиш шарти билан.

3. Фарғона вилояти Фарғона тумани Водил Қ.Ф.Й., «Мирзаолим» М.Ф.Й.да жойлашган «Водил дам олиш маскани» бино иншоотлари. **Бошланғич баҳоси — 285 075 297 сўм.** Объектга 1 йил давомида камида 180 000 000 сўм инвестиция киритиш ва 15 та янги иш ўринларини яратиш шарти билан.

4. Фарғона вилояти Риштон тумани «Уйрат» Ш.Ф.Й., Дашт Тегирмон қишлоғида жойлашган 48-сонли бино иншоотлари. **Бошланғич баҳоси —141 748 615 сўм.** Риштон туман ҳокимлигининг 26.09.2014й. 397-сонли хатига асосан объектга 1 йил давомида камида 150 000 000 сўм инвестиция киритиш ва 15 та янги иш ўринларни яратиш шарти билан.

Танлов савдолари 2014 йил 5 ноябр куни соат 15:00 да Фарғона ш. А.Навоий кўчаси. 17-«а»уй, 3 қаватида бўлиб ўтади.

Буюртманомалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16-00 гача қабул қилинади. Буюртманомаларни қабул қилиш 2014 йил 5 ноябр куни соат 12:00 гача.

Инвеестиция мажбуриятларининг ва бошқа мажбуриятларининг энг кам ҳажми:

- энг юқори сотиб олиш тўловини таклиф этиш;
- энг юқори миқдорда инвестиция киритиш мажбуриятини олиш;
- сотиб олиш қиймати ва инвестиция киритишни қисқа муддатларда амалга ошириш;
- янги иш ўринларини ташкил этиш мажбуриятини олиш.

Танлов ҳужжатлари талабгорларга энг кам ойлик иш ҳақининг 2 баробари миқдоридаги тўлов эвазига берилади.

Танлов савдоси шу куни бўлиб ўтмаганда, такрорий савдолар 2014 йил 20 ноябр, 5 ва 22 декабр кунлари соат 15-00 да бўлиб ўтади.

Танлов савдосида қатнашиш учун талабгорлар: Ўзбекистон Республикаси фуқаролари-паспорт нусхаси, хорижий юридик шахслар-улар уставининг белгиланган тартибда легализация қилинган нусхаси, хорижий фуқаролар — чет давлат миллий ёки дипломатик паспорти ва Ўзбекистон Республикасида доимий яшайдиган ва яшаш гувоҳномасига эга бўлган шахслар-яшаш гувоҳномаси билан хабарномада кўрсатилган банк ҳисоб рақамига закалат пули тўланганлигини тасдиқлайдиган тўлов ҳужжатининг нусхасини тақдим этади. Талабгор буюртманома бериш ва савдода ҳамда савдо натижалари бўйича расмийлаштириладиган ҳужжатлар ваколатли вакил томонидан қатнашганда ҳамда имзоланган тақдирда белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома.

Талабгорлар танлов савдоларига қўйилган мазкур давлат активларини бошланғич баҳосининг 15 фоиздан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини буюртманомалар қабул қилинадиган охирги кунгача «Танлов ташкилотчиси»нинг «Асака банк» Фарғона бўлимидаги МФО 00539, ИНН 300353028, 20208000404602810001 ҳисоб рақамига тўлашлари шарт. Белгиланган тартибга кўра танлов савдосида ғолиб чиққан қатнашчига 20 кун ичида «Сотувчи» билан олди-сотди шартномасини имзолаш мажбурияти юклатилади. Тўланган закалат пули 15-фоиздан камни ташкил этса, савдо ғолиби давлат активини олди-сотди шартномаси тузилгунга қадар «сотувчи»нинг банк ҳисоб рақамига етишмаётган суммани тўлаши шарт.

Талабгорларни қизиқтирган барча масалалар бўйича мурожаат учун манзил:

Фарғона шаҳар, А.Навоий кўчаси 54-уй 18-хона. Тел. 8373 226-66-99. (+99890) 630-66-99. веб-сайт: www.fer-piramida.uz Лицензия: RR 0131. Хизматлар лицензияланган.

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

Muassis:
O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

Bosh muharrir o'rinbosari
Zayniddin Rixsiyev

Tahrir hay'ati:
Muhammad Ali Ahmedov, Baxtiyor Mahmadaliyev, Oksana Belausova, Sog'indiq Niyetullayev, Eson Rajabov, Jahongir Sharofboyev (Mas'ul kotib).

2007 yil 11 yanvarda O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0116-raqam bilan ro'yxatga olingan.
ISSN 2010-5002

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 4 bosma

Bo'limlar:
Kasaba uyushmalari hayoti — 256-87-63, Huquq va xalqaro hayot — 256-64-69, Milliy-ma'naviy qadriyatlar va sport — 256-82-79, Xatlar va muxbirlar bilan ishlash — 256-85-43, Reklama va e'lonlar — 256-87-73.

Hududlardagi muxbirlar:
Andijon + 998 91 475-23-60; Buxoro + 99893 653 50 81; Sirdaryo + 998 90 999 58 30; Jizzax + 998 94 418-67-49; Navoiy + 998 94 226-28-84; Namangan + 998 90 260-50-77; Samarqand + 998 93 352-50-87; Qashqadaryo +998 91 467-30-01; Surxondaryo + 998 95 502-68-99; Farg'ona + 998 91 141-27-70; Qoraqalpog'iston Respublikasi + 998 91 268-92-32; Xorazm + 998 90 719-48-00.

Manzilimiz:
100165, Toshkent shahri, Buxoro ko'chasi, 24-uy

Nashr ko'rsatkichi:
133

Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi. Sotuvda erkin narxda.

Navbatchi muharrir:
B.Rizayev
Navbatchi:
A.Arslonov
Musahhih:
S.Shodiyeva

Bosishga topshirish vaqti -21.05
Topshirildi -21.40

E-mail:ishonch2012@gmail.com

Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi. Sahifalovchi: H.Abdujalilov

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi. Korxona manzili: «Buyuk Turon» ko'chasi, 41-uy.

«Ishonch»dan olingan ma'lumotlarda manba sifatida gazeta nomi ko'rsatilishi shart. Mualliflar fikri tahririyat nuqtayi nazaridan farqlanishi mumkin.

Buyurtma Г — 1015 | 13831 nusxada bosildi | 1 2 3 4 5